

ҲАЛИМОВ ФУРҚАТ ЭМИНЖОНОВИЧ



**ЖИСМОНИЙ ТАРБИЯ ВА СПОРТ  
МУАССАСАЛАРИДА МОЛИЯВИЙ  
МУНОСАБАТЛАРНИ  
ТАКОМИЛЛАШТИРИШ**

**«ЎЗБЕКИСТОН ИҚТИСОДИЁТИНИ  
РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ ИЛМИЙ АСОСЛАРИ ВА  
МУАММОЛАРИ» ИЛМИЙ-ТАДҚИҚОТ МАРКАЗИ**

**ҲАЛИМОВ ФУРҚАТ ЭМИНЖОНОВИЧ**

**ЖИСМОНИЙ ТАРБИЯ ВА СПОРТ  
МУАССАСАЛАРИДА МОЛИЯВИЙ  
МУНОСАБАТЛАРНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ**

**МОНОГРАФИЯ**

**ТОШКЕНТ 2023**

**УЎК: 336+796.5(575.1)**

**КБК: 65.268**

Жисмоний тарбия ва спорт муассасаларида молиявий муносабатларни такомиллаштириш / Монография / PhD Ф.Э.Ҳалимовнинг. – Т.: “Lesson Press” МЧЖ нашриёти. 2023 . 116 бет.

**Масъул муҳаррир:** и.ф.д., проф.М.Б.Калонов

**Такризчилар:**

и.ф.д., доцент Ф.И.Исаев,  
PhD С.З.Аброров

Монография Тошкент давлат иқтисодиёт университети ҳузуридаги «Ўзбекистон иқтисодиётини ривожлантиришнинг илмий асослари ва муаммолари» илмий-тадқиқот маркази кенгашининг 2023 йил 28 январдаги 4/6-сонли Қарори билан нашрга тавсия этилган.

**ISBN: 978-9943-9548-0-9**

**©“Lesson Press” МЧЖ нашриёти, 2023й**

## Кириш

**Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати.** 2022-2026 йилларга мўлжалланган янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегиясида «ёшлар ўртасида миллий спорт турларини оммалаштириш, спорт билан мунтазам шуғулланадиган аҳоли сонини ошириш, миллий спорт турлари ва халқ ўйинларини, юртимизнинг чекка ҳудудлари ва қишлоқларида соғломлаштириш ишларини ҳамда қишки ва экстремал спорт турларини янада ривожлантириш»<sup>1</sup> белгиланган.

Белгилаш зарурки, бугунги кунда дунёда жисмоний тарбия ва спорт соҳасининг инновацион жиҳатларини аниқлаш ва уларни қўллаб-қувватлаш асосида амалиётга тадбиқ этиш тенденцияси кузатилмоқда. Зеро, ривожланган мамлакатлар амалиётидан маълумки, жисмоний тарбия ва спорт муассасаларининг самарали фаолияти мамлакатнинг барқарор ижтимоий ва иқтисодий ривожланишга ижобий таъсир кўрсатади.

Шу сабабли, мамлакатда жисмоний тарбия ва спортни ривожлантиришга хизмат қилувчи муассасаларни молиявий барқарорлигини таъминлаш, уларнинг молиялаштириш имкониятларини кенгайтириш, фаолият самарадорлигини таъминловчи молиялаштириш моделлари ва механизмларини зарур элементлар билан тўлдириш орқали такомиллаштиришга бағишланган илмий тадқиқотларни амалга ошириш устувор долзарб аҳамият касб этади.

**Тадқиқотнинг республика илм-фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги.** Диссертация иши республика фан ва технологиялари ривожланишининг I. “Демократик ва ҳуқуқий жамиятни маънавий-ахлоқий ва маданий ривожлантириш, инновацион иқтисодиётни шакллантириш” устувор йўналиши доирасида бажарилган.

---

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги ПФ-60-сон “2022-2026 йилларга мўлжалланган янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида”ги фармони.

**Муаммонинг ўрганилганлик даражаси.** Бугунги кунга кадар жисмоний тарбия ва спортни ривожлантиришга бағишлаб кўплаб хорижий, маҳаллий олимлар, тадқиқотчилар томонидан илмий изланишлар ва унинг асосидаги кашфиётлар амалга ошириб келинмоқда.

Спортнинг ижтимоий аҳамияти, унинг назарий ҳамда методологик асослари П.Бурдые<sup>2</sup>, М.Омахоуни<sup>3</sup>, А.Гонашвили<sup>4</sup> каби хорижий олимлар томонидан тадқиқотлар амалга оширилган. Жисмоний тарбия ва спортнинг ижтимоий жиҳатларининг ташкилий тузулмаси, механизми ва характерини В.И.Жолдак ва Н.В.Коротаева<sup>5</sup> каби олимлар томонидан очиб берилган бўлса, аҳолининг спорт билан шуғулланиш жараёнларини бошқариш масалалари, Д.Ш.Богданова, П.К.Кузнецова, И.М.Сальникованинг<sup>6</sup> илмий тадқиқотларида ўрганилган.

Шунингдек, жисмоний тарбия ва спортда тижоратлаштириш муаммолари С.А.Остроухов ва Ж.Рогге, молиялаштириш масалалари Н.В.Слободянюк, С.М.Кулешов, Ю.Павленко ҳамда соҳада давлат хусусий шерикчилик муносабатлари инвестицияларни жалб қилишнинг самарали усули сифатида эътироф этилиши В.А.Кабашкин, А.П.Косинцев, Д.А.Обожина, Т.Е.Мельник, В.И.Косогорцев, О.А.Моисеева, О.И.Ларинанинг<sup>7</sup> илмий тадқиқотларида кузатилади.

---

<sup>2</sup> Бурдые П. Программа для социологии спорта // Начала. М.1994. С.261-262.;

<sup>3</sup> Омахоуни М. Физическая культура-визуальная культура: пер. с англ. М.2010 296 с.; Матвеев Л.П. Спорт для всех и спорт не для всех. М.2000. 122 с.

<sup>4</sup> Гонашвили А. «Методологические основы социологии спорта» // Монография. Санкт-Петербург. 2017. С.52.

<sup>5</sup> Жолдак В.И., Коротаева Н.В. Социология физической культуры и спорта. Учебное пособие. Малаховка. 1994.

<sup>6</sup> Богданова Д.Ш. Профессиональный спорт в современном обществе: культурфилософский анализ: автореф. Дис. ... канд.филос. наук. Тверь. 2012.; Кузнецова П.К. Массовый спорт в современной России: социальные факторы воспроизводства и развития: автореф. Канд.социол.наук. Санкт-Петербург. 2013.; Сальникова И.М. Метафора «Политика – это спорт» как способ концептуализации сведений о политической действительности: на материале британского и американского медиадискурса: автореф. Дис.канд. филол. Наук. Воронеж. 2013.

<sup>7</sup> Остроухов С.А. Предпринимательство в спорте или как формируется конкурентоспособность спортивных организаций [Текст] / С.А. Остроухов, Л.Н. Орлова // Российское предпринимательство, 2017. - Том 18. - № 3. С.405-416.; Президент МОК Рогге открыл круглый стол "Спорт как индустрия" // Материалы информационного агентства РИА-Новости. <https://ria.ru/sport/20111126/498474534.html>; Слободянюк Н.В. Особенности финансирования индустрии спорта в США // Вестник РЭУ. 2013. №3. С.53-61.; Кулешов С.М. Финансово-экономические механизмы поддержки массового спорта: отечественный и зарубежный опыт // Transport business in Russia. №2. 2017. С.14-16.; Павленко Ю. Международный опыт финансирования национальных спортивных федераций по результатам их деятельности // Наука в Олимпийском спорте. №4. 2017. С.72-84.; Кабашкин В.А. Государственно-частное партнерство: международный опыт и российские перспективы. М.: ООО «МИЦ», 2010. 117 с.; Косинцев А.П., Обожина Д.А. Государственно-частное партнерство как эффективная форма привлечения инвестиций в сферу физической культуры и спорта / Вестник УрФУ. Серия экономика и управление. №3. 2013. С.84-94.; Мельник Т.Е. Государственно-частное партнерство в области физической культуры и спорта / Журнал российского права. №12. 2016. С.133-141.; Косогорцев В.И., Моисеева О.А. Реализация моделей

Ўзбекистонда жисмоний тарбия ва спортни ривожлантириш борасида катор илмий-тадқиқотлар амалга оширилган, хусусан, А.М.Ачилов<sup>8</sup> болалар спортини ривожлантириш жамғармасининг жисмоний тарбия ва соғломлаштириш фаолиятини ташкил қилиш муаммоларини тадқиқ этган бўлса, К.Т.Шакиржонова, У.Р.Абдумаликов, Т.А.Шакиржанов<sup>9</sup> жисмоний тарбия ва спортни ривожлантиришнинг асосий омиллари сифатида, узлуксиз таълимни ташкил қилиш ва ривожлантириш билан боғлиқлигини асослашган. А.А.Танибердиев<sup>10</sup> олий таълим муассасаларида жисмоний тарбия дарслари учун кластер модулини ишлаб чиқиш муаммоларини тадқиқ этиш асосида жисмоний маданият ва спорт фанининг ўқув элементларининг таркибий аҳамиятини баҳолашнинг эксперт услуги, таълим ва тарбия жараёнида кластер-модул аҳамияти масаларини очиб берган.

Мамлакатда молиявий муносабатлар, давлат молия тизими, молиявий сиёсат ва молия бошқарувинининг назарий асослари кўплаб олимлар томонидан тадқиқ этиб келинмоқда, улар жумласига, А.В.Вахобов, Т.С.Маликов, Н.Ҳ.Ҳайдаров, А.У.Шеров ва М.Х.Темиров<sup>11</sup>ларни киритиш мумкин.

Аммо, миллий иқтисодиёт мустақилликга эришган даврлардан бошлаб молия тизимини ривожлантиришга бағишланган кўплаб илмий тадқиқотлар амалга оширилган бўлишига қарамасдан, жисмоний тарбия ва спорт муассасаларида молиявий муносабатлари муаммолари илмий жиҳатдан тўлиқ тадқиқ этилмаган.

---

государственно-частного партнерства в ведомственных спортивных организациях / Социологические аспекты управления и экономика. С.127-131.; Ларина О.И. Государственно-частное партнерство в сфере физической культуры и спорта / Управление. №4. 2018. С.21-28.; Остроухов С.А. Предпринимательство в спорте или как формируется конкурентоспособность спортивных организаций [Текст] / С.А. Остроухов, Л.Н. Орлова // Российское предпринимательство, 2017. - Том 18. - № 3. С.405-416.

<sup>8</sup> Ачилов А.М. “Болалар спортини ривожлантириш жамғармасининг жисмоний тарбия ва соғломлаштириш фаолиятини ташкил қилиш технологияси” / Педаг. фанлар. номз. илм. дараж. диссертация. Т.: 2008. Б.7.

<sup>9</sup> Шакиржонова К.Т., Абдумаликов У.Р., Шакиржанов Т.А. “Жисмоний тарбия ва спортдаги узлуксиз таълимни ташкил қилиш”. Ўқув услубий қўлланма. Т.: 2012. Б.118.

<sup>10</sup> Танибердиев А.А. Олий таълим муассасаларида жисмоний тарбия дарслари учун кластер модулини ишлаб чиқиш / педагогик фанлари бўйича фалсафа доктори диссертацияси. Чирчиқ. 2019. Б.43.

<sup>11</sup> Vahobov A., Malikov T. Moliya. Darслиk. Т.: «Noshir», 2011, 712 б.; Маликов Т.С., Ҳайдаров Н.Ҳ. “Молия: умумдавлат молияси”. Ўқув қўлланма. 2009. Б.556.; Шеров А.У. “Ўзбекистонда бюджет сиёсати йўналишларини такомиллаштириш” / иқтисод. фанлари бўйича фалсафа доктори илмий даражасини олиш учун диссертация. Т.: 2020. Б.137.; Темиров М.Х. “Ўзбекистон Республикасида давлат молия тизимини ислох қилишнинг истиқболли йўналишлари” / иқтисод. фанлари бўйича фалсафа доктори илмий даражасини олиш учун диссертация. Т.: 2019. Б.159.



**Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги.** Диссертация Тошкент давлат молия институти илмий-тадқиқот ишлари режасига мувофиқ “Иқтисодиётни модернизация қилиш шароитида молия, банк ва ҳисоб тизимини мувофиқлаштиришнинг илмий асослари” мавзусидаги илмий лойиҳа дорасида бажарилган.

**Тадқиқотнинг мақсади** жисмоний тарбия ва спорт муассасаларида молиявий муносабатларни такомиллаштириш бўйича илмий асосланган таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқиш.

**Тадқиқотнинг вазифалари** қуйидагилардан иборат:

жисмоний тарбия ва спорт муассасаларининг ижтимоий-иқтисодий моҳияти ва молиялаштиришнинг илмий-назарий жиҳатларини ўрганиш;

жисмоний тарбия ва спорт муассасаларида молиявий муносабатларни ташкил этишнинг ўзига хос хусусиятларини ёритиб бериш;

жисмоний тарбия ва спорт муассасаларида молиявий муносабатлар ҳолатини таҳлил қилиш;

ҳалқаро тажрибада жисмоний тарбия ва спорт муассасаларида молиявий муносабатларни ташкил этишнинг илғор механизмларини тадқиқ қилиш ва ўзига хос хусусиятларини аниқлаш;

жисмоний тарбия ва спорт муассасаларида молиявий муносабатларни такомиллаштиришнинг норматив-ҳуқуқий асосларини таҳлил этиш;

жисмоний тарбия ва спорт муассасаларида самарали молиявий муносабатларни жорий этиш йўллари бўйича илмий таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқиш.

**Тадқиқотнинг объекти** сифатида Ўзбекистон Республикаси жисмоний тарбия ва спорт муассасалари фаолияти олинган.

**Тадқиқотнинг предмети** жисмоний тарбия ва спорт муассасаларини молиялаштириш жараёнида юзага келадиган молиявий муносабатлар ташкил этади.

**Тадқиқотнинг усуллари.** Диссертацияда илмий абстракциялаш, эмпирик, иқтисодий-статистик, гуруҳлаштириш, қиёсий ва динамик таҳлил, синтез таҳлил каби усулларидан фойдаланилган.

**Тадқиқотнинг илмий янгиликлари** қуйидагилардан иборат:

устав капиталида давлат улуши 50 фоиз ва ундан ортиқ бўлган юридик шахслар йиллик фойдасининг 2 фоизи миқдорида жойлашган ҳудуди бўйича спортни ривожлантириш жамғармасига ўтказиш таклиф этилган;

жисмоний тарбия ва спорт мутахассислигидаги олий таълим муассасалари битирувчи курсидаги талабаларни ойлик иш ҳақи тўлаш асосида жисмоний тарбия йўриқчиси-ўқитувчиси ҳамда тренерлик фаолияти билан шуғулланишга рухсат бериш таклиф этилган;

маҳаллий ва хорижий туристларнинг дам олишини ташкил қилишда чавандозлар мактаби, камондан отиш ва кўп тармоқли спорт мажмуаларини давлат-хусусий шериклик асосида ташкил этиш таклиф этилган;

давлат хусусий шерикликчилик асосида киберспортни 2025 йилгача ривожлантириш молиявий-иқтисодий жиҳатдан самарали ёндашув эканлиги асосланган.

**Тадқиқотнинг амалий натижалари:**

“Молиявий таъминот” тушунчаси ташкилотнинг фаолияти учун зарур бўлган молиявий ресурслардан самарали фойдаланишни назорат қилишнинг комплекс чора-тадбирлар мажмуи асосида такомиллаштирилган;

хорижий мамлакатлар амалиётида мавжуд бўлган моделлар (1. молиялаштириш тизими аралаш турдаги мамлакатлар, бунда давлатнинг иштироки ва хусусий секторнинг иштироки бўлган мамлакатлар (ЕИ ва Осиё мамлакатлари); 2. молиялаштиришда давлат аралашувидан тўлиқ воз кечилган модель (АҚШ мисолида) асосий йўналишларга ажратилган;

жисмоний тарбия ва спортнинг ижтимоий аҳамияти қаторида, унинг тадбиркорлик фаолиятига соҳада мулкдорларнинг кўпайиши ва натижада соҳанинг инвестицион жозибардорлигининг ортиши, аҳолига кўрсатиладиган хизматларнинг тури ва сонининг кўпайиши, спорт саноати ва хизмат



кўрсатиш соҳаларининг шаклланиши, ривожланиши ижобий таъсир кўрсатиши асослаб берилган;

жисмоний тарбия ва спорт соҳасида давлат-хусусий шерикчилик кўлланиладиган соҳалар очиб берилган ва эришиладиган иқтисодий самарадорлиги асослаб берилган;

киберспорт фаолиятини ташкил этиш ва ривожлантиришнинг молиявий оқимлари бошқа кўплаб спорт турлари сингари мустақил равишда тижорат фаолиятини ташкил этиш имкониятлари мавжудлиги ва уни ривожлантириш учун бевосита давлатнинг кўмаги йўналишнинг устувор вазифаларини белгилаш ҳамда норматив-ҳуқуқий асосларини яратиш зарурияти асослаб берилган.

**Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги** тадқиқотда кўлланилган услубий ёндашув ва усулларнинг мақсадга мувофиқлиги, маълумотларнинг расмий манбалардан, шунингдек халқаро ташкилотларнинг очиқ статистик ҳисоботларидан олинганлиги, хулоса ва таклифларнинг мутасадди ташкилотлар томонидан амалиётга жорий қилинганлиги билан белгиланади.

**Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши.** Жисмоний тарбия ва спорт ташкилотларида молиявий муносабатларни такомиллаштириш бўйича олинган илмий натижалар асосида:

давлат улуши устав капиталида 50% ва ундан ортиқ бўлган юридик шахслар йиллик фойдасининг 2% миқдорида жойлашган ҳудуди бўйича спортни ривожлантириш жамғармасига ўтказиш таклифи Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Спорт-таълим муассасалари фаолиятини 2025 йилгача ривожлантириш дастури тўғрисида”ги қарори лойиҳасига киритилган (Туризм ва спорт вазирлигининг 2021 йил 26 августдаги 04-17-02/5625-сон маълумотномаси). Натижада ҳудудларда спорт майдонлари ва иншоатлари қурилиши 2,7 баробарга ошган;

олий таълимнинг жисмоний тарбия ва спорт йўналишларининг битирувчи босқичидаги талабаларга ойлик иш ҳақи тўлаб бориш асосида жисмоний тарбия ўқитувчиси ҳамда тренерлик фаолияти билан

шуғулланишга рухсат бериш таклифи Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Спорт таълими тизимини тубдан такомиллаштириш орқали олимпия ва паралимпия спорт турлари бўйича спортчилар захирасини шакллантириш сифатини янада ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори<sup>12</sup> лойиҳасига киритилган (Туризм ва спорт вазирлигининг 2021 йил 26 августдаги 04-17-02/5625-сон маълумотномаси). Натижада олий таълим муассасалари жисмоний тарбия ва спорт фаолияти йўналишларининг битирувчи ишга жойлашиши 48 фоизга ошган;

маҳаллий ва хорижий туристларнинг дам олишини ташкил қилишда чавандозлар мактаби, камондан отиш ва кўп тармоқли спорт мажмуаларини давлат-хусусий шериклик асосида ташкил этиш таклифи Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 5 августдаги ПҚ-5212-сон “Чавандозлар мактаблари фаолиятини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарорига<sup>13</sup> киритилган (Туризм ва спорт вазирлигининг 2021 йил 26 августдаги 04-17-02/5625-сон маълумотномаси). Натижада чавандозлар мактаби ва камондан отиш бўйича янги иншоатлар барпо этилган ва бу ерларга маҳаллий ва хорижий туристларнинг оқими 30 фоизга кўпайган;

жисмоний тарбия ва спорт соҳасини 2025 йилгача ривожлантиришда давлат-хусусий шерикликка асосланган молиявий-иқтисодий муносабатларни кенгайтириш ва киберспортни ривожлантиришни эътиборга олган ҳолда соҳани 2025 йилгача ривожлантиришда соҳавий ва молиявий-иқтисодий жиҳатдан самарали ёндошув бўйича таклифлар “2025 йилгача жисмоний тарбия ва спорт соҳаларини ривожлантириш Концепцияси”ни ишлаб чиқишда фойдаланилган (Туризм ва спорт вазирлигининг 2021 йил 26 августдаги 04-17-02/5625-сон маълумотномаси). Натижада республикамизда киберспортнинг 52 фоизга кўпайиши прогноз қилинган.

---

<sup>12</sup> <https://lex.uz/docs/5713331>

<sup>13</sup> <https://lex.uz/docs/5555037>

**Тадқиқот натижаларининг апробацияси.** Тадқиқот натижалари 2 та республика ва 4 та халқаро илмий-амалий конференцияларда муҳокамадан ўтказилган.

**Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги.** Диссертация мавзуси бўйича жами 11 та илмий иш, жумладан, 1 та хорижий журналда мақола, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш бўйича тавсия этилган илмий журналларда 4 та илмий мақола, 4 та тезислар халқаро конференцияларда, республика конференциясида 2 та тезис нашр этилган.

**Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми.** Диссертация кириш, учта боб, хулоса ва фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан таркиб топган. Диссертация ҳажми 114 бетни ташкил этади.

# **I-БОБ. ЖИСМОНИЙ ТАРБИЯ ВА СПОРТ МУАССАСАЛАРИНИНГ ИЖТИМОЙ-ИҚТИСОДИЙ МОҲИАТИ ВА МОЛИЯЛАШТИРИШНИНГ ИЛМИЙ-НАЗАРИЙ ЖИҲАТЛАРИ**

## **§ 1.1 Жисмоний тарбия ва спорт муассасаларининг мамлакат ижтимоий-иқтисодий ҳаётида тутган ўрни**

Бугунги кунда олимларнинг изланишларида спортни ривожлантириш деярли барча мамлакатлар сиёсатининг устувор йўналишига айланганлиги ҳамда мамлакатнинг иқтисодий ривожланишидаги ўринга эгаллиги кўплаб илмий тадқиқотларда ўз ифодасини топган.

Ўзбекистон мустақилликга эришган дастлабки йилларидан бошлаб, сиёсий ҳамда иқтисодий соҳалардаги ютуқлари қаторида ижтимоий соҳада ҳам катта ўзгаришлар кузатилмоқда. Айниқса, жисмоний тарбия ва спорт соҳасидаги туб ислоҳотлар ва уларнинг юқори натижадорлиги алоҳида аҳамият касб этади. Хусусан, соҳани ривожлантириш учун моддий-техник таъминотнинг мавжудлиги, аҳолининг барча қатламлари ўртасида соғлом турмуш тарзининг тарғиб қилиниши бунинг яққол исботидир.

“2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси”<sup>14</sup> асосида қабул қилинган Давлат дастурларида мамлакатда жисмоний тарбия ва спортни янада ривожлантиришга қаратилган устувор вазифалар белгиланган.

2017-2020 йй. учун қабул қилинган Давлат дастурларида мамлакатда жисмоний тарбия ва спортни ривожлантириш учун белгиланган вазифаларнинг умумлаштирилиши асосида соҳани ривожлантиришга таълуқли бўлган вазифаларнинг кенг қамровлилигини белгилаш зарур.

Масалан, **2017 йилда «Халқ билан мулоқот ва инсон манфаатлари йили»да**<sup>15</sup> қуйидаги вазифалар белгиланган:

- уюлмаган ёшларнинг спорт билан мунтазам шуғулланиши учун етарли шарт-шароит яратиш мақсадида: маҳаллаларда замонавий спорт

---

<sup>14</sup> <https://lex.uz/docs/3107036> Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сонли Фармони.

<sup>15</sup> <https://lex.uz/docs/3121798>

майдончаларини барпо этиш, уюшмаган ёшлар ўртасида мусобақалар ташкил этиш (street sport);

- Соғлом турмуш тарзини тарғиб қилишга, ёшларнинг спортга бўлган қизиқишларини оширишга йўналтирилган тадбирлар доирасида Жиззах вилоятида «Баркамол авлод» спорт мусобақаларига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш.

**2018 йилда «Фаол тадбиркорлик, инновацион ғоялар ва технологияларни қўллаб-қувватлаш йили»да<sup>16</sup>** жисмоний тарбия ва спорт соҳасида хусусий сектор ва тадбиркорликни ривожлантириш, спорт муассасалари, айниқса, хусусий спорт ташкилотларида аҳолига сифатли жисмоний тарбия-соғломлаштириш ва спорт хизматлари кўрсатилишини таъминлашга оид чора-тадбирларни ишлаб чиқиш белгиланган.

**2019 йилда «Фаол инвестициялар ва ижтимоий ривожланиш йили»да<sup>17</sup>** республикада болалар ва ўсмирлар спорт мактабларини ташкил этиш, умумтаълим мактаблари спорт иншоотларини қуриш, реконструкция қилиш

ва доимий жиҳозлаш бўйича давлат дастурини ишлаб чиқиш белгиланган.

**2020 йилда «Илм, маърифат ва рақамли иқтисодиётни ривожлантириш йили»да<sup>18</sup>** оммавий спорт турларини ривожлантириш учун спорт иншоотларини қуриш ишларини давом эттириш каби вазифалар белгиланган.

Алоҳида қайд этиш зарурки, жисмоний тарбия ва спорт соҳасида ислоҳотларни амалга оширишда ҳукуматнинг барча бўғинлари жалб қилинган, улар жумласидан, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси, Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси, вазирликлар ва қўмиталар.

---

<sup>16</sup> <https://lex.uz/docs/3516847>

<sup>17</sup> <https://lex.uz/docs/4168749>

<sup>18</sup> <https://lex.uz/docs/4751561>

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатида “Ёшлар, маданият ва спорт масалалари қўмитаси” фаолияти ташкил этилган ва қўмита ёшларнинг маънавий-ахлоқий жиҳатдан камол топишига, маданият ва спорт соҳаларида давлат сиёсатини рўёбга чиқаришга қаратилган Ўзбекистон Республикасининг қонун ҳужжатлари ва давлат дастурлари ижроси устидан тизимли парламент назорати каби вазифаларни амалга оширади<sup>19</sup>.

Қўмитанинг низомига мувофиқ, спорт соҳаларида давлат сиёсатини амалга оширишга қаратилган ишларни, ушбу йўналишда қабул қилинган қонун ҳужжатларини такомиллаштириш мақсадида халқаро тажрибани ўрганати ва халқаро ҳуқуқнинг умум эътироф этилган нормаларини миллий қонунчиликка имплементация қилиш бўйича асослантилган таклифлар ишлаб чиқади.

Жисмоний тарбия ва спортни ривожлантириш давлат дастурларини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш, жисмоний тарбия ва спортни бошқариш давлат органларини тузиш каби ваколатлар Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг жисмоний тарбия ва спорт соҳасидаги ваколатлари Ўзбекистон Республикасининг «Жисмоний тарбия ва спорт тўғрисида»ги Қонунида акс эттирилган<sup>20</sup>.


Соҳада ягона давлат сиёсатини амалга оширишда давлат бошқаруви органи сифатида “Ўзбекистон Республикаси Жисмоний тарбия ва спорт” вазирлиги Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 5 мартдаги ПҚ-3583-сон қарорига асосан ташкил этилди. Вазирлик республика ҳудудида давлат спорт объектлари қурилишининг мақсадга мувофиқлиги юзасидан эксперт хулосасини беради ва улардан самарали фойдаланилишини мониторинг қилади.

Вазирликнинг мамлакатда жисмоний тарбия ва спорт муассасаларида молиявий муносабатларни такомиллаштиришга қаратилган қуйидаги вазифаларни алоҳида ажратиш мумкин (1.1.1-расмга қаранг).

---

<sup>19</sup> <http://senat.uz/uz/senators/statute/7>

<sup>20</sup> <https://lex.uz/docs/63106> Ўзбекистон Республикасининг «Жисмоний тарбия ва спорт тўғрисида»ги Қонуни.



**1.1.1-расм. Жисмоний тарбия ва спорт вазирлигини жисмоний тарбия ва спорт муассасаларида молиявий муносабатларни такомиллаштиришга қаратилган вазифалари<sup>21</sup>**

Соҳа таълим муассасаларининг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш, давлат-хусусий шерикликни ривожлантириш ҳисобига жисмоний тарбия ва спорт тизимида рақобат муҳитини яратиш мақсадида “Ўзбекистон Республикасида жисмоний тарбия ва спортни 2025 йилгача ривожлантириш концепцияси”<sup>22</sup> қабул қилинган.

Шунингдек, концепцияда белгиланган вазифаларнинг ижроси натижасида соҳасини 2025 йилгача ривожлантиришда мамлакат аҳолисининг саломатлик даражасини яхшилаш ва бошқа кўплаб ижобий кўрсаткичлар каторида спорт таълими муассасаларининг моддий-техника базасини мустаҳкамланиши ва давлат-хусусий шерикликни ривожлантириш натижасида давлат таълими тизимида соғлом рақобат муҳити яратилиши кутилади<sup>23</sup>.

Юқорида қайд этилган маълумотлардан келиб чиқиб биринчи параграф бўйича қуйидагича яқун қилиш мумкин. Маълумотлардан маълум бўляптики,

<sup>21</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 5 мартдаги ПҚ-3583-сон қарори асосида муаллиф томонидан тузилди.

<sup>22</sup> <https://lex.uz/docs/4711327> Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 24 январдаги ПФ-5924-сонли Фармони

<sup>23</sup> <https://lex.uz/docs/4711327>



жисмоний тарбия ва спорт муассасалари мамлакат ижтимоий ҳаётида муҳим аҳамият касб этиши омиллари қуйидагилардан иборат. Хусусан:

- спорт муассасаларини ташкил этилиши янги иш ўринларининг кўпайишига сабаб бўлади. Иш ўринларнинг пайдо бўлиши мамлакатда энг оғир масала бўлган ижтимоий муаммоларни кўламини қисқартиради;

- кенг оммани соғлиғининг яхши бўлиши тиббиёт соҳасига сарфланаётган молиявий маблағларни камайтиришга замин яратиб, яна бир ижтимоий муаммодаги камчиликларни қисқартиради.

Мамлакатнинг иқтисодий ҳаётида ҳам спортнинг роли катта бўлади, уни қуйидагича қайд этиш мумкин. Жумладан:

- янги иш ўринларининг ташкил этилиши, янги солиқ тўловчилар кўламини кенгайтиради. Янги солиқ тўловчиларнинг пайдо бўлиши мамлакат миқёсида солиқ юкини пасайтиришга олиб келиб, бу мамлакат миқёсида иқтисодий ривожланишга бевосита ва билвосита туртки бўлади.

## **§ 1.2 Жисмоний тарбия ва спорт муассасаларида молиявий муносабатларни ташкил этишнинг ўзига хос хусусиятлари**

XVIII аср бошидан XIX аср охиригача, бугунги кунда кенг ёйилган ва танилган замонавий спорт 150 йиллик давр оралиғида шаклланди<sup>24</sup>. Аммо XX асрнинг бошига келиб спорт мамлакатларнинг ижтимоий-иқтисодий ҳаётида тобора ўрни ортиб бориши оқибатида, унинг турли йўналишларда ривожланганлиги кузатилади<sup>25</sup>. Ўта қисқа даврда жисмоний тарбия ва спорт инсонларнинг турмуш тарзидан мустаҳкам ўрин эгаллаши ва саноат даражасида ривожланиши илм-фаннинг барча жабҳалари бўйича чуқур илмий-тадқиқотларнинг амалга оширилишига асосланади.

---

<sup>24</sup> Гуттман А. Капитализм, протестантизм и современный спорт //Логос, 2013. №5. С.2-42.

<sup>25</sup> Алексеев С.В. Спортивный менеджмент. Регулирование организаций и проведение физкультурных и спортивных мероприятий: учебник для студентов вузов, обучающихся по направлениям «Менеджмент организации», «Юриспруденция», «Физическая культура и спорт» / С.В. Алексеев; под ред. П.В. Крашенникова. М.: ЮНИТИ-ДАНА: Закон и право, 2015. 687 с.

Амалий тажрибалардан маълумки, бирон-бир соҳанинг ривожланиши ва самарадорлигини таъминлаш муаммоларини бевосита молиявий муносабатлар ва уларнинг самарадорлигига асосланган бўлади. Ушбу жихатдан, белгилаш зарурки, жисмоний тарбия ва спорт соҳасида молиявий муносабатлар ва улардаги муаммолар кўплаб хорижий олимлар томонидан илмий тадқиқотлар амалга оширилган (1.2.1-жадвалга қаранг). Хусусан, жисмоний тарбия ва спортнинг молиявий-иқтисодий муаммоларининг назарий ва методологик тадқиқотларни амалга оширган хорижий олимлар ва мутахассисларнинг тадқиқот йўналишлари ва хулосаларини ўрганиш асосида қайд этиш зарурки, жисмоний тарбия ва спорт соҳасида юзага келадиган кенг қамровли молиявий муносабатлари тадқиқ этилган.

#### **1.2.1-жадвал**

**Жисмоний тарбия ва спортнинг молиявий-иқтисодий муаммоларини назарий ва методологик тадқиқотларни амалга оширган хорижий олимлар ва мутахассислар<sup>26</sup>**

---

<sup>26</sup>Илмий адабиёт ва манбааларни умумлаштириш асосида муаллиф томонидан тузулган.

Муаллифлар	Йил-лар	Тадқиқот йўналишлари/хулосалари
П.А.Рожков	2004	Жисмоний тарбия ва спорт соҳасида давлат сиёсатини шакллантириш ва амалга оширишнинг иқтисодий механизмларини, ҳуқуқий асосларини ва моделларини очиб берган ҳамда молиялаштиришнинг манбааларини тадқиқ этган.
Р.Х.Касимов	2005	Муниципал тузулмаларда спорт иншоотларини бошқаришнинг иқтисодий жиҳатларини ўрганиш ҳамда ҳудудларнинг иқтисодий тизимида жисмоний тарбия ва спортнинг ўрни ва роли, соҳани ривожлантириш учун амалга ошириладиган харажатларнинг самарадорлигини аниқлаш методикаларини ишлаб чиқган ва муниципалитетнинг спорт тадбирларини амалга ошириш бўйича харажатларни оптималлаштириш таклифларини берган.
К.Хейнеманн	2005	«Спортнинг моделлари» деб номланган итмиё тадқиқотида спортнинг ижтимоий жиҳатларини тадқиқ қилишда унинг турли ижтимоий гуруҳларга таъсир қилиш даражаларини ва спортни экспрессив, анъанавий-мусобақавий, шоу-тижорат, функционал ва ўйинли-маданиятли моделларини таклиф этган.
В.В.Галкин	2006	Жисмоний тарбия ва спорт соҳасида юқори малакали мутахассисларни тайёрлашида иқтисодиёт ва тадбиркорлик таълимотларнинг ўрни катталигини эътироф этди.
С.А.Архипова	2009	Жисмоний тарбия ва спортни мақсадли дастурий ёндашув асосида бошқариш масалаларини очиб берган ва мазкур ёндашувни шакллантирилишида нодавлат ташкилотлари ва аҳолининг иштирок этиши муҳимлиги эътироф этилган.
А.С.Адельфинский	2014	Оммавий спортнинг иқтисодий жиҳатларини ўрганиш асосида унинг ижтимоий-иқтисодий ривожланиш модели ишлаб чиқилган.
С.Б.Репкин	2017	Жисмоний тарбия ва спортда бозор модели фаолиятининг институционал асосларини тадқиқ этган ва спортда иқтисодий муносабатларнинг молиявий схемасини ишлаб чиқган.
В.Е.Жабиков	2018	Спорт саноатининг менеджментининг назарий ва амалий масалаларини тадқиқ этган бўлиб, спорт ташкилотларида бошқарув тизими ва уни ташкил этиш ҳамда самарадорлигини ошириш йўллари тадқиқ этган.

Жисмоний тарбия ва спортнинг молиявий-иқтисодий муаммолари маҳаллий олимлар томонидан ҳам тадқиқоти амалга оширилган ва ушбу тадқиқотлар асосан болалар спортини ривожлантириш жамғармасининг фаолиятини ташкил қилиш технологияси, соҳани ривожлантиришнинг асосий омиллари сифатида, узлуксиз таълимни ривожлантириш муаммолари тадқиқ этилган (1.2.2-жадвалга қаранг).

Шу билан бирга, мамлакатда молиявий муносабатлар, давлат молия тизими, молиявий сиёсат ва молия бошқарувинининг назарий асослари кўплаб олимлар томонидан тадқиқотлар амалга оширилиб келинмоқда. Жумладан, А.У.Шеров “Ўзбекистонда бюджет сиёсати йўналишларини такомиллаштириш” мавзусидаги докторлик диссертациясида Ўзбекистонда бюджет сиёсатини амалга ошириш йўналишлари, бюджет сиёсати

самарадорлигини белгилаб берувчи омиллар таҳлили ҳамда Ўзбекистонда бюджет сиёсатининг ривожланиш тенденциялари ва унинг амалдаги ҳолати таҳлили муаммоларини таҳлил қилган<sup>27</sup>.

## 1.2.2-жадвал

### Жисмоний тарбия ва спортнинг молиявий-иқтисодий муаммоларини назарий ва методологик тадқиқотларини амалга оширган Ўзбекистон олимлари ва мутахассислар<sup>28</sup>

Муаллифлар	Йил-лар	Тадқиқот йўналишлари/хулосалари
А.М.Ачилов	2012	Болалар спортини ривожлантириш жамғармасининг жисмоний тарбия ва соғломлаштириш фаолиятини ташкил қилиш технологияси муаммоларини тадқиқ этган.
К.Т.Шакиржонова, У.Р.Абдумаликов, Т.А.Шакиржанов	2018	Жисмоний тарбия ва спортни ривожлантиришнинг асосий омиллари сифатида, узтуксиз таълимни ташкил қилиш ва ривожлантириш билан боғлиқлигини асослашган.
А.А.Танибердиев	2019	Олий таълим муассасаларида жисмоний тарбия дарслари учун кластер модулини ишлаб чиқиш муаммоларини тадқиқ этиш асосида жисмоний маданият ва спорт фанининг ўқув элементларининг таркибий аҳамиятини баҳолашнинг эксперт услуби, таълим ва тарбия жараёнида кластер-модул аҳамияти масаларини очиб берган.

М.Х.Темиров “Ўзбекистон Республикасида давлат молия тизимини ислоҳ қилишнинг истиқболли йўналишлари” мавзусидаги диссертация тадқиқотида бюджет даромадларининг шаклланиш манбалари ва унинг иқтисодий ривожланишдаги ўрни, бозор иқтисодиёти шароитида бюджет харажатлари ва унинг таҳлили ҳамда давлат бюджети харажатлари кесимида бюджет маблағларини назорат қилиш хусусиятлари очиб берилган<sup>29</sup>.

А.Вахобов ва Т.Маликов тадқиқотларида молиянинг моҳияти ва функциялари, молиявий сиёсат ва молия бошқаруви, хўжалик юритувчи

<sup>27</sup> Шеров А.У. “Ўзбекистонда бюджет сиёсати йўналишларини такомиллаштириш” / иқтисод.фанлари бўйича фалсафа доктори илмий даражасини олиш учун диссертация. Т.: 2020. Б.137.

<sup>28</sup> Илмий адабиёт ва манбааларни умумлаштириш асосида муаллиф томонидан тузилган.

<sup>29</sup> Темиров М.Х. “Ўзбекистон Республикасида давлат молия тизимини ислоҳ қилишнинг истиқболли йўналишлари” / иқтисод.фанлари бўйича фалсафа доктори илмий даражасини олиш учун диссертация. Т.: 2019. Б.159.

субъектларнинг молиявий барқарорлиги, давлат молиясини амалга оширишда қўлланилувчи усуллар ҳамда давлат молиясининг назарий асослари тадқиқ этилган<sup>30</sup>. Т.С.Маликов, Н.Х.Ҳайдаров “Молия: умумдавлат молияси” ўқув қўлланмасида давлат бюджети, унинг тизими ва тузулмаси, унда амалга ошириладиган жараёнлар, давлатнинг бюджетдан ташқари жамғармалари, ижтимоий таъминот йўналишларнинг назарий асослари очиқ берилган<sup>31</sup>.

Миллий иқтисодиёт мустақилликга эришган даврлардан бошлаб, молия тизимини ривожлантиришга бағишланган кўплаб илмий тадқиқотлар амалга оширилган бўлишига қарамасдан, жисмоний тарбия ва спорт муассасаларида молиявий муносабатлари муаммолари илмий жиҳатдан тўлиқ тадқиқ этилмаган.

Шунинг учун, жисмоний тарбия ва спорт муассасалари ва уларнинг мамлакат ижтимоий-иқтисодий ҳаётида тутган ўрни, молиявий муносабатларни ташкил этишнинг ўзига хос хусусиятлари ва бунда илғор хорижий тажрибаларини назарий ва амалий жиҳатларини ўрганиш мақсадга мувофиқ. Зеро, бозор иқтисодиёти муносабатлари тамойиллари асосида фаолият юритаётган мамлакатларда жисмоний тарбия ва спортни молиялаштириш учун турли молиявий манбаалари мавжудлигидан далолат беради ва уларни учта асосий гуруҳга бирлаштириш мумкин: бюджетдан молиялаштириш; бюджетдан ташқари молиялаштириш; аралаш молиялаштириш (1.2.1-расмга қаранг).


Давлат томонидан билвосита молиялаштиришда имтиёзли кредит ажратмалари, солиқ тўловлардан қисман ёки тўлиқ озод этилиши, субсидия ва субвенцияларни ажратилиши назарда тутилади. Масалан, АҚШда спорт ташкилотларига ажратилган спорт жиҳозлари ва ускуналари солиқ тўловлардан озод этилган, шунингдек, АҚШнинг Миллий олимпия қўмитаси барча солиқ тўловлар ва бюджетга йиғимлардан тўлиқ озод этилган<sup>32</sup>.

---

<sup>30</sup> Vahobov A., Malikov T. Moliya. Darslik. T.: «Noshir», 2011, 712 b.

<sup>31</sup> Маликов Т.С., Ҳайдаров Н.Х. “Молия: умумдавлат молияси”. Ўқув қўлланма. 2009. Б.556.

<sup>32</sup> Вапнярская О.И., Золотов М.И. Зарубежный опыт управления массовым спортом // Менеджмент в России и за рубежом. 2006. № 3.



**1.2.1-расм. Жисмоний тарбия ва спортни молиялаштиришнинг асосий манбаалари<sup>33</sup>**

Иқтисодиёти ривожланган аксарият мамлакатларда мазкур манбаалардан тўлиқ фойдаланилади. Мазкур жараён натижасида бир томондан аҳолининг спорт саноатида бандлигини таъминласа, иккинчи томондан маҳаллий ва республика бюджетини турли солиқ тўловлари ва йиғимлар билан тўлдиришини таъминлайди. Мазкур тушумларнинг маълум миқдори спортни янада ривожлантириш мақсадига хизмат қилиши мумкин.

Спортнинг тижоратлаштирилиши замонавий жамиятнинг асосий жиҳатларидан бири ҳисобланади<sup>34</sup>. Бу борада, Халқаро олимпия кўмитаси раиси Ж.Рогге спорт ва тижорат компанияларнинг ўзаро алоқадорликларини ривожлантириш зарурлиги таъкидланган ва қўшимча молиялаштириш

<sup>33</sup> Мавзу доирасида илмий адабиётларнинг таҳлиллари асосида муаллиф томонидан тузилди.

<sup>34</sup> Остроухов С.А. Предпринимательство в спорте или как формируется конкурентоспособность спортивных организаций [Текст] / С.А. Остроухов, Л.Н. Орлова // Российское предпринимательство, 2017. Том 18. № 3. С. 405-416.

маблағлари ҳажмининг ортиши спортни мустақиллигини таъминлашга хизмат қилишини таъкидлаган<sup>35</sup>.

С.Б.Репкиннинг фикрича, жисмоний тарбия ва спорт соҳасида тадбиркорлик фаолияти ўзига хос хусусиятларга эга, яъни, маҳсулот сифатида спорт инфратузулмаси, ускуналари, моддий ва меҳнат харажатлари борасида катта ҳажмда капитал талаблилиги ва бошқалар<sup>36</sup>.

Бизнингча, С.Б.Репкиннинг фикрига умуман қўшилган ҳолда айрим фикрлари бироз эътирозга моликдир. Масалан, “спорт натижаларининг юқори даражада аниқсизлиги” фикри бевосита тўғри эмас. Агар бундай дейдиган бўлсак, натижадорлик 50% паст дегани бўлади. Бундай шароитда спортга инвестиция киритиш сезиларсиз ҳолатга олиб келади.

Нотижорат ва бюджетдан ташқари молиялаштиришга хомийлик ва меценатлик фаолиятини келтириш мумкин. Бунда меценатлик хомийлик фаолиятининг таркибий қисми ҳисобланади ва унинг асосий мақсади беғараз молиявий маблағлар ёки моддий таъминот орқали маданий мерос фаолиятини сақлаб қолиш ва ривожлантиришга қаратилган. Масалан кўплаб Европа мамлакатларида жисмоний тарбия ва спортни меценатлик орқали кўллаб-қувватлаш фаолияти жуда кенг ривожланган. Лекин шу билан биргаликда, ўзларининг фаолиятлари учун давлатдан ҳеч қандай солиқ ёки бошқа имтиёзларга эга эмаслар.

Аралашган молиялаштиришда асосий шакл сифатида давлат ва хусусий шерикчилик муносабатларидан фойдаланилади. Жисмоний тарбия ва спорт соҳасидаги аксарият тадбирлар давлат ва хусусий шерикчилик асосида ташкил этилади. Бунда давлат томонидан шартнома йўли билан маълум бир ишлаб чиқариш ёки хизматларни кўрсатиш учун жалб қилинади. Бунинг оқибатида ҳам давлат ва ҳам хусусий секторнинг манфаатлари тўлиқ инобатга олинади. Бундай фаолиятга Ригада қурилган спорт стадионини

---

<sup>35</sup> Президент МОК Рогге открыл круглый стол "Спорт как индустрия" // Материалы информационного агентства РИА-Новости. <https://ria.ru/sport/20111126/498474534.html>

<sup>36</sup> Репкин С.Б. Институциональные основы функционирования рыночной модели в спорте Республики Беларусь // Экономика и Финансы. 2017. №11. С.19.



мисол келтириш мумкин. У ерда янги стадион барпо этилишида бир қисми давлат бюджети ҳисобидан амалга оширилган бўлса, иккинчи қисми хусусий сектор томонидан амалга оширилган ва қурулишнинг якуни бўйича хусусий секторга харажатларини қоплаш ва даромад олиш учун 30 йилга ўзининг қисмидан фойдаланиш ҳуқуқи берилган. Белгиланган муддатнинг тугаши натижасида стадион шаҳарнинг тасарруфига тўлиқ ўтказилади<sup>37</sup>.

Ушбу жиҳатда, соҳада молиявий муносабатларнинг назарий ва методологик асосларини таҳлил қилишда соҳа ташкилотларини бир нечта жиҳатлари бўйича таснифлаш мумкин (1.2.2-расмга қаранг).



<sup>37</sup> Зусман Е., Корнеев М. ГЧП в спорте: зарубежный опыт и перспективы развития в России // Спорт и право. 2011. № 1.

### 1.2.2-расм. Жисмоний тарбия ва спорт ташкилотларининг таснифланиши<sup>38</sup>


Юқорида қайд этилган ҳолатлар юзасидан хулоса қилиш мумкинки, жисмоний тарбия ва спортни молиялаштиришда барча мамлакатларда қўлланиладиган манбаалари деярли бир хил аммо, ҳар бир молиялаштириш манбааларидан фойдаланиш механизмлари бир-биридан фарқ қилиши билан ажралиб туради.

Лекин, барча соҳалар сингари жисмоний тарбия ва спорт соҳасида ҳам, асосий муаммолардан бири бу – молиявий таъминот ҳисобланади. Молиявий таъминотнинг кенг қамровлиги аввало молиявий ресурсларга бўлган талабни қондиришга қаратилганлигини билдиради. Чунки бозор иқтисодиётининг асосий қонуниятларидан бири бу, соҳа ва тармоқларнинг самарали фаолият кўрсатиши, молиявий таъминотга бевосита асосланган бўлиб, молиявий таъминот эса, белгиланган жорий ва истикболдаги мақсад ва вазифаларни амалга оширишга хизмат қилиши зарур.

Маҳаллий ва хорижий илмий адабиётларда “молиявий таъминот” иборасининг очиб берилишида турли хилдаги ёндашувлар мавжудлигини зикр этиш мумкин. Умумий ҳолда кўплаб тадқиқотларда муаллифлар томонидан “молиявий таъминот”га тўлиқ аниқлик киритилмасдан фақат молиялаштиришнинг маълум жараёнларига таъриф берилган. Шу билан бирга, аксарият тадқиқотларда “молиялаштириш” ва “молиявий таъминот” тушунчаларига бир хил ёндошилган. Бизнинг фикримизча, бу тушунчалар тўғри талқин эмаслигидан далолат беради, чунки, молиялаштириш, молиявий таъминот жараёнини ташкил қилишни билдиради. Амалиётдан маълумки, молиявий таъминот жараён сифатида бир нечта босқичларни ўз ичига қамраб олади ва уларнинг ҳар бири маълум даражада назоратни талаб қилади (1.2.3-расмга қаранг).

---

<sup>38</sup> Муаллиф ишланмаси.



**1.2.3-расм. Молиявий таъминот жараёнлари<sup>39</sup>.**

“Молиявий таъминот” ва “молиялаштириш” тушунчаларининг иқтисодий моҳиятининг таҳлили асосида илмий манбаларни ўрганиш ва уларни умумлаштириш асосида хулоса қилиш мумкин. Фикримизча, молиявий таъминот бу ташкилотнинг фаолият кўрсатиши учун зарур бўлган ва бунинг учун ажратилган молиявий ресурслардан самарали фойдаланишни назорат қилиш билан боғлиқ бўлган комплекс чора-тадбирлар мажмуидир.

Жисмоний тарбия ва спорт соҳасининг ривожланиши доимий молиявий таъминотга тўғридан-тўғри боғлиқлигини инобатга олган ҳолда, уни молиялаштиришнинг янги манбаларини аниқлаш, мавжудларини такомиллаштириш талаб этилади. Шу билан бирга, соҳада шаклланган молиявий муносабатларни доимий назорат қилиш ва тартибга солиш харажатларни оптималлаштириш, мақбул даромад манбааларини аниқлаш ҳамда энг муҳими яширин ҳавфларни бартараф этиш имкониятини беради (1.2.4-расмга қаранг).

<sup>39</sup> Илмий ва махсус адабиётларни ўрганиш асосида муаллиф ишланмаси.

Бизнинг фикримизча, энг муҳими спорт ташкилотларида мавжуд бўлган молиявий маблағларнинг сарфланиши самарадорлигини таъминлаш мақсадга мувофиқдир.



**1.2.4-расм. Спорт ташкилотида молиявий ресурсларни ишлатилиш механизми<sup>40</sup>**

Жисмоний тарбия ва спорт соҳасида республика ва хорижий мамлакатлар олимларининг илмий тадқиқотларини ўрганиш асосида хулоса қилиш мумкинки, жисмоний тарбия ва спорт иқтисодиётида ечимини қутаётган қатор муаммолар мавжуд.

Мазкур муаммолар тўплами молиявий муносабатларда ўз ифодасини топган ва улар жумласига, соҳани молиялаштиришда давлат ва хусусий инвесторлар томонидан молиялаштириш механизмларни такомиллаштириш, молиявий муносабатларнинг асосий функцияларини тартибга солиш ва тизимлаштириш, даромадларни тақсимлаш ва қайта тақсимлаш механизмларини жорий қилиш каби ўзига хос йўналишларини киритиш мумкин.

<sup>40</sup> Муаллиф ишланмаси.

### **§ 1.3 Жисмоний тарбия ва спорт муассасаларида молиявий муносабатларни ташкил этишнинг хорижий тажрибалари**

Жисмоний тарбия ва спорт соҳасини янада ривожлантириш учун унинг кучли жиҳатларини аниқлаш ва уларни мақсадли қўллаб-қувватлаш механизмларини жорий қилишда хорижий мамлакатларнинг илғор тажрибаларини чуқур ўрганиш ва амалиётга тадбиқ этилиши, истиқболда соҳани ривожлантиришда самарасиз йўналишларни қўллашни олдини олиш имкониятини беради. Бу борада, соҳанинг истиқболда ривожланишининг манбаи ва асосини ташкил этувчи – молиявий муносабатларини ташкил этишда энг мақбул ва самарали механизмнинг яратилиши асосий мақсадлардан бири ҳисобланади.

Соҳани фаол тарзда тижоратлаштириш жараёнлари амалга оширилиши ва уни фаол ривожланаётган ва юқори натижадор бизнес турларидан бирига айлантириш жараёнларини ҳам кузатиш мумкин.

Демакки, соҳанинг ўзига хос хусусиятларидан бири шундан иборатки, у ҳам давлат томонидан ҳамда хусусий инвесторлар томонидан молиялаштириш амалиёти мавжуд бўлиб, энг асосий масалалардан бири, давлат бюджетидан ажратиладиган маблағларни янада мақбуллаштириш, юқори самарадорликда ва мақсадли сарфланишини ўрганиш мақсадга мувофиқдир.

Белгилаш зарурки, жисмоний тарбия ва спортнинг хорижий мамлакатларда иқтисодий муносабатларининг шаклланиши, ривожланиши ва соҳада юзага келаётган муаммолари кўплаб хорижий олимлар ва мутахассислар томонидан ўтказилган илмий тадқиқот изланишларида акс эттирилган (1.3.1-жадвалга қаранг).

**Жисмоний тарбия ва спортнинг хорижий мамлакатлар тажрибасининг назарий методологик тадқиқотларини амалга оширган олимлар ва мутахассислар<sup>41</sup>**

Муаллифлар	Йил-лар	Тадқиқот йўналишлари/хулосалари
А.С.Соколов <sup>42</sup>	1998	Хорижий мамлакатларда жисмоний тарбия ва спортни ривожлантиришда маҳаллий ҳукуматнинг асосий фаолият йўналишларини очиб берган.
А.С.Сагалеев, А.Е.Дуринов, П.Хамаганов <sup>43</sup>	2011	Жисмоний тарбия ва спортни бошқаришнинг Осиё модели мавжудлигини асослашган ва мазкур моделнинг ўзига хос жиҳатларини очиб беришган.
Н.В.Слободянюк <sup>44</sup>	2013	АҚШда жисмоний тарбия ва спорт соҳаси саноат даражасидалиги эътироф этилган ва уни молиялаштиришнинг ўзига хос жиҳатлари очиб берилган.
С.М.Кулешов <sup>45</sup>	2017	Оммавий спортни қўллаб-қувватлашнинг молиявий-иқтисодий механизмларини тадқиқ қилишда миллий ва хорижий тажрибалар ўрганилган.
С.Б.Репкин <sup>46</sup>	2017	Жисмоний тарбия ва спорт соҳасининг халқаро молиявий-иқтисодий тизимга халқаро спорт федерациялари ва спорт мусобақалари интеграциялашув муаммоларини ўрганган.
А.В.Башминов <sup>47</sup>	2017	Профессионал спортни муниципал қўллаб-қувватлашнинг хорижий мамлакатлар тажрибасини тадқиқ этган бўлиб, унинг тадқиқотларида давлат бюджетининг тўғридан-тўғри ёки билвосита молиялаштириш устуворликлари очиб берилган.
В.Н.Зуев, И.М.Попова <sup>48</sup>	2018	Жисмоний тарбия ва спорт соҳасини бошқаришнинг европа ёндашувининг қиймати, нормалари ва манфаатларини тадқиқ этган ҳолда бошқа мамлакатларга нисбатан фарқлари очиб берилган.
Е.Б.Чернобров-кина <sup>49</sup>	2019	Жисмоний тарбия ва спортни молиялаштиришнинг Россия ва хорижий мамлакатлар тажрибасини ўрганиш асосида,

<sup>41</sup> Муаллиф ишланмаси.

<sup>42</sup> Соколов А.С. Основные направления деятельности местных органов власти в развитии физической культуры и спорта в зарубежных странах и в России / Автореф. на соиск. Учен. Степени канд. педагог. Наук. М. 1998. С.26.

<sup>43</sup> Сагалеев А.С., Дуринов А.Е., Хамаганов Б.П. Азиатская модель управления физической культурой и спортом // Вестник Бурятского Государственного университета. №13. 2011. С.134.

<sup>44</sup> Слободянюк Н.В. Особенности финансирования индустрии спорта в США // Вестник РЭУ. 2013. №3. С.53-61.

<sup>45</sup> Кулешов С.М. Финансово-экономические механизмы поддержки массового спорта: отечественный и зарубежный опыт // Transport business in Russia. №2. 2017. С.14-16.

<sup>46</sup> Репкин С.Б. Институциональные основы функционирования рыночной модели в спорте Республики Беларусь // Экономика и Финансы. 2017. №11. С.13.

<sup>47</sup> Башминов А.В. Зарубежный опыт муниципальной поддержки организаций профессионального спорта // Ars Administrandi (Искусство управления). 2017. Том 9. №4. С.629-642. DOI: 10.17072/2218-9173-2017-4-629-642.

<sup>48</sup> Зуев В.Н., Попова И.М. Европейский подход к управлению в сфере спорта: ценности, нормы и интересы // Вестник международных организаций. Т.13. №1. 2018. С.51-65.

	соҳани ривожлантириш учун давлат, хусусий сектордан тушадиган маблағларни жамлаш учун махсус фондларни ташкил қилиш таклифи илгари сурилган.
--	--

Жисмоний тарбия ва спорт соҳасини молиялаштириш механизмларини такомиллаштириш ва мавжуд муаммоларини бартараф этишда хорижий мамлакатлар тажрибасини ўрганишга бағишланган илмий тадқиқотларни ўрганиш ва тизимлаштириш асосида муаллиф томонидан қуйидаги мазмунда муаллифлик таърифи ишлаб чиқилади. Хусусан: “Жисмоний тарбия ва спорт соҳаси ташкилотларини молиялаштириш бу – соҳа ташкилотларида молиявий барқарорликни таъминлашга қаратилган захираларни ташкил этиш, қайта тақсимлаш ва уларни инвестициялашнинг асосий мақсади спорт ташкилотларининг молиявий барқарорлигини таъминлаш ҳамда спортчиларнинг молиявий таъминотини суғурталаш ва мавжуд рискларни қисқартиришга хизмат қилади”.

Мазкур ёндашув молиявий ресурсларни уларнинг келиб чиқиш манбаалари асосида тизимлаштириш имкониятини беради ва асосий мақсади, спорт ташкилотлари молиявий жараёнларининг узлуксизлигини таъминлашга хизмат қилади.

Хорижий олимлар ва мутахассисларнинг тадқиқотлари асосида хулоса қилиш мумкинки, бугунги кунда дунёда энг кўп фойдаланиладиган моделлар 2та бўлиб улар: Европа модели ва Америка моделларидир.

Мазкур икки модель бир-биридан у ёки бу кўрсаткичлари билан фарк қилади, албатта, масалан, Америка моделида спорт давлат томонидан тўғридан-тўғри молиялаштирилмаслиги билан ажралиб туради ва асосий кўмак билвосита бўлиб, хусусий секторга кўплаб солиқ имтиёзлари яратилган. Яъни, бунинг асосини спортнинг тижорий мақсадлари устунлигини кузатиш мумкин. Чунки, барча фаолиятлар спорт фаолиятидан максимал даромад кўришга йўналтирилган бўлади. Жумладан, профессионал спортга ҳам бизнеснинг

---

<sup>49</sup> Чернобровкина Е.Б. Особенности финансирования физической культуры и спорта в России и за рубежом // Вестник университета имени О.Е.Кутафина (МГЮА). №7. 2019. С.63-70. DOI: 10.17803/2311-5998.2019.59.7.063-070



бир тури сифатида ёндашилади. Ушбу моделнинг мисоли сифатида АҚШни келтириш мумкин. У ерда спортни ривожлантириш учун давлат маблағлари сарфланмайди.

Европа моделига аралаш молиялаштириш тизими хос ва унда давлатнинг салмоқли улуши мавжуд бўлади. Шу билан бирга, ушбу моделда профессионал спортни ривожлантиришга қаратилган тижорий ёндашувлари ҳам мавжуд. Мазкур моделдан Европа мамлакатлари сингари аксарият Осиё ва Лотинамерика мамлакатларида ҳам фойдаланилади.

Икки моделнинг таққосланиши асосида қуйидаги хулосаларни чиқариш мумкин. Жумладан, болалар ва ўсмиринлар спортини қўллаб-қувватланиши маҳаллий бюджет маблағлари ҳисобидан амалга оширилиши; профессионал спортни молиялаштиришдаги ёндашувларнинг таффовути, хусусан, ҳомийлар ва маҳаллий ҳокимият вакиллари ўртасидаги муносабатларнинг такомиллашгани;

- профессионал клубларнинг молиялаштирилиши асосан бевосита спорт фаолиятдан топилган даромадлар ҳисобига амалга оширилади, аммо, Европанинг клублари кўп ҳолларда маҳаллий давлат ҳокимиятининг кўмаклашишига боғлиқ;

- Европа ва АҚШнинг клубларининг даромад манбааларининг ўхшашлик жиҳатлари қуйидагилардан иборат: даромадлар билетларнинг сотилишидан олиниши, телеузатувларни амалга ошириш ҳуқуқларининг берилиши, бунда олий лигалар томонидан телекомпаниялар билан келишувлар амалга оширилади.

Ушбу жиҳатдан Америка ва Европа моделларининг уйғунлаштирган ҳолда Ўзбекистон шароитига мос келадиган моделни яратилиши мақсадга мувофиқдир. Мазкур моделдан кўзланган мақсад спортга давлат бюджети харажатларини ҳисобидан молиялаштириш ҳажмини камайтириш. Аммо шу билан бирга, молиялаштиришнинг бошқа манбааларини ривожлантиришга имкониятлар ва шароитлар яратишга қаратилганлигидир (1.3.1-расмга қаранг).



**1.3.1-расм. Спортни молиялаштириш манбалари<sup>50</sup>**

Мазкур чизманинг ўзига хос жиҳатлари қуйидагиларда намоён бўлади:

- давлат бюджети маблағларининг асосий қисми ёш спортчиларни тарбиялашга ва улғайтиришга сарфланиши;

- профессионал спортнинг асосий қисми тижорат асосида ташкил қилиниши мақсадга мувофиқлиги;

- спорт клубларини молиявий қўллаб-қувватлаш ва уларда бошқарув тизимининг самарадорлигини таъминлаш мақсадида махсус кредит агентликларини ташкил этиш таклиф этилади. Бунинг ҳисобига спортчиларнинг барча мамлакат ичидаги ва хорижий клубларга бўлган трансфер операциялари мазкур кредит агентлик орқали амалга оширилади.

Бизнинг фикримизча, тижорий профессионал клубларни молиялаштиришнинг механизмларини шакллантиришда илмий-методик ёндашувни такомиллаштирилиши мақсадга мувофиқдир.

Шубҳасиз, бундай танланма усулдан фойдаланган ҳолда истиқболга эга бўладиган спорт федерацияларини молиялаштиришнинг ижобий ва салбий оқибатларини ҳам инобатга олиш зарур бўлади.

Масалан, Д.Горанова, Б.Хаулихан, Ж.Жёнг ва М.Самнинг хулосаларига кўра, бундай ёндашувда амалга оширилаётган инвестицияларнинг юқори самарадорлиги миллий жамоаларнинг ғалабага эришиши, жаҳон миқёсидаги

<sup>50</sup> Муаллиф ишланмаси.

спортчиларни тайёрлаш тажрибасининг ортиши ва унинг асоси яратилишида намоён бўлади<sup>51</sup>.

Юқорида белгилангани каби, жисмоний тарбия ва спорт муассасаларида молиявий муносабатларни ташкил этишнинг жаҳон амалиётида қўлланилаётган Европа ва Америка моделларини янада батафсил ўрганиш мақсадида, Европа Иттифоқи, Америка Қўшма Штатлари, Буюк Британия ҳамда Осиё мамлакатларидан Япония, Жанубий Корея, Хитой Халқ Республикасида шаклланган тажрибаларни ўрганиш учун танлаб олинди.

**Европа Иттифоқи (ЕИ).** ЕИ мамлакатларида жисмоний тарбия ва спортнинг барча турлари иктисодиётнинг муҳим соҳасига айланган. Таҳлилий маълумотларга кўра, 2016 йилда соҳанинг ЯИМдаги улуши 3%ни ташкил этган бўлса<sup>52</sup>, соҳада жами банд бўлганларнинг сони 2019 йилда 1,3 млн. кишини ташкил этиб 2014 йилга нисбатан 193,8 минг кишига кўпайган<sup>53</sup>.

### 1.3.2-жадвал

#### Европа Иттифоқи мамлакатларида 2019 йилда жисмоний тарбия ва спорт соҳасида банд бўлганлар тўғрисида маълумот<sup>54</sup>

Ижтимоий демографик характеристика		Спорт соҳасидаги ишчилар сони (минг киши)	Банд бўлганларнинг тақсими...	
			... спортда (%)	... жами бандликда (%)
<b>Жами</b>		<b>1365,8</b>		
<b>Жинси</b>	Эркеклар	622,7	45,6	45,9
	Аёллар	743,1	54,4	54,1
<b>Ёш гуруҳи</b>	15-29 ёшдагилар	473,0	34,6	17,5
	30-64 ёшдагилар	854,4	62,6	80,0
	65 ва юқори	38,4	2,8	2,5
<b>Таълим даражаси</b>	Паст	203,9	14,9	17,2
	Ўрта	629,0	46,1	48,2
	Олий	529,4	38,8	34,4

<sup>51</sup> Goranova D. The impact of public funding on Olympic performance and mass participation in Great Britain. Unpublished PhD Thesis. Coventry: Coventry University; 2014. 119 p.; Houlihan B, Zheng J. The Olympics and Elite Sport Policy: Where Will It All End? The International Journal of the History of Sport. 2013;30:338-355.; Sam M. Targeted investments in elite sport funding: Wiser, more innovative and strategic? / M.Sam // Managing Leisure. 2012. N17. P. 207-220.


<sup>52</sup> European Commission (2016) European Model of Sport, Discussion Paper for the Working Group. [http://ec.europa.eu/sport/library/documents/b1/doc424\\_en.pdf](http://ec.europa.eu/sport/library/documents/b1/doc424_en.pdf).

<sup>53</sup> [https://ec.europa.eu/eurostat/statistics-explained/index.php?title=Employment\\_in\\_sport#Context](https://ec.europa.eu/eurostat/statistics-explained/index.php?title=Employment_in_sport#Context)

<sup>54</sup> [https://ec.europa.eu/eurostat/statistics-explained/index.php?title=Employment\\_in\\_sport#Context](https://ec.europa.eu/eurostat/statistics-explained/index.php?title=Employment_in_sport#Context) маълумотлари асосида муаллиф томонидан тузулган.

1.3.2-жадвал маълумотлари таҳлилида эътиборли жиҳати соҳада жами банд бўлганларнинг тақсимоотида ўрта таълим (46,1%) ва олий таълим (38,8%) даражасидагиларнинг улуши юқориликни келтириш мумкин. Соҳанинг ижтимоий демографик ҳолати таҳлилига кўра, банд бўлганларнинг 54,4% аёллар ва 45,6% эркакларни ташкил этган бўлса, ёш гуруҳи бўйича 62,6%ни 30-64 ёшдагилар ташкил этган (1.3.2-жадвалга қаранг).

Иқтисодиётнинг барча соҳалари ва тармоқларида олий маълумотли мутахассисларнинг улуши қанчалик юқори бўлса, шунчалик мазкур йўналиш барқарор ривожланишнинг муҳим асосларидан бири ҳисобланади. Шу жумладан, мазкур ҳолат жисмоний тарбия ва спорт соҳасига ҳам таълуқлидир. 2014-2019 йилларда мазкур кўрсаткичнинг умумий ЕИ бўйича 4%га ўсганлигини кузатиш мумкин (1.3.2-расмга қаранг).




**1.3.2-расм. 2014-2019 йй. айрим Европа Иттифоқи мамлакатларида олий маълумотлиларнинг спорт соҳасида бандлик улуши (% ҳисобида-ижобий тенденция) <sup>55</sup>**

1.3.2-расм маълумотлари таҳлилига кўра, 2014-2019 йилларда жами ЕИда олий маълумотлиларнинг спорт соҳасида банд бўлганларнинг кўрсаткичи 4%га ўсган бўлиб ундан, 10%гачан бўлган кўрсаткич Германияда (3%), Португалияда (5%), Болгарияда (6%), Франция ва Италияда (7%) ҳамда Дания ва Польшада (8%). Ижобий тенденциялар сингари, мазкур кўрсаткичнинг салбий

<sup>55</sup> [https://ec.europa.eu/eurostat/statistics-explained/index.php?title=Employment\\_in\\_sport#Context](https://ec.europa.eu/eurostat/statistics-explained/index.php?title=Employment_in_sport#Context) маълумотлари асосида муаллиф томонидан тузулган.

тенденцияларини ҳам айрим ЕИ мамлакатларида кузатиш мумкин (1.3.2-расмга қаранг).

Иқтисодий фаолиятнинг муҳим натижадорлик кўрсаткичларидан бири, бу соҳанинг ташқи иқтисодий фаолиятининг самарадорлиги ҳам ҳисобланади, яъни, экспорт ва импорт операциялари. Жумладан, 2013-2018 йй. таҳлилий маълумотларга кўра, ЕИда жисмоний тарбия ва спорт маҳсулотлари жами экспорти 4,5 млрд. еврога ва жами импорт 4254,2 млрд. еврога ўсган (1.3.3-расмга қаранг).




**1.3.3-расм. 2014-2019 йй. айрим Европа Иттифоқи мамлакатларида олий маълумотлиларнинг спорт соҳасида бандлик улуши (% ҳисобида-салбий тенденция)<sup>56</sup>**

1.3.4-расм маълумотларига кўра, ЕИда жисмоний тарбия ва спорт маҳсулотлари экспорти таҳлил даврида барқарор ўсиш тенденцияси кузатилган бўлса, шу билан бирга, импорт кўрсаткичи барча йилларда экспортдан устунлиги ва таҳлил даврида пасаймаганлигини ҳам кузатиш

<sup>56</sup> [https://ec.europa.eu/eurostat/statistics-explained/index.php?title=Employment\\_in\\_sport#Context](https://ec.europa.eu/eurostat/statistics-explained/index.php?title=Employment_in_sport#Context) маълумотлари асосида муаллиф томонидан тузулган.

мумкин, бунинг натижасида савдо балансида барча йилларда манфий кўрсаткичлар кузатилган.



**1.3.4-расм. Европа Иттифоқи мамлакатларида 2013-2018 йй. жисмоний тарбия ва спорт маҳсулотлари экспорт-импорт кўрсаткичлари (млрд. евро)<sup>57</sup>**

**Америка Қўшма Штатларда** сўнгги ўн йилликда Олимпия ўйинларида ғалабаллари асосини Миллий Олимпия Қўмитаси (МОҚ) томонидан 39та миллий спорт федерацияларини табақалаштирилган холда қўллаб-қувватлаш бўйича қабул қилинган стратегия ташкил этади.

Спорт федерацияларини қўллаб-қувватлаш стратегиясининг 2000-йилларда қайта қабул қилиниши уларни учта даражага ажратишни мақсад қилади<sup>58</sup>.

**Биринчи гуруҳга** олимпия медалларини энг кўп қўлга киритган спорт ташкилотларининг спортчилари киритилади. Мазкур гуруҳнинг миллий терма жамоаларини тайёрлашда молиялаштириш бўйича устуворликларга эга бўладилар.

**Иккинчи гуруҳда,** келгуси Олимпия ўйинларида ютуқларни қўлга киритиш имконияти юқори бўлган спорт турлари бўйича ташкилотлардан иборат бўлади.

<sup>57</sup>[https://ec.europa.eu/eurostat/statisticsexplained/index.php/International\\_trade\\_in\\_sporting\\_goods#The\\_value\\_of\\_extra-EU\\_trade\\_in\\_sporting\\_goods\\_in\\_2018](https://ec.europa.eu/eurostat/statisticsexplained/index.php/International_trade_in_sporting_goods#The_value_of_extra-EU_trade_in_sporting_goods_in_2018) маълумотлари асосида муаллиф томонидан тузулган

<sup>58</sup> Smolianov P., Zakus D., Gallo J. Sport Development in the United States: High Performance and Mass Participation. Routledge; 2014. 270 p.

Учинчи гуруҳдаги спорт ташкилотларга мақсадсиз равишда моддий ёрдам кўрсатилади, ташкилий тузулмаларини, маркетинг ва бошқарув тизимларини ривожлантириш учун.

Бундай ёндашув асосида 1999-2016 йй. АҚШнинг МОҚ томонидан энг кўп кўмакни 2002-2016 йй. Олимпия ўйинларида медалларни ютиб олган (1.3.4-жадвалга қаранг).

### 1.3.4-жадвал

#### АҚШнинг МОҚ томонидан 1999-2016 йй. молиялаштиришда устуворликга эга бўлган ва 2002-2016 йй. Олимпия ўйинларида энг кўп медалларни ютиб олган миллий спорт федерациялари<sup>59</sup>

Кўрсаткичлар	Олимпия ўйинлари бўйича АҚШнинг миллий спорт федерациялари				
	Ёзги спорт турлари			Қишқи спорт турлари	
	Енгил атлетика	Сузиш	Гимнастика	Чанғи спорти	Конькида чопиш
Молиялаштириш ҳажми, млн. АҚШ доллари	248,3				
	142,7			105,6	
	60,9	53,3	28,5	68,7	36,9
Барча федерацияларни молиялаштиришдаги улуши, %	32,6				
	18,7			13,9	
	8,0	7,0	3,7	9,0	4,8
Ютиб олинган Олимпия медаллари сони	362				
	272			90	
	112	126	34	58	32
АҚШнинг Олимпия ўйинларида жами ютиб олинган медалларнинг умумий сондаги улуши	64,5				
	48,5			16,0	
	20,0	22,5	6,1	10,3	5,7
	Олимпия ўйинлари			Қишқи Олимпия ўйинлари	
	62,2			72,6	
	25,6	28,8	7,7	46,8	25,8
Олимпия ўйинларида ўйналадиган жами медаллар сони	634				
	393			241	
	187	134	72	163	78
Олимпия ўйинларида ўйналган медаллардаги улуши, %	40,7				
	25,2			15,5	
	12,0	8,6	4,6	10,5	5,0
	Олимпияда ўйинлари			Қишқи олимпияда ўйинлари	
	34,5			69,5	
	15,4	11,1	5,9	47,0	22,5

<sup>59</sup> Павленко Ю. Международный опыт финансирования национальных спортивных федераций по результатам их деятельности // Наука в Олимпийском спорте. №4. 2017. С.73.



1.3.4-жадвалда келтирилган кўрсаткичларнинг таҳлиliga кўра, бундай ёндашувнинг Олимпия ўйинларига тайёргарликда кўмаклашишнинг юқори натижаларини кузатиш мумкин. 1999-2016 йй. АҚШнинг МОҚ томонидан миллий федерацияларни молиялаштиришда мазкур бешта ташкилотлар жами 32,6% молиялаштиришга эга бўлишган. Спорт федерацияларини молиялаштириш тизими ҳар йили уларнинг спортчилари эришган натижалари асосида ўзгартиришлар киритилади. Масалан, қишки Олимпия ўйинларида конькиларда югуришда АҚШ жамоаси барқарор равишда юқори натижаларга эга бўлган (2002 й. – 11та медаллар, улардан 4та олтин; 2006 й. – 10/4; 2010 й. – 10/1). Аммо 2014 й. Сочидаги қишки Олимпия ўйинларида паст натижалар оқибатида (фақат 1та кумуш) федерациянинг молиялаштирилиши 15%га ва 2013 й. 2,656 млн. АҚШ доллар бўлса, 2015 й. 2,259 млн. АҚШ долларни ташкил этган<sup>60</sup>.

**Буюк Британия.** Мамлакатда жисмоний тарбия ва спорт соҳасида жами банд бўлганларнинг сони 2014 йилга нисбатан 2019 йилда 29,6 минг кишига кўпайган бўлса ҳам, жами банд бўлганларнинг улушига нисбатан фоиз кўрсаткичда ўзгариш кузатилмаган (1,3%). Соҳада Олий маълумотлиларнинг улуши йилига 1,6 ф.п.га ўсган бўлиб 2019 йилда жами 38%ни ташкил этган, аммо, соҳада 14-29 ёшда банд бўлганларнинг улушининг ошишида кескин ўзгаришлар кузатилмаган (1.3.6-жадвалга қаранг).

Буюк Британия жисмоний тарбия ва спорт маҳсулотларини илғор ишлаб чиқарувчи ва экспорт қилувчи мамлакат бўлганлиги билан бирга ташқи савдо сальдоси таҳлил даврида анча юқори кўрсаткичлари сақланиб турган ва ўсиш тенденциясига эга бўлган (1.3.5-расмга қаранг).


---

<sup>60</sup> Ingold D, Novy-Williams E. Money for Medals: Inside the Performance-Driven Funding of U.S. Olympic Teams. Bloomberg. 2016 Aug 5.

**Буюк Британияда 2014-2019 йй. жисмоний тарбия ва спорт соҳасида банд бўлганларнинг кўрсаткичи<sup>61</sup>**

Соҳада жами банд бўлганлар сони (минг киши)		Жами банд бўлганларнинг улуши (%)		Олий таълим маълумоти билан соҳада банд бўлганларнинг улуши (%)		Соҳада 14-29 ёшда бандларнинг улуши (%)	
2014 й.	2019 й.	2014 й.	2019 й.	2014 й.	2019 й.	2014 й.	2019 й.
395,0	424,6	1,3	1,3	33	38	43	44

1.3.6-расм маълумотлари кўра, Буюк Британияда жисмоний тарбия ва спорт маҳсулотларининг таҳлил даврида экспорт ва импорт кўрсаткичларининг фақат ўсиш тенденцияси кузатилади. Жумладан, экспорт 651,5 млн.еврога ва импорт кўрсаткичи манфий кўрсаткичга эга бўлиб 741,9 млн.еврони ташкил этган.



**1.3.6-расм. Буюк Британияда 2013-2018 йй. жисмоний тарбия ва спорт маҳсулотлари халқаро савдоси (млн. евро)<sup>62</sup>**

Тадқиқотлар асосида белгилаш мумкинки, дунёда Осиё модели сифатида тан олинган модель бўлмаса ҳам, сўнгги йилларда Осиё мамлакатларида спортда

<sup>61</sup> [https://ec.europa.eu/eurostat/statistics-explained/index.php?title=Employment\\_in\\_sport#Context](https://ec.europa.eu/eurostat/statistics-explained/index.php?title=Employment_in_sport#Context) маълумотлари асосида муаллиф томонидан тузулган.

<sup>62</sup> [https://ec.europa.eu/eurostat/statistics-explained/index.php/International\\_trade\\_in\\_sporting\\_goods#The\\_value\\_of\\_extra-EU\\_trade\\_in\\_sporting\\_goods\\_in\\_2018](https://ec.europa.eu/eurostat/statistics-explained/index.php/International_trade_in_sporting_goods#The_value_of_extra-EU_trade_in_sporting_goods_in_2018) маълумотлари асосида муаллиф томонидан тузулган.

эришилаётган юқори натижалар асосида мазкур мамлакатлар тажрибасини янада чуқур ўрганишни тақазо қилмоқда.

А.С.Сагалеев, А.Е.Дуринов, Б.П.Хамагановнинг тадқиқотларига кўра, Осиё мамлакатларининг спортдаги юқори натижалари асосан, осие давлатларида ўзига хос маданиятнинг сақлаб қолинганлиги шу билан бирга, ғарб мамлакатлари тажрибаларидан тўлиқ фойдаланиш ҳисобига эришилганлигида деб қайд этишган<sup>63</sup>.

Ушбу муносабатда, Япония, Жанубий Корея, Хитой каби мамлакатлар сўнгги йилларда спорт соҳасида эришаётган ютуқларини инобатга олган ҳолда шаклланган тажрибаларини ўрганиш мақсадга мувофиқдир.

**Японияда** жисмоний тарбия ва спортнинг ривожланиши 1945 йилдан сўнг кузатилган. Бунга сабаб, мамлакатда соҳани ривожлантириш бўйича режанинг ишлаб чиқилганлиги ҳисобланади. Ушбу режа асосида тизимли равишда ислохотлар амалга оширилган ва улар асосида 1965 йилда “Аҳолининг жисмоний тарбия ва спорт кўмитаси” ташкил этилди, “Жисмоний тарбия ва спорт тўғрисида” қонуни кучга кирди, жисмоний тарбия ва спортни ривожлантириш бўйича фундаментал илмий тадқиқотларнинг амалга оширилиши, мамлакатнинг иқтисодий ва илмий-техник ютуқларидан кенг фойдаланиш имкониятлари яратилди, 1961 йилда Японияда жисмоний тарбия ва спортнинг кенг миқёсда оммалашishi “Спортни ривожлантириш чоратadbирлари тўғрисида”ги қонуни қабул қилинди, 1975 йилда спортни оммалаштиришда ғарбнинг тажрибаси кенг жорий қилиш янада фаоллашди ва мустақил шаклга эга бўлган профессионал спорт тармоқлари янада кўпайди<sup>64</sup>.

**Жанубий Кореянинг** жисмоний тарбия ва спортни ривожлантиришга қаратилган стратегияси қуйидаги йўналишларни қамраб олади: мамлакатнинг обрўсини дунёга танитиш; халқаро спорт алоқаларни ривожлантириш; аҳоли ўртасида спортни тарғибот қилиш ва юқори малакали спортчиларни тайёрлаш.

---

<sup>63</sup> Сагалеев А.С., Дуринов А.Е., Хамаганов Б.П. Азиатская модель управления физической культурой и спортом // Вестник Бурятского Государственного университета. №13. 2011. С.130.

<sup>64</sup> До Кеон Ву (Do Keon Woo). Управление физической культурой в странах Дальневосточной Азии. автореф. дис. ... канд пед.наук. СПб. 2000. 36 с.

Аҳоли ўртасида спортни тарғиб қилиш учта асосий омиллардан иборат: спортга жалб қилинганларнинг сонини кўпайтириш; мактабда спорт дарсларини ташкил қилиш ва жорий қилиш; аҳолида жисмоний тарбия ва спорт билан шуғулланишга бўлган ижобий ёндашувни яратиш<sup>65</sup>.

Мутахассисларнинг эътироф этишига кўра, Жанубий Кореяда жисмоний тарбия ва спортнинг кескин ривожланиши ва ўсишининг асосий омилларидан бири бу, 1988 йилда Сеулда ўтказилган Олимпия ўйинлари бўлган ва ушбу тадбир ўз навбатида мамлакатни бутун дунёга танитган<sup>66</sup>.

**Хитой Халқ Республикаси**да жисмоний тарбия ва спорт соҳаси давлат сиёсати даражасидаги масала ва қуйидаги ташкилотлар томонидан тартибга солинади: “Умумхитой спорт федерацияси” (1949 й. ташкил этилган) ихтидорли спортчиларни танлаш, саралаш ва бу бўйича дастурларни ишлаб чиқиш ҳамда жорий қилиш; “Жисмоний тарбия ва спорт қўмитаси” (1952 й. ташкил этилган) – давлат сиёсатини ишлаб чиқади ва барча жисмоний тарбия ва спорт ҳаракатларининг умумий бошқарувини амалга оширади; “Олимпия қўмитаси” – Олимпия ҳаракатини тарғиб қилиш ва ривожлантириш, ташкилий, ижтимоий, иқтисодий ва ахборот таъминотини амалга ошириш<sup>67</sup>.

Хитойда фаол равишда соҳани ривожлантиришнинг Шарқий Германия тажрибаси жорий қилинган. Мазкур тажриба асосида Хитойнинг болалар ва ўсмирлар спортини ривожлантиришга эътибор қаратилган ва унда йирик ҳудудларида кўплаб замонавий спорт иншоотлари қурилган.

Хитойда Олимпия ўйинларига тайёргарлик кўришнинг ўзига хос хусусияти ва ютуқ томонларидан бири шундан иборатки, Олимпия ўйинларига тайёрлаш марказлари спортга ихтисослашган олий таълим муассасаларида жойлашганлиги ҳисобланади. Мазкур марказлар ва олий таълим муассасалари тўлиқ давлат

---

<sup>65</sup> До Кеон Ву (Do Keon Woo). Управление физической культурой в странах Дальневосточной Азии. автореф. дис. ... канд пед.наук. СПб. 2000. 36 с.

<sup>66</sup> Пасюков П.Н. Физическая культура и спорт как фактор сохранения национальной культуры сахалинских корейцев // Историко-культурное и спортивно-прикладное развитие национальных видов спорта в России: опыт регионов: материалы всерос. науч.-практич. конф. Якутск. 2009. С.205-215.

<sup>67</sup> До Кеон Ву (Do Keon Woo). Управление физической культурой в странах Дальневосточной Азии. автореф. дис. ... канд пед.наук. СПб. 2000. 36 с.

бюджетидан молиялаштирилади ва бевосита Хитойнинг давлат бош спорт бошқарувига бўйсунди<sup>68</sup>.

Хитой спортчиларининг халқаро миқёсда бугунги кунда юқори натижаларга эга бўлишларининг асосий сабабларидан бири “2011-2020 йй. мўлжалланган Олимпия медалларини қўлга киритиш стратегик режаси” бўлган<sup>69</sup>.

Хитойнинг жисмоний тарбия ва спортни ривожлантириш модели тўлиқ давлат тасарруфида бўлиб, унинг асосини давлат спорт ташкилотлари ташкил этади. Аммо шу билан бирга мазкур модель молиялаштиришнинг муқобил манбааларини ҳам инкор этмайди. Хусусан, молиялаштиришнинг алоҳида манбаи сифатида мамлакатнинг йирик бизнеси томонидан амалга ошириладиган молиявий ажратмаларга таалуқли.

Пекиннинг 2022 й. XXIV қишки Олимпия ўйинларини ўтказиш ҳуқуқи берилганидан сўнг “2016-2025 йй. қишки спорт турларини ривожлантириш режаси” ҳамда “2016-2022 йй. қишки спорт турлари учун миллий марказлар ва биноларни бунёд қилиш режаси” қабул қилинди ва унга мувофиқ 2025 йилга қадар қишки спорт турлари билан жами 300 млн. киши шуғулланиши ва улардан 50 млн. киши мусобақаларда иштирок этиши, мамлакат бўйича 650та муз стадионлари ва 800та тоғ-чанғи курортлари фойдаланишга топширилиши, қишки спорт турлари бўйича саноатнинг ривожланиши ва 2025 йилда 145 млрд. АҚШ долларни ташкил этиши режалаштирилган. Мазкур режаларнинг амалга оширилиши натижасида 2025 йилда мамлакатнинг бутун спорт соҳаси 800 млрд. АҚШ доллариغا баҳоланади (ёки ЯИМнинг 1%) ва 600 минг янги иш ўринлари яратилади<sup>70</sup>.

---

<sup>68</sup> Платонов В.Н. Подготовка национальных команд к Олимпийским играм: история и современность / В.Н. Платонов, Ю.А. Павленко, В.В. Томашевский. – К.: Изд. Дом Д. Бураго, 2012. 252 с.

<sup>69</sup> Xiaoqian H. An analysis of Chinese olympic and elite sport policy discourse in the post-Beijing 2008 Olympic Games era / H. Xiaoqian. – Loughborough University Institutional Repository, 2015. 442 p.

<sup>70</sup> Chadwick S. China's financial muscle makes its mark on the global sport industry / S.Chadwick // The conversation. 2015. January 28.

Жисмоний тарбия ва спорт муассасаларида молиявий муносабатларни ташкил этишнинг ЕИ, АҚШ ва Осиё мамлакатлари тажрибаларини ўрганиш натижасида асосий хулосаларни белгилаш мумкин:

1. ЕИ мамлакатлари бўйича:

- жисмоний тарбия ва спортни соҳа сифатида ривожлантиришга қаратилган институтларнинг даражаси юқорилиги ва бошқарув механизмларнинг ривожланганлиги ҳамда уларнинг юқори даражада шаффофлигини таъминлашга қаратилганлиги, айниқса, молиявий муносабатларнинг шаффоф ва ошкоралик тамойиллари асосидалиги соҳанинг рақобатбардошлигини таъминлашга хизмат қилади. Бу эса Европа клубларининг дунёдаги барча спортчилар учун иш берувчи сифатида энг жозибадорликни таъминламоқда, бунинг натижасида клублар молиявий барқарорликга эришмоқда.

- ЕИ мамлакатларида оммавий ва болалар спортини ривожлантиришда давлат ва маҳаллий ҳукуматнинг эътибори ортган ва янги босқичга кўтарилган. Бундан кўзланган асосий мақсадлардан бири бу, мамлакатда тобора ривожланаётган демографик инқирозни олдини олиш ва соғлом турмуш тарзини тарғиб қилишнинг механизми сифатида қўлланилмоқда.

2. Осиё мамлакатлари бўйича:

Жанубий Корея, Япония ва Хитойда жисмоний тарбия ва спортни ривожлантиришда амалга оширилган ислохотлари асосида хулоса қилиш мумкинки, бугунги кунда жаҳон амалиётида мавжуд бўлган европа ва америка моделлари қаторида жисмоний тарбия ва спортни ривожлантириш ва бошқаришнинг осие моделининг мавжудлигини ҳам эътироф этиш мумкин. Ушбу модель ўзига хос бўлган хусусияти, ривожланган мамлакатлар тажрибасидан кенг фойдаланган ҳолда мамлакатда ўзига хос тизим яратилганлиги билан ажралиб туради.

Фикримизча, хорижий мамлакатларнинг тажрибасини ўрганиш асосида икки асосий ўзаро қарама-қарши йўналишларнинг мавжудлиги кузатилади. Яъни, давлат томонидан спортни барча жабҳаларини ривожлантиришдаги иштироки (Хитой ва аксарият ўтиш иқтисодиётидаги мамлакатлар мисолида)

ва иккинчи йўналишда, соҳани ривожлантиришда давлат аралашувидан тўлиқ воз кечилиши (АҚШ мисолида). Бу борада миллий иқтисодиётнинг бозор иқтисодиётига ўтиш шароитини инобатга олган ҳолда жисмоний тарбия ва спорт соҳасини ривожлантиришда давлат аралашувининг баланслашган моделини қўллаш мақсадга мувофиқ ҳисобланади.

### **1 боб бўйича хулоса**

Миллий иқтисодиёт мустақилликга эришган даврлардан бошлаб молия тизимини ривожлантиришга бағишланган кўплаб илмий тадқиқотлар амалга оширилган бўлишига қарамасдан, жисмоний тарбия ва спорт муассасаларида молиявий муносабатлар билан боғлиқ муаммолар илмий жиҳатдан тўлиқ тадқиқ этилмаган.

Амалга оширилган тадқиқотлар асосида белгилаш зарурки, бозор иқтисодиётига ўтиш шароитидаги мамлакатларга хос жиҳатлардан бири бу соҳани давлат бюджети ҳисобидан молиялаштириш амалиёти Ўзбекистонда ҳам қўлланиб келинмоқда. Аммо мамлакатимиздаги соҳани ривожлантиришга қаратилган ислоҳотларнинг пировард мақсадларидан бири бу, иқтисодиёти ривожланган мамлакатлар сингари соҳада тўлиқ бозор муносабатларини шакллантиришга қаратилганлигидир. Мазкур натижаларга эришишда даставвал, соҳада аралашган молиялаштириш механизмларини тўлиқ жорий этилиши мақсадга мувофиқ, яъни, унинг асосий элементларидан бири бўлмиш, давлат ва хусусий шерикчилик муносабатларининг самарали фаолияти назарда тутилади.

Хорижий олимлар ва мутахассисларнинг тадқиқотлари асосида хулоса қилиш мумкинки, бугунги кунда дунёда энг кўп фойдаланиладиган моделлар 2та - Европа модели ва Америка модели. Аммо, тадқиқот натижаларига кўра, дунёда Осиё модели сифатида тан олинган модель бўлмаса ҳам, сўнгги йилларда мазкур минтақа мамлакатларида спортда эришилаётган юқори натижалари асосида уларнинг тажрибасини ўрганишни тақазо қилмоқда.

Хорижий мамлакатларда жисмоний тарбия ва спортни ривожлантириш борасида амалга оширилаётган ислохотларни ўрганиш асосида қуйидаги хулосаларни чиқариш мумкин:

- жисмоний тарбия ва спорт соҳаси иқтисодиётнинг ажралмас қисмига айланган, хусусан, жумладан, соҳанинг ЯИМга, меҳнат бозорига, ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш кўрсаткичларига ижобий таъсирлари мавжуд;

- ўрганилган мамлакатларда жисмоний тарбия ва спортни ривожлантиришнинг маълум даврларга мўлжалланган стратегияси қабул қилинган. Фикримизча, Ўзбекистон учун ҳам Стратегияни ишлаб чиқилиши мақсадга мувофиқ бўлиб, унда албатта молиявий муносабатларни такомиллаштиришга бўйича вазифалар акс эттирилиши керак;

- соҳани молиялаштириш механизмларини шакллантириш ва ривожлантириш бўйича дунёда мавжуд бўлган моделларни ўрганиш асосида уларни икки асосий йўналишларга ажратиш мумкин, яъни, соҳани молиялаштириш тизими аралаш турдаги мамлакатлар, яъни, ҳам давлатнинг иштироки ва шу билан бирга хусусий секторнинг иштироки бўлган мамлакатлар (ЕИ ва Осиё мамлакатлари); соҳани молиялаштиришда давлат аралашувидан тўлиқ воз кечилган модель (АҚШ мисолида).

Соҳани давлат бюджети ҳисобидан молиялаштириш амалиёти қўлланиладиган мамлакатларда бюджет маблағларининг чекланганлиги ва унинг спорт турлари бўйича рационал тақсимлаш муаммоси аксарият мамлакатларда ўзига хос тажриба тўпланган. Фикримизча бу борада, миллий иқтисодиётнинг бозор иқтисодиётига ўтиш шароитини инобатга олган ҳолда жисмоний тарбия ва спорт соҳасини ривожлантиришда давлат аралашувининг баланслашган моделини қўллаш мақсадга мувофиқ ҳисобланади.



## **II-БОБ. ЖИСМОНИЙ ТАРБИЯ ВА СПОРТ МУАССАСАЛАРИДА МОЛИЯВИЙ МУНОСАБАТЛАРНИНГ ҲОЛАТИ ТАҲЛИЛИ**

### **§ 2.1 Миллий иқтисодиётнинг ривожланишида жисмоний тарбия ва спортнинг роли**

2013 йилда Бирлашган Миллатлар Ташкилоти томонидан, халқаро ташкилотларга, спорт фаолияти билан боғлиқ бўлган ташкилотларга, шунингдек, нодавлат, нотижорат ташкилотлар ва бошқа барча қизиқиш билдирган томонларга 6 апрель кунини “Халқаро спорт кунини” сифатида нишонлаш таклифи илгари сурилган.

И.Зайцеванинг эътирофи этишига кўра, спорт макроиқтисодий аҳамиятга эга бўлган ижтимоий фаолият бўлиб, аввало инсон капитали ҳисобланган инсонларнинг саломатлиги ва меҳнат унумдорлигининг ортишига қилинган инвестициялар деб билади ва энг асосийси, инсониятнинг асосий таҳдидларидан ҳисобланган камбағаллик, жиноят, алкоголизм ва наркоманияни қисқартиришга хизмат қилиши билан асослайди<sup>71</sup>. Демак, моддий бойликларни яратишдан ташқари спорт, моддий бойликларга таълуқли бўлмаган бойликларни ҳам яратади ва улар бевосита ёки билвосита иқтисодий ўсишга кўмаклашади ва унинг пойдеворларидан бири сифатида хизмат қилади.

Маълумки, жаҳон иқтисодиётида спорт муҳим соҳалардан бири ҳисобланади ва иқтисодиёти ривожланган мамлакатларнинг иқтисодиётида салмоқли улушга эга. Масалан, Европа Иттифоқи (ЕИ) мамлакатларида спорт соҳасининг ЯИМдаги улуши, қишлоқ хўжалиги, ўрмон хўжалиги ва балиқчилик тармоқлари билан биргаликдаги жами улуши билан баробар. Шу билан бирга спорт соҳасининг ЕИда миллий даромадлари бўйича соф фойдасининг эластиклиги 1.14ни ташкил этади, яъни, миллий даромаднинг

---

<sup>71</sup> Зайцева И. Спорт глазами экономиста: современное состояние предмета / Вопросы экономики. 2015. С.100-120.

ўсиши билан спортнинг иқтисодиётдаги ролининг бевосита ортиши кузатилади<sup>72</sup>.

Тарихий манбааларга кўра, спорт қадимги мамлакатларнинг ижтимоий-иқтисодий ҳаётида ҳам муҳим ўринга эга бўлган. Жумладан, тарихдан яхши маълумки, спортнинг ҳар томонлама фаол ривожланиши Қадимги Грецияда асос солинган. Яъни, турли хилдаги спорт турларининг кашф этилиши, шаклланиши ва оммаланиши, аҳоли томонидан қўллаб-қувватланиши ва унга бўлган қизиқишининг ортишини келтириш мумкин. Улар жумласидан, югуриш, сакраш, сузиш, кураш, найза ва оғир ядро отиш ва бошқа кўплаб турларини келтириш мумкин. Спорт турларининг оммаланиши бевосита аҳолининг танловига асосланган, яъни, қизиқишига таянилган ва маълум бир спорт турида қанчалик томошабинлар ва кейинчалик муҳлислар кўп бўлса, ўша спорт турининг оммаланишига асос солинган.

Ўз навбатида, спорт мусобақалари ғолиблари халқ қахрамонларига айланишган, уларнинг номлари ва суръатлари битилган пул бирликлари (тангалар) чиқарилган, кўча ва майдонларнинг номлари, қурилган спорт иншоотлари уларнинг исмлари билан битилган ва мамлакатнинг бошқа кўплаб ижтимоий ҳаётида аҳамиятга эга бўлган.

Тарихчилар томонидан белгиланиши бўйича, айнан мазкур даврдан бошлаб спорт мамлакат иқтисодиётининг муҳим бир тармоғига айлана бошланган ва бунда муҳим ролни маълум бир мусобақаларни ўтказиш учун ер майдонларининг ажратилиши, қурилиш тармоғининг ривожланиши ва спорт мусобақалари учун улкан бинолар қурилиши, ҳамда қурилиш жараёнларга аҳолининг салмоқли қисмининг жалб қилинган, яъни, меҳнат билан таъминланган ва бошқалар. Масалан, Қадимги Греция сингари Қадимги Римда ҳам айнан спортнинг ривожланиши ҳисобига бугунги кунда тарихга айланган улкан махсус спорт иншоотлари қурилган ва улардан бири Колизейни келтириш мумкин. Спорт мусобақалари ўтказиладиган жойларда

---

<sup>72</sup> Зайцева И. Спорт глазами экономиста: современное состояние предмета / Вопросы экономики. 2015. С.100-120.

савдо, умумий овқатланиш ҳамда хунармандчилик фаол ривожланган, шунингдек, меҳмонхона, ижара каби хизмат турлари ривожланганлиги қайд этилган.

Бунинг натижасида таълим тизими ҳам ривожланган хусусан, оммалашган спорт турлари бўйича махсус мактаблар ташкил этилган. Унга юқори натижалар кўрсатган спорт ғолиблари мураббийлар сифатида жалб қилинган. Шунингдек, ишлаб чиқаришнинг ривожланганлигини белгилаш мумкин, яъни, спорт анжомлари, спорт кийимларининг ишлаб чиқарилишининг оммалашганлигини келтириш зарур<sup>73</sup>.

Қадимги Грецияда спортнинг ривожланиши Қадимги Римда ҳам ўз аксини топди, аммо римликларнинг танлови, мусобақа асосланган спортни ривожлантиришга қаратилди, яъни, от чоптириш, муштлашув (бокс), кураш ва кейинчалик энг оммалашган – гладиаторлик беллашувлари бўлди.

Спортни ривожлантиришнинг муҳим механизмларидан бири сифатида чипталар бизнесининг ривожланганлиги ҳам алоҳида аҳамият касб этади. Гладиаторлар беллашувини томоша қилиш учун ташриф буюрганлар чипталар асосида киритилишган, шунда тўловларнинг турлари ҳам турли хил бўлган, яъни, амфитеатрларда туриб томоша қилиш ўринлари, ўтириб томоша қилиш ўринлари, алоҳида нархланган ва махсус ўринлар ҳам чипталар асосида сотилиши йўлга қўйилган.

Спорт мусобақалари ва гладиаторлик курашлари каби тамошаларда аҳолининг тўпланиши ва муҳлислик қизиқишлар ва тортишувларнинг юқори даражада бўлиши, яна бир тадбиркорлик фаолиятининг ривожланишига асос солган, яъни, букмекерлик фаолиятининг ривожланиши. Бунда, спорт мусобақалари бошланишидан аввал бўлажак ғолибларнинг аниқланишини ёки танланиши ва уларга пул қўйилмаларига асосланган келишувларнинг амалга оширилишига асосланган.

---

<sup>73</sup> Iglin A. Olympism History // European Journal Of Natural History. 2016. № 6.

Бунинг асосида хулоса қилиш мумкинки, спорт мусобақалари тарихда давлатларнинг муҳим бир иқтисодий элементига айланди, ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатишнинг турли тармоқлари ривожланишини таъминлаган ва унинг натижасида салмоқли пул айланмалари рўй берган. Хусусан қуйидаги хизматлар ҳисобига: савдо, меҳмонхона хизматлари, умумий овқатланиш, логистика хизматлари, таълим ва мураббийлик, хунармандчилик, спорт анжомларини оммавий ишлаб чиқариш ва бошқалар. Лекин, тарихий Қадимги Римнинг парчаланиши натижасида, жамиятда асрлар давомида шаклланган спортга асосланган иқтисодий муносабатлар тугаган.

XIX-асрда спорт инсониятнинг ижтимоий-иқтисодий ҳаётидаги муҳим ўрнининг қайтадан шаклланиши ва ривожланиши рўй берди. Чунки, мазкур даврда жаҳонда спортга бўлган қизиқиш ортган ва аксарият мамлакатларда эркин спорт жамиятлари ва федерациялари шаклланган. Шундай миллий спорт федерацияларидан бири 1858 йилда ташкил этилган “АҚШнинг Миллий бейсбол федерацияси”, Европада 1863 йилда ташкил этилган Англиянинг футбол лигаси, сўнгра, Бельгия, Германия, Италия, Голландия ва Франция мамлакатларида гимнастика федерациялари, регби, енгил атлетика ва бошқа кўплаб федерациялар ташкил этилганлиги мисол бўлади. Ниҳоят бутун дунё жамиятининг спортга бўлган энг юксак эътибори 1896 йилда Халқаро Олимпия кўмитасининг ташкил этилиши ва илк бора Олимпия ўйинларининг ўтказилиши бўлди.

XX асрда спортнинг дунё бўйлаб кенг ёйилиши ва оммалашиши натижасида спорт киймлари, пойабзаллари, анжомлари ва ускуналарига бўлган талабнинг ўсиши кузатилган. Тобора ортиб борган талабни қондириш мақсадида спорт саноатининг корхоналари ташкил этила бошланди ва натижада спорт анжомлари, кийимлари, пойабзаллари ва турли хилдаги хизматлар кўрсатила бошланди. Шунингдек, мазкур даврда дунёда спорт билан шуғулланувчи инсонларнинг сони кўп қарра ортган ва спорт ҳар бир хонадонга кириб бориши натижасида мамлакатнинг иқтисодий ва ижтимоий ҳаётига ижобий таъсири ортган (2.1.1-жадвалга қаранг).

**Жисмоний тарбия ва спортнинг  
иқтисодий ва ижтимоий манфаатлари<sup>74</sup>**

<b>Иқтисодий манфаатлар</b>	<b>Ижтимоий манфаатлар</b>
<ul style="list-style-type: none"> <li>- меҳнат унумдорлигининг ошиши;</li> <li>- тадбиркорликнинг янги шакллари ва турларининг кўпайиши;</li> <li>- янги иш ўринларининг яратилиши;</li> <li>- солиқ тўловларнинг кўшимча манбааларининг кўпайиши;</li> <li>- спорт анжомларини ишлаб чиқариш саноати ривожланади;</li> <li>- замонавий ва илғор спорт иншоотларининг қурулиши;</li> <li>- ташқи иқтисодий фаолиятининг ривожланишига ижобий таъсир кўрсатади;</li> <li>- хорижий инвестицияларнинг кириб келишига хизмат қилади.</li> </ul>	<ul style="list-style-type: none"> <li>- инсонларнинг умур кўришнинг давомийлигини ва меҳнат қилиш ёши давомийлигини оширади;</li> <li>- аҳолининг барча ёшдаги вакилларининг соғлиғи мустаҳкамланиши давлатнинг тиббиёт соҳасида амалга ошириладиган харажатларини қисқартиришга эришилади;</li> <li>- мамлакат ичида ва халқаро миқёсда спорт тадбирларини ташкил этиш ва ўтказиш мамлакатнинг жаҳон ҳамжамиятида мамлакат нуфузинининг мустаҳкамланишини таъминлайди.</li> </ul>

Демакки, жисмоний тарбия ва спортнинг ижтимоий аҳамияти билан бирга, унинг тадбиркорлик фаолиятига таъсир кўрсатиши ҳам алоҳияда аҳамият касб этади ва бугунги кунда спорт соҳасида тадбиркорликнинг шиддат билан ривожланаётганлигини кузатиш мумкин ва бунинг асосини бир нечта омиллар билан боғланади. Хусусан, соҳада мулкдорларнинг кўпайиши ва натижада соҳанинг инвестицион жозибардорлиги ортиши, аҳолига кўрсатиладиган хизматларнинг тури ва сонининг кўпайишини таъминлайдиган талаб ва таклифнинг мувозанатда ривожланиши.

Жисмоний тарбия ва спорт бизнесини ривожлантиришнинг асосий платформаларидан бири бу маълум спорт турини қизиқиш билан кузатувчи инсонлардир. Ушбу ҳолатда асосий бўғин сифатида миллий спортчилар ёки миллий жамоаларнинг юксак ютуқлари бўлади. Агар бундай ютуқлар бўлмаса, маълум бир спорт турига қизиқиш бўлмайди ва тижорат нуктаи назардан даромадсиз бўлиш эҳтимоли юқори бўлади, шу билан бирга, спорт

<sup>74</sup> Муаллиф ишланмаси.

иншоотларининг рентабеллик даражаси ҳам бевосита спорт ютуқларига асосланган бўлади<sup>75</sup>.

Хусусан, “PricewaterhouseCoopers” (PwC) компанияси томонидан ўтказилган тадқиқотларга кўра, АҚШда спорт тадбирларига ташриф буюриш миллий маданиятнинг ажралмас қисми ҳисобланади ва таҳлилларга кўра, билетларнинг сотуви ҳар йили 3%га ўсади, теле ва радио узатувларни амалга ошириш ҳуқуқлари 2,7%га ўсади, мерчандайзинг 4%га ва ҳомийликдан тушумлар 4,2%га ўсади<sup>76</sup>.

Қайд этиш зарурки, рақамлаштириш жараёнларнинг инсоният ҳаётида фаол ривожланиши ва ўзига хос ўрни тобора ортиб бориши, барча соҳа ва тармоқларга бевосита таъсир қилгани сингари жисмоний тарбия ва спорт соҳасига ўз таъсири ўтказмоқда. Масалан, бугунги кунда спорт тадбирларини ўтказиш учун чипталарнинг сотуви Интернет орқали амалга оширилиши йўлга қўйилган бўлса, янги хизматлар сифатида харид қилиш сайтида шунингдек, сотиб олинadиган ўринларнинг виртуал ҳолатини ҳам кузатиш мумкин, яъни, томашабин харид қилмоқчи бўлган ўриндигидан кўринадиган спорт майдонини дастлаб кўриш имконияти яратилган. Бунда харидор иш жойини тарк этмасдан ёки уйи шароитидан интернет орқали сотиб олмоқчи бўлган ўриндигини кўриш имкониятига эга бўлади.

Бугунги кунда спорт халқаро ташкилотлар, мутахассислар ва олимлар томонидан, иқтисодий ривожлантиришнинг самарали воситаларидан бири сифатида тан олинганлиги муҳим аҳамият касб этади. Бундан хулоса қилиш мумкинки, моддий бойликларни яратишдан ташқари спорт, моддий бойликларга таълуқли бўлмаган бойликларни ҳам яратади ва улар бевосита ёки билвосита иқтисодий ўсишга кўмаклашади ва унинг пойдеворларидан бири сифатида хизмат қилади. Демакки, жисмоний тарбия ва спортнинг иқтисодий ва ижтимоий феноменларини инкор этиб бўлмайди. Зеро,

---

<sup>75</sup> URL: <http://diplomba.ru/work/48722#2>

<sup>76</sup> PriceWaterHouseCoopers «Перспективы развития мировой индустрии спорта на период до 2013 года». – URL: [http://proreport.ru/reports\\_detail/2188/chapter3/](http://proreport.ru/reports_detail/2188/chapter3/)

тарихдан яхши маълумки, спорт қадимги мамлакатларнинг нафақат ижтимоий-иқтисодий ҳаётида муҳим ўринга эга бўлган, балки аксарият ҳолларда сиёсий механизмлардан бири сифатида ҳам фойдаланилган. Айниқса, иқтисодиётнинг асосий қонуниятлари бўлмиш: ишлаб чиқариш, хизмат кўрсатиш, савдо-сотик, хунармандчилик, таълим тизими ва бошқалар, мамлакатда ташкил этилган ва ўтказилган спорт тадбирлари билан бевосита боғланган. Ҳаттоки, оммавий ва беллашув спорт турларининг ривожланиши бугунги кунга қадар амалиётда мавжуд бўлган чипталарнинг савдоси ҳамда букмекерлик фаолиятларнинг ривожланишига асос солган.

Жисмоний тарбия ва спортнинг ижтимоий аҳамияти билан бирга, унинг тадбиркорлик фаолиятига таъсир кўрсатиши ҳам алоҳида аҳамият касб этади ва бугунги кунда спорт соҳасида тадбиркорликнинг шиддат билан ривожланаётганлигини кузатиш мумкин ва бунинг асосини бир нечта омиллар ташкил этади. Хусусан, соҳада мулкдорларнинг кўпайиши ва натижада соҳанинг инвестицион жозибардорлигининг ортиши, аҳолига кўрсатиладиган хизматларнинг тури ва сонининг кўпайишини таъминлайдиган талаб ва тақлифнинг мувозанатда ривожланиши.

## **§ 2.2 Жисмоний тарбия ва спортнинг ривожланиш ҳолати таҳлили**

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномасида<sup>77</sup> 2020 йил натижалари бўйича сарҳисоб қилинар экан мамлакатимизнинг ижтимоий-иқтисодий ҳаётининг устувор соҳа ва тармоқлари кенг қамраб олинган ҳолда баҳо берилди. Хусусан, Мурожаатномада Юртбошимиз томонларидан 2021 йил мамлакатимизда “Ёшларни қўллаб-қувватлаш ва аҳоли саломатлигини мустаҳкамлаш йили”, деб номланиши билан бирга 2021 йилда устувор соҳаларни тубдан ислоҳ қилиш ва янада ривожлантириш бўйича белгиланган кенг кўламли ислоҳотлар қаторида жисмоний тарбия ва спортни янада

---

<sup>77</sup> <https://president.uz/uz/lists/view/4057>

оммалаштириш бўйича қатор вазифалар белгиланди. Жумладан, 2021 йилда 70та жисмоний тарбия ва спорт муассасаси, 16 мингта боғча ва мактабларни спорт жиҳозлари билан таъминлашга 100 миллиард сўм ажратилганлиги, шунингдек, барча туман марказлари ва шаҳарларда махсус пиёдалар ва велосипед йўлаклари барпо этилиши ҳамда аҳолини оммавий спорт турларига кенг жалб қилиш орқали қамровни ҳозирги 19 фоиздан 25 фоизга етказилиши маълум қилинди<sup>78</sup>.

Албатта, мазкур белгиланган барча вазифаларни сўзсиз ижросини таъминлаш ва юқори даражада натижадорликларга эришиш учун барча имкониятлар ва ресурсларни сафарбар қилиниши даркор. Бунинг учун сўнгги йилларда жисмоний тарбия ва спорт соҳасида рўй бераётган туб таркибий ўзгаришларни аниқлаш, айниқса, эришилган натижаларни таҳлил қилиш ва шунинг асосида белгиланган вазифаларнинг юқори сифат даражасида бажарилиши бўйича таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқилиши зарур.

Мамлакатда амалга оширилаётган оқилона ижтимоий-иқтисодий ислоҳотларнинг замирини давлат бюджетидagi йилдан-йилга ўсиб бораётган ижтимоий харажатлардаги ижобий ўзгаришларда кузатиш мумкин. Хусусан, 2016-2020 молия йилларда жами харажатлар 432143,0 млрд. сўмни ташкил этган бўлса, ушбу кўрсаткичнинг ҳар йили мунтазам ўсиб бориши кузатилади (2.2.1-жадвал).

2.2.1-жадвал маълумотларидан кўриш мумкинки, давлат бюджетининг ижтимоий харажатлари мунтазам ўсиб бориши 2016-2020 йилларда кузатилган бўлса, энг юқори ўсиш 2020 йилда кузатилган (144 142,9 млрд.сўм) ва ушбу кўрсаткич 2016 йилга нисбатан 103 231,7 млрд. сўмга ўсганлигини кўриш мумкин.

---

<sup>78</sup> <https://president.uz/uz/lists/view/4057>




**2016-2020 йилларда давлат бюджетидан ижтимоий соҳа харажатлари (млрд.сўм)<sup>79</sup>**

Т/р	Кўрсаткичлар	2016 й.	2017 й.	2018 й.	2019 й.	2020 й.
	<b>Жами харажатлар (мақсадли жамғармаларсиз)</b>	<b>40 911,2</b>	<b>49 343,7</b>	<b>79 736,3</b>	<b>118 008,9</b>	<b>144 142,9</b>
<b>1.</b>	<b>Ижтимоий харажатлар</b>	<b>24 101,6</b>	<b>27 223,3</b>	<b>42 883,4</b>	<b>63 542,5</b>	<b>74 231,9</b>
1.1	Ижтимоий соҳа ва аҳолини ижтимоий кўллаб-қувватлаш харажатлари	22 766,1	27 009,2	39 251,4	59 416,6	63 176,7
шундан:						
1.1.1	Таълим	13 831,7	15 979,6	20 721,2	33 536,1	29 961,1
1.1.2	Соғлиқни сақлаш	5 811,6	7 330,1	9 408,4	14 977,4	19 397,2
<b>1.1.3</b>	<b>Маданият ва спорт</b>	<b>460,6</b>	<b>750,2</b>	<b>1 345,5</b>	<b>2 417,4</b>	<b>2 340,6</b>
1.1.4	Фан	238,2	275,6	434,4	662,4	823,8
1.1.5	Ижтимоий таъминот	161,0	186,0	3 242,0	4 740,3	8 191
1.1.6	Нафақалар, моддий ёрдам ва компенсациялар	2 043,2	2 052,2	570,0	1 192,0	1 305,0
1.1.7	"Обод қишлоқ" ва "Обод маҳалла" давлат дастури харажатлари	-	-	-	1 137,9	-
1.2	Молия вазирлиги ҳузуридаги бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасига субсидиялар	-	-	-	-	9 117,0
1.3	Уй-жойлар қуриш дастурида қатнашаётган банклар учун кредит линиялари	1 335,6	214,0	3 632,0	4 125,7	1 938,2

Ўрганиш ва таҳлил даврида жами харажатлар ичида ижтимоий соҳа харажатлар салмоқли улушни ташкил этмоқда. Хусусан, таҳлил даврида ушбу кўрсаткичнинг фақат ўсиш динамикаси кузатилган бўлса, лекин кескин ўсишни 2019 йилда бошланган (2.2.1-расм).


<sup>79</sup> <https://openbudget.uz/en/outcomesView/#RANGE!C8>



2.2.1-расм. 2016-2020 йилларда давлат бюджетининг ижтимоий харажатлари динамикаси (млрд.сўм)<sup>80</sup>

2.2.1-расм маълумотлари таҳлилига кўра, давлат бюджетининг ижтимоий харажатлари 2016 йилда 24 101,6 млрд. сўмни ташкил этган бўлса, 2020 йилда ушбу кўрсаткич 74 231,9 млрд. сўмни ташкил этган ёки шу давр мобайнида 50 130,3 млрд. сўмга ошган.

Ўз навбатида, давлат бюджетининг ижтимоий харажатларида маданият ва спорт бўйича амалга оширилган харажатлар алоҳида аҳамият касб этади. Жумладан, бюджетнинг ушбу бандида ҳам амалга оширилган харажатларнинг мунтазам ўсиш динамикаси кузатилади (2.2.2-расм).



2.2.2-расм. 2016-2020 йилларда давлат бюджетининг ижтимоий харажатларида маданият ва спорт учун харажатлар динамикаси (млрд.сўм)<sup>81</sup>


<sup>80</sup> <https://openbudget.uz/en/outcomesView/#RANGE!C8>

<sup>81</sup> <https://openbudget.uz/en/outcomesView/#RANGE!C8>

2.2.2-расм маълумотлари таҳлиliga кўра, маданият ва спорт соҳаси учун харажатлар мунтазам ўсиши кузатилган ва 2016 йилга нисбатан 2020 йилда ушбу кўрсаткич 1880,4 млрд.сўмга ўсган.

Мамлакатда соҳани ривожлантиришда бюджет харажатларини камайтириш ҳамда бюджет маблағларини тежаш мақсадида, устав капиталида давлат улуши 50 фоиз ва ундан ортиқ бўлган юридик шахслардан йиллик фойдасининг 2 фоиз миқдорида, улар жойлашган ҳудудлари бўйича спортни ривожлантириш жамғармасига ўтказиш мумкин.

Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитасининг маълумотларига кўра, 2015 йилда мамлакатда жами спорт иншоотларнинг сони 50934тани ташкил этган. Шу жумладан, уларнинг сони қишлоқларда 27442та бўлган. 2019 йилда ушбу кўрсаткич жами 51651тани ташкил этган ва улардан қишлоқларда 27591тани ташкил этган. Демак, таҳлил даврида республика бўйича спорт иншоотларнинг сони 717тага, шунингдек, қишлоқларда 149тага кўпайганлиги кузатилади (2.2.3-расмга қаранг).



**2.2.3-расм. 2015-2019 йй. Ўзбекистонда жами спорт иншоотлари сони (бирлик)<sup>82</sup>**

<sup>82</sup> Жисмоний тарбия ва спорт ривожланишининг асосий кўрсаткичлари / Давлат статистика қўмитаси статистика бюллетенининг 2015-2020 йй. бўйича муаллиф томонидан тайёрланган.

Аммо, республика миқёсида спорт иншоотларининг сони жиҳатидан ўсиш тенденцияси кузатилса ҳам, вилоятлар кесими бўйича таҳлилларга кўра, барча ҳудудларда бир хил ўсиш тенденцияси кузатилмаган. Яъни, 7та вилоятларда спорт иншоотлари кўпайган бўлса, тенг ярмида – 7та вилоятларда уларнинг сони кескин камайганлиги ҳақидаги тўлиқ маълумотга эга бўлиш учун 2.2.2-жадвалга мурожаат қиламиз.

## 2.2.2-жадвал

### Ўзбекистон ҳудудларида жами спорт иншоотларининг сони (2015-2019 йй.) (бирлик)<sup>83</sup>

	2015 й.	2016 й.	2017 й.	2018 й.	2019 й.	Ўзгариш (+;-)
Қорақалпоғистон Республикаси	3265	3109	3162	3186	3194	-71
Андижон	4527	4265	4274	4268	4279	-248
Бухоро	3755	3465	3478	3479	3479	-276
Жиззах	2809	2833	3162	3211	3212	403
Қашқадарё	5142	4925	5108	5130	5131	-11
Навоий	1911	1794	1800	1784	1788	-123
Наманган	3314	3291	3259	3271	3274	-40
Самарқанд	5262	5480	5553	5555	5555	293
Сурхондарё	4146	4344	4300	4298	4303	157
Сирдарё	1500	1490	1524	1557	1559	59
Тошкент	4164	4408	4392	4500	4505	341
Фарғона	5508	5817	5749	5761	5772	264
Хоразм	3451	3461	3366	3404	3409	-42
Тошкент ш.	2180	2171	2179	2179	2191	11

2.2.2-жадвал маълумотлари таҳлиliga кўра, республика бўйича таҳлил даврида жами 1528та спорт иншоотлари сони кўпайган, улардан, Жиззах вилоятида (403та) энг кўп спорт иншоотлари очилган вилоятлардан бўлиб, кейинги ўринда Тошкент вилоятида 341та, Самарқандда 293та, Фарғонада 264та, Самарқанд, Сурхондарёда 157та ва Сирдарёда 59та спорт иншоотлари очилган. Таҳлил даврида спорт иншоотлари сони кўпайган вилоятларнинг йиллар кесимидаги таҳлиliga кўра мазкур ораликда фақат ўсиш кузатилган.

<sup>83</sup> Жисмоний тарбия ва спорт ривожланишининг асосий кўрсаткичлари / Давлат статистика қўмитаси статистика бюллетенининг 2015-2020 йй. бўйича муаллиф томонидан тайёрланган.

Республиканинг қишлоқ туманларида ҳам спорт иншоотлари бўйича кўрсаткичларида таҳлил даврида ўзгариш тенденциялари кузатилади. Шундан жами 958та спорт иншоотларнинг сони камайган бўлса, 1107тага кўпайиш ҳолатлари ҳам кузатилади. Аниқ маълумотларга эга бўлиш учун 2.2.3-жадвал маълумотларига мурожаат қиламиз.

Спорт иншоотларининг сони қишлоқларда кескин камайиши Сирдарёда (-618тага), Қорақалпоғистон Республикасида (-189тага), Наманганда (-71тага) ва Навоийда (-10тага) кузатилади. Аксинча, Тошкент вилояти (664та), Қашқадарё (162та), Самарқанд (114та), Фарғона (71та), Сурхондарё (63та), Хоразм (22та) ва Жиззах (11та) вилоятлари қишлоқларида спорт иншоотлари энг кўп ташкил этилган.

### 2.2.3-жадвал


#### Ўзбекистон қишлоқ ҳудудларида жами спорт иншоотлари сони (2015-2019 йй.) (бирлик)<sup>84</sup>

Ҳудудлар	2015 й.	2016 й.	2017 й.	2018 й.	2019 й.	Ўзгариш (+;-)
Қорақалпоғистон Республикаси	1946	1777	1769	1756	1757	-189
Андижон	1928	2101	1858	1858	1858	-70
Бухоро	1947	1945	1947	1947	1947	0
Жиззах	1758	1914	1769	1769	1769	11
Қашқадарё	3058	2936	3196	3220	3220	162
Навоий	976	900	983	966	966	-10
Наманган	1432	1398	1377	1361	1361	-71
Самарқанд	3175	3350	3290	3289	3289	114
Сурхондарё	2720	2660	2781	2781	2783	63
Сирдарё	897	948	279	279	279	-618
Тошкент	2192	2854	2854	2855	2856	664
Фарғона	2909	727	2969	2975	2980	71
Хоразм	2504	2491	2501	2524	2526	22

Спорт иншоотларининг сони кўпайиши бевосита уларнинг қабул қилиш кувватининг ошишига ҳам ижобий таъсир кўрсатади. Таҳлилларга кўра, 2019 йилда 2015 йилга нисбатан ушбу кўрсаткич 154650тага ўсган ва 1 кунда

<sup>84</sup> Жисмоний тарбия ва спорт ривожланишининг асосий кўрсаткичлари / Давлат статистика қўмитаси статистика бюллетенининг 2015-2020 йй. бўйича муаллиф томонидан тайёрланган.

жами 2136825 кишини қабул қилиш қувватига эга. Шу жумладан, мазкур кўрсаткичнинг қишлоқларда ҳам мавжуд бўлган спорт иншоотларнинг қабул қилиш қуввати 96401 тага ўсганлигини 2.2.4-расм орқали кузатиш мумкин.



#### 2.2.4-расм. 2015-2019 йй. жами спорт иншоотларнинг 1 кунлик қуввати (ўтказиш имконияти)<sup>85</sup>

Спорт иншоотларнинг турлари бўйича таҳлилларга кўра, 77,14% спорт майдонча ва майдонларига тўғри келади, кейинги ўринда спорт заллари – 21,03%, стадионлар (0,8%), сузиш бассейнлари (0,6%), отиш тирлари (0,2%) тўғри келганлигини 2.2.4-жадвал маълумотлари орқали кўриш мумкин.

2.2.4-жадвал маълумотлари таҳлиliga кўра, деярли барча спорт иншоотларининг турлари бўйича сонининг кўпайиши кузатилади. Биргина, спорт майдонча ва майдонлар сонининг 207 тага камайганлиги қайд этилган. Спорт иншоотларидан спорт майдонча ва майдонлар сони жиҳатидан энг кўп бўлишига қарамасдан кишиларни қабул қилишнинг 1 кунлик қувватига кўра энг юқори кўрсаткич спорт залларига тўғри келади.


<sup>85</sup> Жисмоний тарбия ва спорт ривожланишининг асосий кўрсаткичлари / Давлат статистика қўмитаси статистика бюллетенининг 2015-2020 йй. бўйича муаллиф томонидан тайёрланган.

**2015-2019 йй. Ўзбекистонда жами спорт иншоотлар (бирлик) ва уларнинг 1 кунлик қуввати (ўтказиш имконияти/киши ҳисобида)<sup>86</sup>**

Йиллар	Кўрсаткичлар	Стадионлар	Спорт заллари	Сузиш бассейнлар	Отиш тирлари	Спорт майдонча ва майдонлар
2015 й.	сони (бирлик)	406	10022	285	130	40048
	1 кунлик қуввати (ўтказиш имконияти)	42640	1198880	35100	3776	701779
2016 й.	сони (бирлик)	399	10397	295	131	39574
	1 кунлик қуввати (ўтказиш имконияти)	40250	1243840	32940	3840	678976
2017 й.	сони (бирлик)	410	10699	307	133	39699
	1 кунлик қуввати (ўтказиш имконияти)	44810	1279920	38040	3504	695009
2018 й.	сони (бирлик)	411	10843	308	142	39807
	1 кунлик қуввати (ўтказиш имконияти)	45280	1290590	40467	4014	695918
2019 й.	сони (бирлик)	417	10863	316	142	39841
	1 кунлик қуввати (ўтказиш имконияти)	46550	1309580	45440	4292	730963

Мамлакатда жисмоний тарбия ва спортнинг ривожланишига бевосита спорт-таълим муассасалари ўзига хос ролга эга. Бевосита истиқболдаги спорт бўйича юксак натижалар ва баркамол авлодни тарбиялашдаги муҳим пойдевор вазифасини бажаради. Таҳлил даврида спорт-таълим муассасаларнинг сони камайиш тенденцияси ҳам кузатилган, жумладан, 2019 йилда 2015 йилга нисбатан уларнинг сони 286тага ёки 53,6%га камайганлиги ҳақида тўлиқ маълумотга эга бўлиш учун 2.2.5-расм маълумотларига қараймиз.

<sup>86</sup> Жисмоний тарбия ва спорт ривожланишининг асосий кўрсаткичлари / Давлат статистика қўмитаси статистика бюллетенининг 2015-2020 йй. бўйича муаллиф томонидан тайёрланган.



**2.2.5-расм. 2015-2019 йй. Ўзбекистонда жами спорт-таълим муассасалари сони (дона)<sup>87</sup>**

2015-2019 йй. мамлакат бўйича спорт-таълим муассасаларнинг умумий сони камайиши кузатилса, камайишнинг асосий қисми олимпия заҳиралари ихтисослаштирилган болалар ва ўсмирлар спорт мактаблари, спорт турлари бўйича ихтисослаштирилган мактаб-интернатларнинг сони камайиши ҳисобига рўй берган (2.2.5-жадвал).

### 2.2.5-жадвал

**2015-2019 йй. Ўзбекистонда спорт-таълим муассасаларининг турлари бўйича сони (дона)<sup>88</sup>**

Йиллар	Жами	Шу жумладан турлари бўйича					
		болалар, ўсмирлар спорт мактаблари	олимпия заҳиралари ихтисослаштирилган болалар ва ўсмирлар спорт мактаблари	ихтисослаштирилган болалар ва ўсмирлар спорт мактаблари	олий спорт маҳорати мактаблари	спорт турлари бўйича ихтисослаштирилган мактаб-интернатлар	олимпия заҳиралари коллежлари
2015 й.	617	472	89		13	28	15
2016 й.	347	234	9	49	11	29	15
2017 й.	341	226	6	53	11	30	15
2018 й.	329	230	6	53	11	14	15
2019 й.	331	230	5	54	12	15	15


<sup>87</sup> Жисмоний тарбия ва спорт ривожланишининг асосий кўрсаткичлари / Давлат статистика қўмитаси статистика бюллетенининг 2015-2020 йй. бўйича муаллиф томонидан тайёрланган.

<sup>88</sup> Жисмоний тарбия ва спорт ривожланишининг асосий кўрсаткичлари / Давлат статистика қўмитаси статистика бюллетенининг 2015-2020 йй. бўйича муаллиф томонидан тайёрланган.



Ҳудудлар кесимида 2.2.5-жадвалда келтирилган маълумотларнинг таҳлилига кўра, республика миқёсида болалар-ўсмирлар спорт мактаблари сони 242тага камайган.

2019 йилда жисмоний тарбия ва спорт соҳасидаги кадрлар сони жами 50834 кишини ташкил этса, улардан 11740таси аёллар (23,1%) ва 2015 йилга нисбатан жами кадрлар сони 1162тага камайган бўлса ҳам унда аёлларнинг сони 730тага ортаганини кузатиш мумкин (2.2.6-расмга қаранг).



**2.2.6-расм. 2015-2019 йй. жисмоний тарбия ва спорт соҳасидаги кадрлар (киши)<sup>89</sup>**

2016 йилда жисмоний тарбия ва спорт соҳасидаги кадрларнинг кескин (3320тага) камайиши кузатилган бўлса, улардан аёллар бўйича бундай кескин камайиш кўрсаткичи кузатилмаган, демак, қисқаришнинг салмоқли улуши эркак кадрлар ҳисобига содир бўлган. Қисқаришнинг 1421таси ёки 42,8%и мураббийларнинг улушига тўғри келишини 2.2.6-жадвал орқали кузатиш мумкин.

<sup>89</sup> Жисмоний тарбия ва спорт ривожланишининг асосий кўрсаткичлари / Давлат статистика қўмитаси статистика бюллетенининг 2015-2020 йй. бўйича муаллиф томонидан тайёрланган.

**2015-2019 йй. ҳудудлар бўйича жисмоний тарбия  
ва спорт соҳасидаги кадрлар (киши)<sup>90</sup>**

Йиллар	Ж/т ва спорт бўйича кадрлар		улардан мураб-бийлар	шу жумладан, штатдагилар				шу жумладан, спорт секцияларни олиб борувчи ўқитувчилар (инструкторлар)
	жамн	аёллар		жамн	улардан аёллар	ж/т таълимга эга бўлганлар	улардан олий таълимчилар	
2015 й.	51996	11010	13957	11723	2926	11125	5433	36016
2016 й.	48676	10549	12536	11093	2980	10326	5267	35934
2017 й.	49250	10609	13153	11568	3141	11066	5470	38326
2018 й.	49464	10978	13533	12082	3162	11705	5829	35525
2019 й.	50834	11740	14164	12394	3242	11997	5849	37769

2019 йилда ҳудудлар кесимида жисмоний тарбия ва спорт соҳасидаги кадрларнинг энг кўп сони Фарғона (5487та), Тошкент (5184та), Самарқанд (4951та), Қашқадарё (4584та) ва Сурхондарё вилоятларида (4073та) кузатилган бўлишига қарамасдан 2015 йилга нисбатан аксарият ҳудудларда пасайиш тенденцияси кузатилади.

Энг катта камайиш Тошкент шаҳрида, Самарқанд, Наманган, Қашқадарё, Бухоро, Навоий вилоятларида кузатилганлигини 2.2.7-жадвал маълумотларидан кузатиш мумкин.

Жисмоний тарбия ва спорт соҳасидаги кадрлар сонининг қисқариши бевосита соҳадаги таълим даражаси бўйича раҳбарларнинг жами сони 592тага қисқарганлигини ҳам келтириш мумкин, улар жумласидан, олий таълимга эга бўлганларнинг сони 425тага ва ўрта махсус таълимга эга бўлганлар 167тага қисқарганлигини 2.2.7-расм маълумотлари орқали тўлиқ ишонч хосил қилиш мумкин бўлади.


<sup>90</sup> Жисмоний тарбия ва спорт ривожланишининг асосий кўрсаткичлари / Давлат статистика қўмитаси статистика бюллетенининг 2015-2020 йй. бўйича муаллиф томонидан тайёрланган.

**2015-2019 йй. ҳудудлар бўйича жисмоний тарбия ва спорт соҳасидаги кадрлар (киши)<sup>91</sup>**

	2015 йил		2016 йил		2017 йил		2018 йил		2019 йил	
	жами	аёллар	жами	аёллар	жами	аёллар	жами	аёллар	жами	аёллар
<b>Ўзбекистон Респ.</b>	<b>51996</b>	<b>11010</b>	<b>48676</b>	<b>10549</b>	<b>49250</b>	<b>10609</b>	<b>49464</b>	<b>10978</b>	<b>50834</b>	<b>11740</b>
Қорақалпоғистон Республикаси	3560	553	3336	489	3497	544	3687	590	3768	687
Андижон	3746	775	3423	683	3476	752	3773	855	3666	776
Бухоро	3735	941	3507	992	3308	797	3335	794	3308	797
Жиззах	2238	312	2062	188	3497	544	2132	289	2565	303
Қашқадарё	5065	705	4584	688	4324	651	4583	688	4584	698
Навоий	2722	678	2309	650	2461	720	2515	762	2448	740
Наманган	3953	741	3639	801	3683	769	3474	727	3415	698
Самарқанд	5746	1254	5250	1308	4951	1021	4954	1021	4951	1021
Сурхондарё	3930	621	3830	564	3736	619	3736	619	4073	1060
Сирдарё	1722	337	1697	348	1607	333	1751	393	1607	333
Тошкент	3610	1103	3353	826	4366	1186	5123	1505	5184	1397
Фарғона	5359	1044	5158	978	4913	980	5044	999	5487	1348
Хоразм	2795	669	2856	691	2827	693	2649	668	2864	757
Тошкент ш.	3815	1277	3672	1343	2604	1000	2708	1068	2914	1125

2.2.7-расмдаги маълумотларнинг таҳлилига кўра, 2016 йилда жисмоний тарбия ва спорт соҳасидаги раҳбар кадрлар сони кескин қисқарган (647тага) бўлса ҳам, кейинги йилларда ушбу кўрсаткичнинг тобора барқарорлашиши кузатилади. Аммо мазкур кўрсаткичнинг республиканинг ҳудудлари бўйича таҳлилига кўра, энг юқори камайиш Тошкент ш. (-167та), Наманган (-108та), Фарғона (-100та), Андижон (-78та) вилоятлари ва Қорақалпоғистон Республикаси (-73та) ва бшқ. кузатилган.

<sup>91</sup> Жисмоний тарбия ва спорт ривожланишининг асосий кўрсаткичлари / Давлат статистика қўмитаси статистика бюллетенининг 2015-2020 йй. бўйича муаллиф томонидан тайёрланган.



**2.2.7-расм. Спорт-таълим ташкилотларининг таълим даражаси бўйича раҳбарлар (2015-2019 йй./киши)<sup>92</sup>**

Мазкур кўрсаткичларда аянчли ҳолат сифатида олий маълумотга эга бўлган таълим даражаси бўйича раҳбарларнинг сони камайишини ҳам келтириш зарур.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёевнинг Олий Мажлисга қилган Мурожаатномасида 2021 йилда<sup>93</sup> белгиланган барча вазифаларни юқори даражада натижадорлигига эришиш учун барча имкониятлар ва ресурсларни сафарбар қилиниши даркор. Бунинг учун сўнгги йилларда жисмоний тарбия ва спорт соҳасида рўй бераётган туб таркибий ўзгаришларни аниқлаш, айниқса, эришилган натижаларни таҳлил қилиш ва шунинг асосида белгиланган вазифаларнинг юқори сифат даражасида бажарилиши бўйича таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқилиши мақсадга мувофиқ.

Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитасининг маълумотлари асосида амалга оширилган қиёсий таҳлиллардан хулоса қилиш мумкинки, 2019 йилда 2015 йилга нисбатан мамлакатда жами спорт иншоотларнинг сони кўпайган бўлишига қарамасдан вилоятлар кесимида таҳлилларга кўра, барча ҳудудларда бир хил ўсиш тенденцияси

<sup>92</sup> Жисмоний тарбия ва спорт ривожланишининг асосий кўрсаткичлари / Давлат статистика қўмитаси статистика бюллетенининг 2015-2020 йй. бўйича муаллиф томонидан тайёрланган.

<sup>93</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг 3 февраль 2021 йилдаги “2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича ҳаракатлар стратегиясини “Ёшларни қўллаб-қувватлаш ва аҳоли саломатлигини мустаҳкамлаш йили”да амалга оширишга оид Давлат дастури тўғрисида ПФ-6155-сон Фармониغا илова.

кузатилмаган. Хусусан, Жиззах, Тошкент, Самарқанд, Фарғона, Сурхондарё, Сирдарё вилоятларида спорт иншоотларининг сони ўсган бўлса, Қорақалпоғистон Республикаси, Андижон, Бухоро, Қашқадарё, Навоий, Наманган ва Хоразм вилоятларида ушбу кўрсаткич пасайганлиги кузатилади.

Шу билан бирга, жисмоний тарбия ва спорт соҳасидаги жами кадрлар сони камайганлиги кузатилган бўлса, улардан аёллар бўйича бундай кескин камайиш кўрсаткичи кузатилмаган, қисқаришнинг салмоқли улуши эркак кадрлар ҳисобига содир бўлган ва унинг 42,8%и мураббийларга тўғри келган.

Соҳада кадрлар сонининг қисқариши бевосита таълим тизимидаги раҳбарлар сонининг қисқаришига олиб келган. Улар жумласидан, олий таълимга ва ўрта махсус таълимга эга бўлганларнинг сони қисқарганлиги кузатилган. Мазкур кўрсаткичларда аянчли ҳолат сифатида олий маълумотга эга бўлган таълим даражаси бўйича раҳбарларнинг сони камайишини ҳам келтириш зарур. Айниқса Тошкент ш., Наманган, Фарғона ва бшқ. Аммо, кейинги йилларда ушбу кўрсаткичнинг тобора барқарорлашиши кузатилган бўлишига қарамасдан хали ҳам 2016 йил кўрсаткичига эришилмаганлигини кузатиш мумкин.

### **§ 2.3. Ўзбекистонда жисмоний тарбия ва спортни ривожлантиришнинг янги имкониятлари**

Белгилаш зарурки, барча соҳа ва тармоқларнинг самарали фаолияти бевосита молиявий муносабатларга асосланган бўлади ва уларнинг шаффофлик даражаси соҳа ёки тармоқнинг истиқболда ривожланишининг муҳим гарови ҳисобланади. Ушбу борада мамлакатимизда жисмоний тарбия ва спорт соҳасида молиявий муносабатлар мустақилликнинг илк даврларидан бошлаб шакллантирилган ва алоҳида эътибор берилган. Хусусан, давлат бюджетини оқилона сарфланишини таъминлаш, соҳани янада фаол ривожлантириш учун бошқа молиявий манбалардан самарали фойдаланиш имкониятларини яратишга эътибор қаратилган ва айниқса, иқтисодиёти ривожланган мамлакатлар сингари хусусий секторнинг мазкур жараёнларда

фаол иштироки учун барча шароитлар яратилиши соҳадаги соғлом ва адолатли рақобат муҳитини яратишга хизмат қилади.

Энг муҳими соҳанинг янада ривожланиши учун янги имкониятлар, янги йўналишларнинг аниқланиши ҳам иқтисодий ва шу билан бирга ижтимоий самарадорликни таъминлайди. Ушбу муносабатда, Ўзбекистон ҳудудларида асрлар давомида сақланиб келинаётган ва авлоддан-авлодга ўтиб келаётган тарихий қадриятларни сақлаб қолиш, уни ёш авлодни шаклланишига тарғиб қилиш ва шу асосда баркамол авлодларни вояга етказиш муҳим аҳамиятга эга. Шундай тарихий қадриятлардан бири бу ота-боболардан мерос бўлиб келаётган – чавандозликдир.

Асосийси, чавандозлик спорти йўналишда мамлакатдаги бой тажрибани тиклаш, оммалаштириш ва уни ёшларга етказиб бериш муҳим аҳамият касб этади. Шу билан бирга, Ўзбекистонда тарихий қадриятларнинг сақланиши жаҳон ҳамжамиятидаги нуфузининг ортишига ва мамлакатнинг жозибадорлигини янада оширишга хизмат қилади. Бошқа томондан эса, бугунги кунда мамлакат аҳолиси саломатлигини таъминлашга қаратилган яна бир спорт тури сифатида хизмат қилади (2.3.1-расм).


2.3.1-расмдан кўринадики, Ўзбекистонда чавандозлик спортининг ривожланиши қатор ижтимоий ҳамда иқтисодий самарадорликлари кузатилади. Ушбу борада, бошқа қатор устуворликлари сингари айнан иқтисодий самарадорлиги батафсил ўрганилиши чавандозлик спортини мамлакатда янада ривожлантириш заруриятини асослайди.



**2.3.1-расм. Ўзбекистонда чавандозлик спортини ривожлантириш  
устуворликлари<sup>94</sup>**

Фикримизча, мамлакатда чавандозлик спортининг ривожланиши миллий иқтисодиётнинг қатор тармоқ ва соҳаларнинг ривожланишига ижобий таъсир кўрсатади, улар жумласидан, қишлоқ хўжалигининг ривожланиши, чорвачиликнинг ривожланиши ва айниқса, зотдор отлар наслининг кўпайтирилиши, турли хилдаги хизмат кўрсатиш соҳаларининг кўпайиши ва ривожланиши, унинг натижасида аҳолининг иш билан бандлигининг ортиши, янги касб йўналишларнинг жорий қилиниши, ушбу йўналишда амалий илмий-тадқиқотларнинг ривожланиши ва иқтисодий фаолиятнинг пировард натижасида солиқ тушумлари базасининг кенгайиши ва бошқа манфаатлар (2.3.2-расм).

<sup>94</sup> Муаллиф ишланмаси.



**2.3.2-расм. Ўзбекистонда чавандозлик спортини ривожлантиришнинг иқтисодий самарадорлиги<sup>95</sup>**

2.3.1 ва 2.3.2-расмларидан кўриш мумкинки, мамлакатда чавандозлик спортининг ривожлантирилиши ҳам иқтисодий ва ҳам ижтимоий самарадорликларга эга. Хусусан, таҳлилларга кўра, иқтисодий самарадорлик жуда кенг қамровли бўлиб, фикримизча асосий ва устувор иқтисодий самарадорлик бу ёшларнинг иш билан таъминланишидир.

Ушбу жиҳатдан, мамлакат ҳукумати томонидан от спортини ривожлантириш мақсадида амалга оширилаётган ислохотлар натижасида, куйидаги салмоқли натижаларга эришилди.

<sup>95</sup> Муаллиф ишланмаси.



Хусусан, чавандозликни қайта тиклаш ва уни спорт сифатида ривожлантириш учта мустақил спорт турларини ривожлантиришга замин яратди, булар, йилқичилик, бешкураш ва поло спорт турлари.

Мазкур спорт турларининг сўнгги йилларда фаол ривожлантирилиши натижасида қуйидаги асосий натижаларга эришилди:

### **1. Йилқичилик ва от спорти бўйича.**

Сўнгги йилларда республикада от спорти бўйича бўлим ва секциялар сони 8тадан 15тага (1,2 баровар) оширилди ва уларда камрабь олинган спортчилар сони 320 нафардан 544 нафарга (1,7 баравар) етказлди.

Ўтган давр мобайнида 10 нафар тренер малака ошириш курсларида қайта тайёрланиб, янги ташкил этилган спорт секцияларига жалб этилди. Натижада республика бўйича от спорти туридан тренерлар сони 35 нафардан 45 нафарга оширилди.

Шунингдек, 6 нафар ҳакам ва 1 нафар ветеринар Халқаро от спорти федерацияси томонидан ўтказилган халқаро семинарда иштирок этиб, халқаро тоифадаги ҳакам сертификатига эга бўлди.

От спорти бўйича инфратузулмани кучайтириш мақсадида қўшимча 23 дона эгар, 23 дона махсус этик ва 10 дона махсус спорт кийимлари харид қилинди. Натижада мавжуд эгарлар сони 12 донадан 35 донага (5 баробарга) етказилди.

Ушбу муносабатда ўтган қисқа вақт давомида Ўзбекистонда от спорти бўйича 4та нуфузли халқаро мусобақалар ўтказилди. Хусусан, Тошкент вилояти Қибрай туманида жойлашган “Universal Jumping Agro” от спорти клубида от спортининг конкур йўналиши бўйича Жаҳон кубоги саралаш босқичи ва Миллатлар кубоги саралаш босқичи, Челлежер мусобақалари, Узоқ масофага от устида юриш юқори савияда ўтказилди.

Мазкур халқаро мусобақаларда Германия, Голландия, Финляндия, Россия, Беларусь, Эрон, БАА, Украина, Арманистон, Қозоғистон ва Қирғизистон давлатларидан 80 нафарга яқин халқаро тоифадаги спортчилар иштирок этган.

Ўзбекистонда ўтказилган 4та нуфузли халқаро мусобақаларда терма жамоа аъзолари 16дона олтин, 14 дона кумуш ва 14 дона бронза жами 44 дона медалларни қўлга киритишди.

Шунингдек, 2021 йил давомида Россия, Қозоғистон, Испания ва Қирғизистонда бўлиб ўтган 7та нуфузли халқаро мусобақаларда терма жамоа аъзоларининг иштироки таъминланди.

Халқаро мусобақаларда терма жамоа аъзолари 47дона олтин, 51 дона кумуш ва 35 дона бронза жами 133 дона медалларни қўлга киритишди.

Бундан ташқари, республика ва ҳудудий даражадаги жами 40 та мусобақалар ўтказилиб, уларда жами 1,4 минг нафарга яқин спортчилар иштироки таъминланди.

2021 йилнинг ноябрь ойида Антверпен шаҳри (Белгия)да бўлиб ўтган Халқаро от спорти федерациясининг Бош ассамблеясида 2023 йилда Осиё от спорти федерациясининг Бош ассамблеяси Тошкент шаҳрида ўтказилиши белгиланди.

Шу билан бирга, Ўзбекистон йилқичилик ва от спорти федерацияси билан “Авлод Барака” нодавлат нотижорат ташкилоти ўртасида имконияти чекланган болаларга иппотерапия хизматини кўрсатиш бўйича Келишув тузилган. Бугунги кунга қадар 50 нафар кам таъминланган оилаларнинг мия ярим фалажи ва ақлий ривожланиши заиф бўлган фарзандларига ҳафтанинг жума ва шанба кунлари бепул тиббий профилактика ишлари олиб борилди.

## **2. Замонавий бешкураш спорти бўйича.**

2021 йил давомида Тошкент, Андижон вилоятлари ва Тошкент шаҳрида замонавий бешкураш бўйича 7та республика мусобақалари ўтказилиб, мазкур мусобақаларда 2500 нафарга яқин спортчилар иштироки таъминланди.

2021 йил давомида замонавий бешкураш бўйича миллий терма жамоа аъзолари Венгрия, Миср, Қозоғистон, Япония давлатларида ўтказилган 6та нуфузли халқаро мусобақаларда иштирок этиб, 2та кумуш ва 2та бронза медалларини қўлга киритди.

Бугунги кунда Тошкент шаҳри, Андижон, Қашқадарё, Самарқанд, Сурхондарё ва Тошкент вилоятларида замонавий бешкураш бўйича бўлим ва секциялар сони 1тадан 11 тага (10 баробарга) оширилди ва уларда қамраб олинган спортчилар сони 10 нафардан 265 нафарга (20 баробарга) етказилди. Ўтган давр мобайнида 17 нафар тренерлар халқаро малака ошириш курсларида қайта тайёрланиб, улардан 10 нафари халқаро даражадаги сертификатга, шунингдек, 1 нафар ҳакам 3 даражадаги халқаро ҳакамлик мақомига эга бўлди.

Терма жамоа аъзоларини нуфузли халқаро мусобақаларга муносиб тайёрлаш учун 2 нафар россиялик хорижий тренерлар жалб қилинган.

Замонавий бешкураш спорт тури бўйича инфратузилмани кучайтириш мақсадида жорий йилда халқаро талабга жавоб берадиган 20 дона комплект лазер пистолетлари ва нишонлари, 20 дона комплект қиличбозлик билан шуғулланиш учун спорт формаси ва инвентарлар харид қилинди.

Худудларда ёшлар ўртасида жами 410 та мусобақалар ва 229та ўқув-йиғин машғулотлари ташкил этилди. Мазкур тадбирларга 350 мингдан зиёд ёшлар жалб қилинди. Ёшларни от спортига кенг жалб қилиш ва от спортини оммалаштириш мақсадида от спорти турлари бўйича қўшимча 92та секциялар ташкил этилиб, 159тага (2,4 баробарга) етказилди. Натижада, шуғулланувчилар сони 1194 нафардан 2980 нафарга (2,5 баробарга) ортди.

### **3. Поло спорти бўйича.**

2021 йил давомида Тошкент шаҳрида 8 та, фарғона вилоятида 2та, Жиззах, Тошкент, Андижон, Қашқадарё ва Бухоро вилоятларида 1тадан жами 15 та профессионал поло клублари ташкил этилди.

Мазкур клублар 100 нафардан ортиқ спортчилар, 35 нафар тренер ва 5 нафар ҳакамлар фаолият олиб бормоқда.

Ўзбекистон поло федерацияси Марказий Осиё давлатлари орасида биринчи бўлиб Халқаро поло федерациясига расмий аъзоликка қабул қилинди.

Жорий йилда Тошкент шаҳри ва вилоятида поло бўйича бта Республика мусобақалари ўтказилиб, мазкур мусобақаларда 200 нафардан ортиқ спортчилар иштироки таъминланди.

Халқаро поло федерацияси ташаббуси билан ташкил этилган 4 марта халқаро семинарларда республикаимиз 50 нафардан зиёд спортчилар, ҳакамлар ва тренерларга замонавий поло қоидалари ўқитилди.

Терма жамоа аъзоларини нуфузли халқаро мусобақаларга муносиб тайёрлаш мақсадида франциялик тренер Камал Зири жалб қилинди.

Амалга оширилаётган ислохотлар ва уларнинг натижалари асосида от спортини янада ривожлантириш мақсадида яқин истиқболда қуйидаги ишларни амалга ошириш мақсадга мувофиқ:

- ветеринария медецина институтида йилқичиликка ихтисослашган ветеринария шифокорлари ва зоотехникаларини тайёрлаш бўйича бакалаврият таълим йўналишини очиш ва уларга малакали хорижий профессор-ўқитувчиларни жалб қилиш;

- от спорти билан боғлиқ бўлган спорт турлари бўйича миллий ва халқаро мусобақаларни Ўзбекистонда ўтказишни ташкил этиш, бунинг учун Тошкент вилоятини айнан от спортига ихтисослаштириш ва шунга мос инфратузулмаларни шакллантириш.

Бугунги кунга қадар мамлакатда чавандозлик спортини ривожлантириш ва унга ёшларни фаол жалб қилиш мақсадида Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳрида от спорти турларига ихтисослаштирилган болалар-ўсмирлар спорт мактаблари хатловлари ўтказилди, чавандозлар мактаблари ва уларнинг туман (шаҳар) секциялари фаолиятига оид минимал талаблар ва жиҳозлаш меъёрлари ишлаб чиқилди.

Амалга оширилган таҳлиллар асосида белгилаш зарурки, фикримизча, от спортнинг барча турларини ривожлантиришда давлат бюджетининг харажатлар қисмига ортиқча юк келтириб чиқармаслик мақсадида, уни ривожлантириш учун давлат-хусусий шерикчилик механизмлари асосида

ривожлантириш мақсадга мувофиқ. Бунда, хусусий шерикка маҳаллий давлат ҳокимияти органлари томонидан белгиланган тартибда бепул фойдаланиш асосида бино ва иншоотларнинг ажратилиши ҳамда мусобақаларни ташкил этишда муҳим аҳамият касб этади. Тадбиркор эса, спортни ривожлантиришда қолга барча ташкилий вазифаларни ўз зиммасига олиши мумкин.

## **2 боб бўйича хулоса**

Жисмоний тарбия ва спортнинг иқтисодиётдаги роли ва аҳамиятини тадқиқ этиш борасида амалга оширилган изланишлардан келиб чиқиб хулоса қилиш мумкинки, бугунги кунда спорт халқаро ташкилотлар, мутахассислар ва олимлар томонидан, иқтисодиётни ривожлантиришнинг самарали воситаларидан бири сифатида тан олинганлиги муҳим аҳамият касб этади.

Бундан хулоса қилиш мумкинки, моддий бойликларни яратишдан ташқари спорт, моддий бойликларга таълуқли бўлмаган бойликларни ҳам яратади ва улар бевосита ёки билвосита иқтисодий ўсишга кўмаклашади ва унинг пойдеворларидан бири сифатида хизмат қилади.

Жисмоний тарбия ва спортнинг тадбиркорлик фаолиятига таъсир кўрсатиши ҳам алоҳида аҳамият касб этади ва бугунги кунда спорт соҳасида тадбиркорликнинг шиддат билан ривожланаётганлигини кузатиш мумкин ва бунинг асосини бир нечта омиллар ташкил этади. Хусусан, соҳада мулкдорларнинг кўпайиши ва натижада соҳанинг инвестицион жозибардорлигининг ортиши, спорт саноати ва хизмат кўрсатишининг шаклланиши ва ривожланишига асос солди.

Жисмоний тарбия ва спорт соҳасида сўнгги йилларда мамлакатда амалга оширилаётган таркибий ўзгаришлар бўйича амалга оширилган тадқиқотлар асосида қуйидаги хулосалар шакллантирилди:

1. 2015-2019 йй. республика бўйича спорт иншоотларнинг сони 717тага, шунингдек, қишлоқларда 149тага кўпайганлиги намоён бўлди.

Республика миқёсида спорт иншоотларининг сони жихатидан ўсиш тенденцияси кузатилса ҳам, вилоятлар кесими бўйича таҳлилларга кўра, барча ҳудудларда бир хил ўсиш тенденцияси кузатилмаган. Масалан, Жиззах, Тошкент, Самарқанд, Фарғона, Сурхондарё, Сирдарё вилоятларида спорт иншоотларининг сони жами 1528тага кўпайган бўлса, Қорақалпоғистон Республикаси, Андижон, Бухоро, Қашқадарё, Навоий, Наманган ва Хоразм вилоятларида жами 811тага спорт иншоотлари камайиши кузатилган, уларнинг асосий қисмини спорт майдончалари ташкил этган (1016тага камайган).

Ўз навбатида, спорт иншоотларининг сони кўпайиши бевосита уларнинг қабул қилиш қувватининг ошишига ҳам ижобий таъсир кўрсатган. Хусусан, 2019 йилда 2015 йилга нисбатан ушбу кўрсаткич 154650тага ўсган ва 1 кунда жами 2136825 кишини қабул қилиш қувватига эришилган. Шунингдек, қишлоқларда ҳам спорт иншоотларнинг қабул қилиш қуввати 96401тага ўсган.

Мамлакатда жисмоний тарбия ва спортнинг ривожланишига бевосита спорт-таълим муассасалари ўзига хос ролга эга. Таҳлил даврида спорт-таълим муассасаларнинг сони камайиш тенденцияси ҳам кузатилган, жумладан, 2019 йилда 2015 йилга нисбатан уларнинг сони 286тага ёки 53,6%га камайган. Ўз навбатида, ҳудудлар кесимидаги таҳлилларга кўра, камайиш кўрсаткичлари барча вилоятларда кузатилади.

2. 2015-2019 йй. жисмоний тарбия ва спорт соҳасидаги кадрлар сони 1162тага камайганлиги кузатилган бўлса ҳам унда аёлларнинг сони 730тага ортганлиги кузатилган, демак, қисқаришнинг салмоқли улуши эркак кадрлар ҳисобига содир бўлган. Шунингдек, мазкур қисқаришларнинг 42,8%и мураббийларнинг улушига тўғри келган.

Жисмоний тарбия ва спорт соҳасидаги кадрлар сонининг қисқариши бевосита соҳадаги таълим даражаси бўйича раҳбарларнинг жами сони 592тага қисқарганлигини ҳам келтириш мумкин, улар жумласидан, олий таълимга эга бўлганларнинг сони 425тага ва ўрта махсус таълимга эга

бўлганлар 167тага қисқарган. Мазкур кўрсаткичнинг ҳудудлар бўйича таҳлилига кўра, энг юқори камайиш Тошкент ш., Наманган, Фарғона, Андижон вилоятлари, Қорақалпоғистон Республикаси ва бшқ. ҳудудларда кузатилган. Мазкур кўрсаткичларда аянчли ҳолат сифатида олий маълумотга эга бўлган таълим даражаси бўйича раҳбарларнинг сони камайишини ҳам келтириш зарур, айниқса, Тошкент ш. (-140та), Наманган (-80та), Фарғона (-69та) ва бшқ.

Соҳада кадрлар сонининг қисқариши бевосита таълим тизимидаги раҳбарлар сонининг қисқаришига олиб келган, улар жумласидан, олий таълимга ва ўрта махсус таълимга эга бўлганларнинг сони қисқарганлиги кузатилган. Мазкур кўрсаткичларда аянчли ҳолат сифатида олий маълумотга эга бўлган таълим даражаси бўйича раҳбарларнинг сони камайишини ҳам келтириш зарур. Айниқса Тошкент ш., Наманган, Фарғона ва бшқ. Аммо, кейинги йилларда ушбу кўрсаткичнинг тобора барқарорлашиши кузатилган бўлишига қарамасдан хали ҳам 2016 йил кўрсаткичига эришилмаганлигини кузатиш мумкин.

Фикримизча, Жисмоний тарбия ва спорт университети талабаларининг амалий кўникмаларини янада ошириш ва тажрибаларини ошириш мақсадида, уларга ўриндошлик асосида меҳнат қилишга рухсат бериш ва уларга давлат ташкилотлари ва муассасаларида меҳнат қилиш имкониятларини яратиш таклиф этилади. Хусусан, олийгоҳлар атрофидаги мактаб ва боғчаларда минглаб вакант иш ўринлари мавжудлиги, кўплаб талабаларни улар учун жойлашуви қулай бўлган мактаб ва мактабгачан таълим муассасаларга ишга жойлаштириш мумкин. Бунинг учун, олий таълим муассасаларида жисмоний тарбия ва спорт фаолияти йўналишида таълим олаётган талабаларга ойлик иш ҳақи тўлаб бориш асосида ўқитувчиси ёки тренерлик фаолияти билан шуғулланишга рухсат бериш имкониятларини аниқлаш мақсадга мувофиқ.

Ўзбекистон ҳудудларида асрлар давомида сақланиб келинаётган ва авлоддан-авлодга ўтиб келаётган тарихий қадриятларни сақлаб қолиш, уни ёш авлодни шаклланишига тарғиб қилиш ва шу асосда баркамол авлодларни

вояга етказиш муҳим аҳамиятга эга. Шундай тарихий кадриятлардан бири бу ота-боболардан мерос бўлиб келаётган – чавандозликдир.

Ушбу жиҳатдан, мамлакат ҳудудларида чаванзозлик спортини ривожлантириш таклиф этилади ва унинг кўплаб иқтисодий самарадорликларини ҳам келтириш мумкин, хусусан, турли хилдаги хизмат кўрсатишларнинг кўпайиши, ёшларнинг иш билан бандлик масаласининг ҳал бўлиши, солиқ тушумлари базасининг кенгайиши ва бошқалар.

Шу билан бирга мазкур спортнинг ривожланиши мамлакатда ҳам ички ҳам ташқи туризмни ривожланишига муносиб ҳисса қўшиш имкониятга эга. Яъни, маҳаллий ва хорижий туристларнинг дам олишини ташкил қилиш учун зарур инфратузилма объектларини барпо этиш мумкин. Улар жумласидан, отларда сайирлар ташкил этиш каби янги хизмат турларини келтириш мумкин.

Ўз навбатида, ушбу спорт турини ташкил этишда давлат бюджетига ортиқча юк келтириб чиқармаслик мақсадида, уни давлат-хусусий шерикчилик механизмлари асосида ривожлантириш таклиф этилади. Бунда, хусусий шерикка маҳаллий давлат ҳокимияти органлари томонидан белгиланган тартибда бепул фойдаланиш асосида бино ва иншоотларнинг ажратилиши муҳим аҳамият касб этади.



## **III БОБ. ЖИСМОНИЙ ТАРБИЯ ВА СПОРТ МУАССАСАЛАРИДА САМАРАЛИ МОЛИЯВИЙ МУНОСАБАТЛАРНИ ЖОРИЙ ЭТИШ ЙЎЛЛАРИ**

### **§ 3.1. Спорт муассасаларини давлат-хусусий шерикчилиги асосида молиялаштиришни ривожлантириш**

Ҳар бир мамлакатда ижтимоий инфратузулмаларни ривожлантиришда молиялаштириш масалалари энг мураккаб масалалардан бири ҳисобланади. Бунда энг асосий муаммолардан бири, бу ресурсларнинг чекланганлиги, бошқарув тизимининг турли хиллиги ва мавжуд ресурсларни самарали тақсимлашни ва оқилона фойдаланишни талаб этади. Буларнинг барчаси давлат бошқарувининг янги инструментлари, шакллари ва усуллари излаб топишни талаб қилади. Мазкур масалаларнинг кенг қамровли ва юқори самарадорликга асосланган ечимларидан бири бу – Давлат хусусий шерикчилик (ДХШ) муносабатлари ҳисобланади.

Бугунги кунда олимлар томонидан ДХШ мавзусига бағишланган кўплаб тадқиқотлар амалга ошириб келинмоқда ва улар қаторида жисмоний тарбия ва спорт соҳасида ДХШ муносабатларини ташкил қилиш, ривожлантириш ва такомиллаштириш масалаларига бағишланган илмий тадқиқотлар мавжудлиги кузатилади (3.1.1-жадвалга қаранг).

ДХШнинг иқтисодий моҳияти ва самарадорлигини аниқлаш бўйича амалга оширилган тадқиқотлар асосида белгилаш мумкинки, кўплаб мамлакатларда ДХШ муносабатлари асосан ижтимоий, транспорт ва коммунал соҳаларда ташкил этилганлиги кузатилади (3.1.1-расмга қаранг).


**Жисмоний тарбия ва спортни ривожлантиришда  
ДХШни тадқиқ этган олимлар<sup>96</sup>**

Т/р	Соҳада ДХШни тадқиқ этган олимлар	Тадқиқот натижалари ва ёндашувлари
1.	А.П.Косинцев, Д.А.Обожина <sup>103</sup>	ДХШнинг жисмоний тарбия ва спорт соҳасига инвестицияларни жалб қилишнинг самарали усулларида бири сифатида эътироф этилган.
2.	Т.Е.Мельник <sup>104</sup>	Жисмоний тарбия ва спорт соҳасида ташкил этилган ДХШ муносабатларида юзага келадиган муаммолар тўғрисида ўрганилган ва унинг ривожланиши маълум ҳудуднинг ижтимоий сиёсати масалаларига бевосита боғлиқлиги асослаб берилган.
3.	В.И.Косогоорцев, О.А.Моисеева <sup>105</sup>	Соҳада ДХШни ташкил этишни амалга оширишнинг моделлари тақлиф этилган ва спорт ташкилотларида нафақат иқтисодий самарадорлиги, балки, ижтимоий самарадорлиги асосланган.
4.	О.И.Ларина <sup>106</sup>	Давлат томонидан хусусий инвесторларни қўллаб-қувватлаш бўйича қўлланиладиган механизмларни тизимлаштириш ва умумлаштириш амалга оширилган бўлиб асосий мақсад мамлакатнинг, ҳудуднинг ижтимоий вазифалари ва хусусий инвестициялар ўртасида ўзаро балансини таъминлаш ўрганилган.

ДХШнинг бевосита жисмоний тарбия ва спорт соҳасида амалга оширилиши натижасида иқтисодий самарадорликлари давлат бюджети ҳисобига турли хилдаги тадбирлар молиялаштирилишининг қисқартирилиши; ижтимоий аҳамиятдаги тадбиркорлик фаолиятининг ривожланиши; янги соҳа ва тармоқларнинг пайдо бўлишига асос солинади; янги иш ўринларнинг яратилиши; давлат бюджетига солиқ манбаалари ва тушумларининг кўпайишида намоён бўлади.

Бугунги кунда бутун дунёда ДХШ механизмларидан кенг фойдаланган ҳолда ижтимоий инфратузулма объектларини қуриш кенг тарқалган ва хорижий мамлакатларда ДХШ муносабатлари энг кўп ташкил этилган соҳаларнинг таҳлиллари асосида хулоса қилиш мумкин. Мамлакатнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланиш даражасидан келиб чиқилган ҳолда ДХШ муносабатларининг устувор йўналишлари танланади.

<sup>96</sup> Илмий адабиётларни ўрганиш асосида муаллиф томонидан тузулди.



**3.1.1-расм. Жаҳонда ДХШ энг кўп қўлланиладиган соҳалар<sup>97</sup>**

Илмий манбааларга кўра, ДХШ Буюкбритания ҳукуматининг ташаббуси билан 1990 йилларда “Давлат мулкани бошқаришга хусусий секторни жалб қилиш” янги концепцияси асосида пайдо бўлган. Кейинчалик мазкур концепция дунёнинг кўплаб мамлакатларида турли кўринишларда кенг фойдаланилган<sup>98</sup>.

Масалан, АҚШда ДХШ бу – давлат муассасалари ва хусусий сектор билан шартнома асосидаги келишув бўлиб, мазкур келишув доирасида икки томоннинг бошқарув тажрибалари ва активлари хизмат кўрсатиш ёки объектни қуришга мўлжалланади. Мазкур ҳамкорликнинг асосий мақсади, икки томоннинг ресурсларидан фойдаланиш ва шу билан бирга юзага келадиган рисклар ва даромадларни тақсимлаш ҳисобланади<sup>99</sup>.

Канадада ДХШ жисмоний тарбия ва спорт соҳасида кўп ҳолларда бундай келишувлар ўз таркибида инфратузулма объектларини

<sup>97</sup> Илмий тадқиқотлар асосида муаллиф ишланмаси.

<sup>98</sup> Попондопулов В.Ф., Шевелева Н.А. Публично-частное партнерство в России и за рубежом: правовые аспекты. М. 2015. С.2-3.

<sup>99</sup> АҚШнинг Давлат ва хусусий шеркичилик бўйича Миллий Кенгашининг расмий сайти / // URL: <http://www.ncppp.org/>.

молиялаштириш, лойихалаштириш, қурулиш, фойдаланиш ва техник хизмат кўрсатишга асосланган бўлади<sup>100</sup>.

Амалга оширилган тадқиқотларнинг кўрсатишича, Европада спорт соҳасида ДХШ муносабатлари фақат жисмоний тарбия ва спорт иншоотларини қуриш ёки таъмирлаш лойиҳаларида ташкил этилмаган бўлиб балки, бошқа турлари ҳам ривожланган. Жумладан, Буюкбританияда спорт соҳасида мутахассисларни тайёрлаш тизими йўлга қўйилган. Хусусан, профессионал спорт мутахассисларини, яъни, таълим ва спорт соҳаси уйғунлигидаги лойиҳалар ривожланган. Бундай лойиҳаларда спорт буюмларини ишлаб чиқарувчи компаниялар ҳам иштирок этишади, масалан, Франция, Германия, Греция, Италия ва Португалия каби мамлакатларда кузатилади<sup>101</sup>.

2012 йилда Лондонда ўтказилган Олимпия Ўйинлари спорт соҳасида илк бора ташкил этилган ДХШнинг яққол мисоли бўла олади, зеро бутун тадбир ДХШ муносабатлари асосида ташкил этилган ва ўтказилган. Улар жумласидан, технологиялардан фойдаланиш, тадбирларни ташкил этиш ва бошқариш, лойиҳани бошқариш, ОАВлар билан ишлаш, спорт иншоотларини қуриш ва бошқалар ўрин олган. Белгилаш лозимки, ДХШ муносабатлари шунингдек, транспорт, меҳмонхона объектлари, умумий овқатланиш ва хизмат кўрсатишнинг бошқа соҳаларида ҳам кузатилган.

Таҳлил натижаларига кўра, Европа мамлакатларида ДХШ муносабатлари спорт соҳасида спорт иншоотларини қуриш ёки таъмирлаш билан чекланмайди, балки, унинг доираси янада кенг олинади. Масалан, Буюкбританияда ДХШ муносабатлари асосида спорт соҳасида мутахассисларни тайёрлаш йўлга қўйилган, шу жумладан, профессионал спортчиларни ҳам тайёрлаш. Шунда ҳамкорликда нафақат давлат ва хусусий сектор вакиллари балки, олий таълим муассасалари ҳам иштирок этишади.

---

<sup>100</sup> Канаданинг Давлат ва хусусий шеркичилик бўйича Миллий Кенгашининг расмий сайти // URL:<http://www.pppcouncil.ca/>

<sup>101</sup> <http://sportfiction.ru/articles/gchp-v-sporte-zarubezhnyy-opyt-i-perspektivy-v-rossii/>

Албатта, бундай лойиҳаларда спорт маҳсулотларини ишлаб чиқарувчи корхоналар ҳам фаол иштирок этишади.

ДХШнинг иқтисодий ва ижтимоий моҳиятини очиб беришга бағишланган кўплаб маҳаллий ҳамда хорижий олимлар томонидан илмий тадқиқотлар амалга оширилган бўлишига қарамасдан, айнан жисмоний тарбия ва спорт соҳасида ДХШнинг молиявий муносабатлари масалалари тўлиқ тадқиқ этилмаган муаммолардан бири ҳисобланади.

В.А.Кабашкиннинг фикрига кўра, ДХШ иштирокида молиялаштириш механизмларини ишлаб чиқишда лойиҳани амалга оширишда даставвал концессион келишувни асосий модель сифатида кўриб чиқиш мақсадга мувофиқ<sup>102</sup>. Мазкур моделга кўра, хусусий инвестор ўз ҳисобидан спорт иншоотларини қуради ёки реконструкция қилади ва тадбиркорлик фаолиятини амалга оширади, фойдаланиш ёки эгалик қилиш ҳуқуқини олган ҳолда. Лекин шу билан бирга эгалик ҳуқуқи давлат томонидан сақланиб қолади. Демакки, мазкур модель жисмоний тарбия ва спорт соҳасида ўзига хос бўлган рискларни камайтириш имкониятини беради ва хусусий инвесторга қонунчилик доирасида давлат қаролатларини беради.

Ўзбекистонда ДХШнинг жорий қилинганлигига кўп вақт бўлмаган бўлса ҳам бугунги кунда жисмоний тарбия ва спорт соҳасида ДХШ механизмларидан фойдаланиш учун кенг имкониятлар яратилмоқда. Масалан, «Давлат-хусусий шериклик тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунида ДХШ соҳасида ягона давлат сиёсатини амалга оширишни таъминлаш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 26 апрелда 259-сонли “Давлат-хусусий шериклик лойиҳаларини амалга ошириш тартибини такомиллаштириш тўғрисида” қарори<sup>103</sup> қабул

---

<sup>102</sup> Кабашкин В.А. Государственно-частное партнерство: международный опыт и российские перспективы. М.: ООО «МИЦ», 2010. 117 с.

<sup>103</sup> [https://nrm.uz/contentf?doc=621626\\_o%E2%80%98zbekiston\\_respublikasi\\_vazirlar\\_mahkamasining\\_26\\_04\\_2020\\_y\\_259-son\\_davlat-hususiyy\\_sheriklik\\_loyihalarini\\_amalga\\_oshirish\\_tartibini\\_takomillashtirish\\_to%E2%80%98g%E2%80%98risidagi\\_qarori&products=1\\_vse\\_zakonodatelstvo\\_uzbekistana](https://nrm.uz/contentf?doc=621626_o%E2%80%98zbekiston_respublikasi_vazirlar_mahkamasining_26_04_2020_y_259-son_davlat-hususiyy_sheriklik_loyihalarini_amalga_oshirish_tartibini_takomillashtirish_to%E2%80%98g%E2%80%98risidagi_qarori&products=1_vse_zakonodatelstvo_uzbekistana)

қилинди ва унда ДХШнинг қуйидаги жиҳатлари акс эттирилган: ДХШ лойиҳаларини дастлабки баҳолаш тартибини белгилаш; ДХШ лойиҳасининг концепциясини тайёрлаш; ДХШ лойиҳаларининг амалга оширилиши тўғрисидаги ҳисоботни юритиш; ДХШ лойиҳаларининг реестрини юритиш.

Жисмоний тарбия ва спорт соҳасида ДХШ учун қулай шароитлар яратиш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 28 мартдаги 248-сонли қарорда ДХШни янада ривожлантиришнинг асосий йўналишлари сифатида илғор халқаро тажрибани ҳисобга олган ҳолда, жисмоний тарбия ва спорт билан шуғулланиш учун инновацион шакллар, услублар ва замонавий технологиялардан фойдаланиш асосида жисмоний тарбия ва спорт соҳасида самарадорлик ва натижадорликни ошириш белгиланган<sup>104</sup>.

Ушбу жиҳатдан бевосита собиқ Ўзбекистон Республикаси Жисмоний тарбия ва спорт вазирлигига қуйидаги вазифалар юклатилди:

- ДХШ субъектларининг фаолиятини янада ривожлантиришга оид асосий йўналишлар ва вазифаларни ҳисобга олган ҳолда пулли спорт тўғараклари, секциялари ва бошқа спорт-соғломлаштириш тадбирларини ташкил этиш орқали Спорт иншоотларидан самарали ва оқилона фойдаланиш чора-тадбирлари режасини ишлаб чиқиш;

- замонавий АКТлари ҳамда оммавий ахборот воситаларидан фойдаланган ҳолда, ДХШ асосида тақдим этиладиган спорт иншоотлари тўғрисида манфаатдор жисмоний ҳамда юридик шахсларни кенг хабардор қилиш;

- спорт иншоотларининг намунавий штатларини;

- спорт иншоотларидан фойдаланганлик учун ижара тўловлари ставкаларини ҳисоб-китоб қилиш методикаси тўғрисида, жумладан, биринчи навбатда, ДХШ асосида ташкил этилган субъектларга муайян имтиёзлар бериш назарда тутилган низомни;

---

<sup>104</sup> <https://lex.uz/docs/3603997>

- соғломлаштириш хизматларини кўрсатиш фаолияти билан шуғулланадиган юридик шахсларга давлат мулки бўлган ва фойдаланилмаётган бинолар, объектлар ҳамда иншоотларнинг ДХШ шартлари асосида, белгиланган тартибда сотилишини таъминлаш.

Мамлакатда ДХШ соҳасидаги муносабатларни тартибга солиш мақсадида 2019 йил 10 майда ЎРҚ-537-сонли Ўзбекистон Республикасининг “Давлат-хусусий шериклик тўғрисида” Қонуни<sup>105</sup> қабул қилинди. Қонуннинг 10-моддасида ДХШ бўйича давлатнинг асосий сиёсат йўналишлари кўрсатилган, улар жумласидан, ДХШ соҳаси бўйича давлат дастурларини ишлаб чиқиш, инфратузилмани шакллантиришга, давлат хизматлари сифатини яхшилаш ва хусусий секторни ҳамда хорижий инвестицияларни жалб этиш ва бшқ.

Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 26 апрелдаги “Давлат-хусусий шериклик лойиҳаларини амалга ошириш тартибини такомиллаштириш тўғрисида”ги 259-сонли қарорига<sup>106</sup> асосан, вазирлик тасарруфидаги барча спорт таълим муассасаларининг бўш ер майдон ва бино иншоотлари хатловдан ўтказилиб, республика бўйича жами 120 та бўш ер майдонлари ва бинолари рўйхати шакллантирилган ва улар вазирликнинг расмий веб-сайтига ҳамда бошқа оммавий ахборот воситаларида жойлаштирилди. Бунинг натижасида, ташаббускор-тадбиркорлар томонидан спорт иншоотларни ДХШ асосидан куриш учун 20та мурожаатлар келиб тушди ва уларнинг 11таси бўйича ДХШ лойиҳа баҳолаш хужжатлари, концепцияси кўриб чиқилмоқда.

2020 йил якунига қадар республикада 140,0 млрд. сўм, 370та истиқболли лойиҳалар кредит маблағлари ҳисобидан амалга оширилган. Улар жумласидан, Қорақалпоғистон Республикасида жами 7,2 млн. сўмлик 22та, Андижонда 15,1 млн. сўмлик 32та, Бухорода 1,9 млн. сўмлик 12та, Жиззахда 7,3 млн. сўмлик 19та, Қашқадарёда 9,9 млн. сўмлик 47та, Навоийда 3,1 млн.

---

<sup>105</sup> <https://lex.uz/docs/4329270>

<sup>106</sup> <https://lex.uz/docs/4798603>

сўмлик 8та, Наманганда 11,9 млн. сўмлик 21та, Самарқандда 36,8 млн. сўмлик 28та, Сурхондарёда 6,5 млн. сўмлик 29та, Сирдарёда 2,8 млн. сўмлик 12та, Тошкент вилоятида 17,5 млн. сўмлик 18та, Фарғона вилоятида 4,2 млн. сўмлик 15та, Хоразмда 11,1 млн. сўмлик 91та ва Тошкент шаҳрида 4,3 млн. сўмлик 10та соғломлаштириш ва спорт иншоотлари барпо этилган.

Ушбу лойиҳаларни белгиланган муддатларда амалга ошириш мақсадида 2020-2021 йй. республика бўйича жами 205та ташаббускорлар томонидан имтиёзли кредит маблағлари ҳисобидан спорт иншоотларини барпо этиш истаги билдирилган<sup>107</sup>.

Жисмоний тарбия ва спорт соҳасида тадбиркорликни ҳамда хусусий секторни янада ривожлантириш, аҳолига кўрсатиладиган спорт-соғломлаштириш хизматлари сифатини яхшилаш, жисмоний тарбия ва спорт соҳасида ДХШ учун қулай шароитлар яратиш мақсадида Вазирлар Маҳкамасининг “Жисмоний тарбия ва спорт соҳасида тадбиркорликни ҳамда хусусий секторни ролини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори лойиҳаси тайёрланиб, Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳасини ишлаб чиқиш ва келишишнинг ягона электрон тизимига киритилган ҳамда белгиланган тартибда вазирлик ва идоралар билан ишлар ташкил этилган<sup>108</sup>.

Мазкур қарор лойиҳасига асосан 2021 йилда ДХШ шартлари асосида давлат спорт муассасаларига қарашли 101та сузиш ҳавзалари (бассейнлар), 262та стадион ва футбол майдончаларининг фаолияти турини ўзгартирмаслик шарти билан тадбиркорлик субъектларига бериш ҳамда давлат спорт муассасаларининг 110та бўш ер майдонларида спорт иншоотларини қуриш режалаштирилган.

---

<sup>107</sup> <https://m.kun.uz/news/2020/06/06/ozbekistonda-xalqaro-moliya-institutlari-va-xorijiy-banklarning-puli-hisobidan-sport-inshootlari-barpo-etiladi>

<sup>108</sup> <https://lex.uz/docs/5077667> Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 30 октябрдаги “Соғлом турмуш тарзини кенг татбиқ этиш ва оммавий спортни янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-6099-сон фармони.



Амалга оширилган тадқиқотлар асосида хулоса қилиш мумкинки, ДХШни иқтисодиётда ривожлантириш муаммоларига бағишланган кўплаб илмий тадқиқотлар амалга оширилган бўлишига қарамасдан, унинг айнан молиявий муносабатлари масалалари тўлиқ тадқиқ этилмаган ва ўз ечимини кутаётган илмий муаммолардан бири ҳисобланади.

### **§ 3.2 Жисмоний тарбия ва спорт муассасаларида киберспортни молиялаштиришни такомиллаштириш**

Бутун дунёда бўлгани каби Ўзбекистонда ҳам спортнинг ранг-баранг ва хилма-хил турлари ташкил этилиши билан бирга, ривожланиб бормоқда. Хусусан киберспорт жаҳонда пайдо бўлганлигига ҳали унча кўп вақт бўлганиги йўқ. Аммо кейинги пайтларда ушбу спорт турига катта эътибор қаратилиб, шаклланиб бормоқда. Ҳудди шу ҳолат мамлакатда ҳам изчил амалга оширилмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёев Олий Мажлисга қилган Мурожаатномада, 2020 йил “Илм, маърифат ва рақамли иқтисодиётни ривожлантириш йили” деб номлаб: “Мамлакатда илм-фанни янада раванк топтириш, ёшларимизни чуқур билим, юксак маънавият ва маданият эгаси этиб тарбиялаш, рақобатбардош иқтисодиётни шакллантириш борасида бошлаган ишларимизни жадал давом эттириш ва янги, замонавий босқичга кўтариш, рақамли билимлар ва замонавий ахборот технологияларини эгаллашимиз зарур ва шарт” деб белгилаганлар<sup>109</sup>.

“Юртимиз “Халқаро ахборот коммуникация технологияларини ривожлантириш индекси” бўйича 2019 йилда 8 поғонага кўтарилган бўлса-да, ҳали жуда ҳам орқадамиз. Аксарият вазирлик ва идоралар, корхоналар рақамли технологиялардан мутлақо йироқ, десак, бу ҳам ҳақиқат”<sup>110</sup>.

“Албатта, рақамли иқтисодиётни шакллантириш керакли инфратузилма, кўп маблағ ва меҳнат ресурсларини талаб этишини жуда яхши биламиз.

---

<sup>109</sup> <https://president.uz/lists/view/3315>

<sup>110</sup> Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси 2020 йил 24 январь. Халқ сўзи газетаси 25 январь 2020 йил.

Бироқ, қанчалик қийин бўлмасин, бу ишга бугун киришмасак, қачон киришамиз?! Эртага жуда кеч бўлади. Шу боис, рақамли иқтисодиётга фаол ўтиш – келгуси 5 йилдаги энг устувор вазифаларимиздан бири бўлади”<sup>111</sup>.

Маълумки, жаҳон иқтисодиётининг бугунги кунда жадал ривожланиш тенденцияларига кўра, рақамлаштириш жараёнлари спорт соҳасига ҳам фаол кириб бормоқда, шу сабаб, соҳанинг истиқболдаги фаолиятини рақамли технологияларсиз тасаффур этиш ўта мураккаб.

Рақамли технологиялар нафақат спорт ва у билан боғлиқ жараёнларда фаол қўлланилмоқда, балки, рақамли технологиялар асосида бугунги кунда спортнинг янги тури пайдо бўлган – киберспортдир.

Амалга оширилган тадқиқотлар асосида белгилаш керакки, киберспортнинг турли манбааларда талқини бир хил эмаслиги кузатилган, масалан, айрим манбааларда киберспорт бу компьютер спорти деб номланган, айримларида, электрон спорт деб номланган. Ушбу жиҳатдан киберспортнинг моҳияти, унинг назарий асосларининг таҳлиллари асосида унга қуйидагича муаллифлик ёндашуви таклиф этилди: “киберспорт бу – жамоавий ёки яккаҳон тарзда компьютер дастурлари асосида яратилган ўйинлар асосида амалга ошириладиган мусобақа”.

Бугунги кунда киберспорт ҳам иқтисодиётнинг кўплаб тармоқларни ривожлантиришга бевосита ижобий таъсир кўрсатиши аниқланган.

Бунда иқтисодий самарадорликлар сифатида, кўшимча янги ишчи ўринларининг кўпайиши, хизмат кўрсатувчи компаниялар сонининг ортиши, айниқса, чакана савдо тармоқлари ҳамда реклама фаолиятларининг ривожланиши ва бошқаларни келтириш мумкин.

Қайд этиш лозимки, бугунги кунда киберспортнинг яқин истиқболларда ривожланиши ҳамда унинг иқтисодий ва ижтимоий самарадорликлари бўйича кўплаб илмий тадқиқотлар ҳамда амалий таҳлиллار нуфузли ва дунёга машҳур бўлган компания мутахассислари томонидан амалга ошириб келинмоқда. Улар

---

<sup>111</sup> Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси <http://uza.uz/oz/politics/zbekiston-respublikasi-prezidenti-shavkat-mirziyeevning-oliy-25-01-2020>

жумласидан, “Pricewaterhouse-Coopers” (PwC), “Goldman Sachs”, “SuperData”, “PayPal”, “NielsenSports” ва бошқалар. Масалан, “PwC” компанияси томонидан амалга оширилган таҳлилларга кўра, 2018 йилда жаҳон киберспорт бозори 775 млн. АҚШ долларга баҳоланган ва мазкур спортдан кўриладиган фойданинг 95%и дунё бўйича 10та мамлакатларга тўғри келган ва улардан биринчи учталиқ Япония, Хитой ва Буюкбританияга тўғри келган. Шунингдек, таҳлилий прогнозларга кўра, 2023 йилгачан мазкур спортнинг йилига ўртача ўсиши 18,3% даражасида бўлиши ва бозордаги жами ҳажми 2023 йилда 1,8 млрд. АҚШ долларга етиши прогнозилаштирилган<sup>112</sup>.

“Goldman Sachs” компанияси томонидан амалга оширилган таҳлилларга кўра, 2022 йилда киберспорт бозори ҳажми 1,1 млрд. АҚШ доллардан ортиши мумкин, 2022 йилда эса 3 млрд. АҚШ долларгачан ўсиши ва унинг томошабинлари 276 млн. кишини ташкил этиши прогнозилаштирилган<sup>113</sup>.

“SuperData” ва “PayPal” аналитик тадқиқотларига кўра, Европа ҳудудида киберспортнинг бозор ҳажми ва иштирокчиларнинг ҳажми жиҳатидан етакчи мамлакатлардан Россия ҳисобланади ва 2018-2019 йй. бозорнинг ҳажми 45 млн. АҚШ долларни ва иштирокчиларнинг сони 10 млн. кишини ташкил этган<sup>114</sup>.

Бошқа таҳлилий маълумотларга кўра, 2020 йилнинг куз ойларида жаҳон бўйича ўтказилган “League of Legends” чемпионатида 80 млн.дан 90 млн.гачан иштирокчилар рўйхатга олинган. Умуман глобал миқёсда ўйинчилар, иштирокчилар, қизиқувчиларнинг жами сони 500 млн.дан 600 млн.гача баҳоланган. Уларнинг ёши нуқтаи назаридан асосан ёшлар ташкил этади. Таҳлилий маълумотларга кўра, Европада ўйинчиларнинг 50%и 18 ёшдан 34 ёшгачан бўлган ёшлар гуруҳи ташкил этган. Масалан, Россияда жами ўйинчиларнинг 47%и 24 ёшгачан бўлганлар ташкил этган<sup>115</sup>.

---

<sup>112</sup> <https://www.cossa.ru/news/241807/>

<sup>113</sup> Goldman Sachs: к 2022 году рынок киберспорта вырастет почти в три раза [Электронный ресурс]: URL: <https://www.cybersport.ru/other/news/goldman-sachs-k-2022-godu-rynok-kibersporta-vyrastet-pochti-v-tri-raza>.

<sup>114</sup> Рожков Р. Киберспорт высших достижений [Электронный ресурс]: URL: <https://www.kommersant.ru/doc/4095951>.

<sup>115</sup> <https://logincasino.com/article/bistorastushii-i-neuregulirovannii-yridicheskie-aspekti-kibersporta73795.html>

Мутахассисларнинг эътирофларига кўра, пандемия шароитида уларнинг сони 75%гача ортган. Маълумки, пандемия ҳолати дунёда кўплаб спорт турларининг ривожланиш даражасига салбий таъсир кўрсатди. Аммо бу ҳолат киберспортга ҳеч қандай таъсир кўрсатмаганлиги мутахассислар томонидан эътироф этилган. Ўз навбатида, бунга кўплаб омиллар ҳам таъсир кўрсатган, масалан, АҚШда телевиденияда спорт канали мутахассисларининг таъкидлашига кўра, спорт тадбирлари бўлмаганлиги сабабли турли хилдаги киберспорт мусобақалари доимий тарзда кўрсатиб келинган.

Иқтисодиёти ривожланган ва ривожланаётган мамлакатлар сингари, МДХ мамлакатларида ҳам спортнинг мазкур турини фаол ривожланиш тенденциялари кузатилади ва унинг энг фаол ривожланаётган мамлакатларидан бири Россия ҳисобланади. Масалан, “NielsenSports” аналитик агентликнинг таҳлилий маълумотларига кўра, киберспорт иштирокчилари ва маҳсулотларининг истеъмолчилари (трансляцияларни кузатганлар, тадбирларга ташриф буюрганлар ва бевосита киберспортда иштирок этганлар) сони 10 млн.кишини ташкил этган бўлса, 2018 йилда жами тушум 12,7 млн. АҚШ долларни ташкил этган ва 2017 йилга нисбатан 42%га ўсган ва мазкур кўрсаткичнинг 2023 йилгачан ўртача ўсиши 19,8% ва жами тушуми йилига 31,2% бўлиши кутилмоқда<sup>116</sup>.

Шу билан бирга, аксарият мутахассисларнинг таҳминларига кўра, барча мамлакатлар ичида Хитой киберспорт бозорида яқин истиқболда энг юқори улушга эга бўлади ва бунда энг асосий устуворлиги, яъни, рақобатбардошлиги 2та йўналишда кузатилади:

биринчидан, аҳолисининг ёшлари сони кўплиги ва бу спортга қизиқувчиларнинг сони тобора ортиб бориши;

иккинчидан, мазкур спортнинг давлат томонидан ҳар томонлама қўллаб-қувватланмоқда. Масалан, Хитойнинг Ханчжоу шаҳрида 2022 йилга қадар

---

<sup>116</sup> <https://logincasino.com/article/bistorastushii-i-neuregulirovannii-yridicheskie-aspekti-kibersporta73795.html>

14та киберспорт объектлари қурилиши ва унга 2,22 млрд. АҚШ доллар миқдорида инвестициялар киритилиши режалаштирилган ва мазкур инвестициялардан кўзланган асосий мақсад Хитойни жаҳонда киберспорт пойтахтига айлантиришга қаратилган<sup>117</sup>.

Шунингдек, 2022 йилда Ханчжоу шаҳрида Осиё ўйинлари ўтказилиши ва ушбу тадбир ғолиблари медаллар билан тақдирланиши режалаштирилган. Хитойда дунё бўйича киберспортнинг ривожланишига яратилган энг мақбул ва қулай шароитлар ҳисобига “Tencent Holdings Limited” компанияси мазкур мамлакатда ушбу спорт турининг ривожланишига салмоқли хисса қўшди. Бунинг натижасида компания томонидан 2018 йилда дунёга машҳур бўлган «Honor of Kings» ўйини ишлаб чиқилган ва бу 1,3 млрд. АҚШ доллар даромад келтирган<sup>118</sup>.

Киберспорт фаолиятининг ривожланиши бўйича амалга оширилган таҳлилларга кўра, унинг молиявий оқимлари бошқа спорт турлари сингари ўхшаш бўлиб бевосита тижорат фаолиятига асосланади. Ундаги барча иштирокчилар маълум миқдорда даромадга эга бўладилар (3.2.1-жадвалга қаранг).

Хулоса чиқариш мумкинки, киберспорт фаолиятини ташкил этиш ва ривожлантиришнинг молиявий оқимлари барча оммалашган (футбол, хоккей, теннис ва х.к.з) бошқа кўплаб спорт турлари сингари мустақил равишда тижорат фаолиятини ташкил этиш имкониятлари кўп ва уни ривожлантириш учун бевосита давлатнинг молиявий кўмаги асосан норматив-ҳуқуқий асосларини яратишда аҳамиятли бўлади. Масалан, “Super Data” компанияси мутахассисларининг таҳлилларига кўра, 2016 йилда киберспортдан жами тушум 661 млн. АҚШ долларни ташкил этган. Улардан, мукофот маблағлари 78 млн. АҚШ долларни, букмекерлик қўйилмалари 59 млн. АҚШ долларни, хаваскорлар бўйича мусобақалар 40 млн. АҚШ долларни, билетларнинг

---

<sup>117</sup> <https://intalent.pro/article/kak-ustroen-rynok-kibersporta-v-rossii-i-sng.html>

<sup>118</sup> <https://www.researchandmarkets.com/reports/4897215/esports-market-growth-trends-and-forecast#rela4-5134740>

сотувидан 34 млн. АҚШ доллар, спортга таълуқли сувенирларнинг сотувидан 19 млн. АҚШ доллар даромадларга эришилган<sup>119</sup>.

Ўз навбатида, дунёда асосий халқаро мусобақалардан бири “Dota 2” ўйинини яратувчиси “Valve” компанияси томонидан ўтказиладиган – The International мусобақасида мукофот фонди 2011 йилда 1,6 млрд. АҚШ долларидан 2016 йилда 20,7 млрд. АҚШ долларигачан ўсган<sup>120</sup>.

### 3.2.1-жадвал

#### Киберспортнинг иштирокчилари ва уларнинг даромад манбаалари<sup>121</sup>

Киберспортнинг иштирокчилари	Киберспортда даромадлар манбаи
Киберспорт ўйинларини яратувчилар	Яратилган янги ўйинларга янги ўйинчиларнинг кириб келиши ва ўйинларнинг машҳур бўлиб дунё бўйлаб кенг ёйилиши
Мусобақаларни ташкил этувчилар	- Билетларнинг сотуви; - мусобақаларни теле ва радио узатувлари ҳуқуқининг сотилиши; - хомийлар билан шартномалар.
Стриминг платформалари, телеканаллар ва радио каналлар	- мусобақа жараёнларида реклама фаолиятлари; - мусобақаларни он-лайн узатувлари.
Киберспортжамоалари	- Брендларнинг хомийлиги; - мусобақаларда голиблик мукофотлари;
Киберспортчилар	- Жамоалардан маошлар; - Мукофотлардан улушлар;
Букмекерлар	- талабгорларнинг пул қўйитмаларидан даромадлар

Киберспортнинг дунёда тобора кенг ёйилиши ва унда иштирок этувчилар ва фаолиятга жалб қилинганларнинг сони ортиб бориши ҳолатини инобатга олган ҳолда белгилаш зарурки, кўплаб мутахассислар томонидан унинг халқаро ташкилотлар томонидан тан олинishi бўйича ҳаракатлар амалга ошириб келинмоқда. Жумладан, Олимпия ўйинлари қўмитасининг (ОЎҚ) Париждаги мутахассиси Т.Эстангентнинг маълумотларига кўра, 2024 йилда киберспорт ОЎҚ рўйхатига киритилиши мумкин. Мутахассиснинг фикрига кўра, киберспорт тўлақонли спорт турларидан бирига айланиши

<sup>119</sup> <https://intalent.pro/article/kak-ustroen-rynok-kibersporta-v-rossii-i-sng.html>

<sup>120</sup> <https://intalent.pro/article/kak-ustroen-rynok-kibersporta-v-rossii-i-sng.html>

<sup>121</sup> Муаллиф ишланмаси.

зарур ва бу йўлда Францияда 2024 йилда киберспорт бўйича мусобақалар ўтказилиши режалаштирилган<sup>122</sup>.

Сўнгги йилларда Ўзбекистонда ҳам ушбу спортни давлат томонидан ривожланишини қўллаб-қувватлаш мақсадида 2017 йил 15 февралда Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигининг 787-сонли буйруғи билан “Ўзбекистон киберспорт ассоциацияси” рўйхатдан ўтказилди.

Ўзбекистон киберспорт ассоциацияси Россия компьютер спорти федерацияси – умумроссия жамоат ташкилоти, Осиё электрон спорт турлари федерацияси (АЭСФ) ва Халқаро киберспорт федерацияси (ИЭСФ) каби халқаро ассоциацияларнинг аъзоси ҳисобланади.

Ўзбекистонда киберспортни ривожлантириш борасидаги ислохотларнинг амалий ифодаси сифатида қатор тадбирлар ўтказилаётганлигини келтириш мумкин. Жумладан, 2020 йил 21 июлидан 22 декабрига қадар қатор он-лайн спорт мусобақалари ўтказилган, улар жумласидан, “Он-лайн юриш”, “Он-лайн югуриш”, “Он-лайн веломарафон” ва “Он-лайн-шахматлар” бўлиб унинг жами мукофот фонди 100 млн.сўм миқдорида белгиланган<sup>123</sup>.

Амалга оширилган тадқиқотлар асосида қуйидаги хулосаларни чиқариш мумкин:

1. Рақамли технологиялар асосида бугунги кунда спортнинг янги тури пайдо бўлган ва бу киберспортдир. Киберспорт фаолиятининг ривожланиши бўйича амалга оширилган таҳлилларга кўра, унинг молиявий оқимлари бошқа спорт турлари сингари ўхшаш бўлиб бевосита тижорат фаолиятига асосланади. Ундаги барча иштирокчилар маълум миқдорда даромадга эга бўладилар, бундан хулоса қилиш мумкинки, киберспорт фаолиятини ташкил этиш ва ривожлантиришнинг молиявий оқимлари барча оммалашган (футбол, хоккей, теннис ва х.к.з) бошқа кўплаб спорт турлари сингари мустақил равишда тижорат фаолиятини ташкил этиш имконияти кўп ва уни

---

<sup>122</sup> <https://www.vedomosti.ru/business/articles/2017/08/14/729183-kibersport-olimpiiskim>

<sup>123</sup> <https://www.gazeta.uz/ru/2020/07/20/cybersport/>

ривожлантиришда давлатнинг бевосита аралашуви асосан норматив-ҳуқуқий асосларни яратиш, солиқ механизмлари ишлаб чиқиш билан чекланиши мумкин.

2. Дунёда танилган йирик компаниялар (“Pricewaterhouse-Coopers” (PwC), “Goldman Sachs”, “SuperData”, “PayPal”, “NielsenSports” ва бошқалар) томонидан мустақил равишда ўтказилган тадқиқот натижаларининг умумий хулосасига кўра, киберспорт бугунги кунда мустақил соҳа сифатида ривожланган ва кенг қамровли бозорига эга бўлган истиқболли йўналишлардан бири бўлиб қўйидаги иқтисодий манфаатларини келтириш мумкин:

- иш ўринларнинг яратилиши ва бунда аксарият ҳолларда ёшларнинг иш билан таъминланиши масаласига кўмак бўлиши;

- хорижий ёки ички инвестицияларнинг жалб қилиниши, яъни, дунё бўйича ушбу спортнинг тобора ривожланиши тенденцияларини инобатга олган ҳолда Ўзбекистон ҳам ўз ўрнига эга бўлиши натижасида хорижий инвесторларнинг эътибори ортиши;

- солиқ тўлаш ва бошқа тушумларнинг кўпайиши.

3. Киберспортда асосий даромад манбаи бу яратилган ўйинлар ва уларнинг брендлаштирилиши ҳисобланади. Яъни, ўйинларни яратувчи ва муаллифлик ҳуқуқига эга бўлган ёки жисмоний шахс ёки юридик шахслар ҳисобланади. Чунки, айнан мазкур компьютер ўйини асосида турли хилдаги мусобақалар ташкил этилади, ўтказилади, спорт жамоалари тузилади ва бошқа шунга таълуқли бўлган жараёнлар кетма-кетлиги амалга оширилади.

Ушбу жиҳатдан, Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёев Олий Мажлисга Мурожаатномада “... юқори малакали мутахассислар тайёрлаш мақсадида хорижий ҳамкорларимиз билан биргаликда “1 миллион дастурчи” лойиҳасини амалга ошириш бошланди”<sup>124</sup> деб белгилаганлари фикримизча ушбу йўналишда ҳам янги истеъдодларнинг кашф этилишига замин яратилади ва яқин истиқболда ўз самарасини беради.

---

<sup>124</sup> Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси <http://uza.uz/oz/politics/zbekiston-respublikasi-prezidenti-shavkat-mirziyeevning-oliy-25-01-2020>



Чунки, Ўзбекистонда киберспортни ривожлантиришга бевосита ўз хиссасини қўшаётган мутахассисларидан бири Д.Джураевнинг фикрига кўра: “Киберспорт бу – хордиқ чиқариш ва дам олиш эмас, аксинча, бу кўплаб ёшлар учун аниқ имкониятлар даражасидир, улар жумласидан, Олий таълим муассасасига ўқишга кира олмаган ёки ногиронлиги бўлган ёшлар учун имкониятлардан бири. Бунда чегара йўқ, аммо ривожланиш ва даромад кўриш имконияти бор бўлган фаолият” деб фикр билдиради<sup>125</sup>.

Амалга оширилган таҳлиллардан хулоса қилиш мумкинки, бугунги кунда мамлакатимизда рақамли иқтисодиётни шакллантириш борасидаги ислохатлар кенг қамровли бўлиб унинг самарадорлиги мамлакатнинг ижтимоий-иқтисодий кундалик ҳаётидаги ўзгаришларда кузатиш мумкин, шу жумладан, мамлакатимизда киберспортнинг ҳам тобора ривожланиши кузатилади.

4. Киберспорт фаолияти ханузгача халқаро даражадаги қонунчилик нуқтаи назаридан тартибга солилмаган ва бунинг натижасида тартиб қоидаларни бузувчиларни жазо қўллаш имконияти мавжуд эмас. Бизнинг фикримизча, киберспорт бўйича халқаро даражада “Компьютер спорти мақоми тўғрисида” Халқаро Конвенция ишлаб чиқилиши мақсадга мувофиқдир. Мазкур ҳужжатнинг қабул қилиниши киберспорт қонунчилиги фаолиятининг асоси сифатида муҳим аҳамият касб этади. Чунки, халқаро даражада мазкур ҳужжатнинг қабул қилинишининг долзарблиги шундан иборатки, киберспорт кўплаб давлатларнинг спортчиларини бирлаштиради ва агарда ҳар бир давлат ўзининг қонунини қабул қиладиган бўлса, бу мамлакатлар ўртасида кўплаб келишмовчиликларга сабаб бўлиши мумкин. Мазкур ҳужжатнинг қабул қилинишида ҳуқуқий жиҳатларидан ташқари киберспортнинг, спортчилар ва жамоаларнинг фаолияти самарадорлик кўрсаткичларини, иштирокчиларнинг самарадорлик фаолияти

---

<sup>125</sup> <https://www.gazeta.uz/ru/2020/12/10/cybergames/>

методологияси, мусобақаларнинг турлари ва шакллари акс эттириши мумкин.

Амалга оширилган тадқиқотлар асосида хулоса қилиш мумкинки, иқтисодий ривожланган ва ривожланаётган мамлакатларда киберспортнинг мустақил соҳа сифатида ривожланишига таъсир кўрсатаётган асосий муаммолар каторида норматив-ҳуқуқий асослар ҳамда техник регламентларнинг ишлаб чиқилмаганлигини келтириш мумкин ва улар қуйидагиларда кузатилади:

- техника ва ускуналарни назорат қилишнинг ҳамда допинг ҳолатларни аниқлашнинг ягона тизими мавжуд эмаслиги;

- мусобақалар жараёнида юзага келадиган музокараларни ҳал қилишнинг механизмларнинг ишлаб чиқилмаганлиги ва жорий этилмаганлиги;

- меҳнат муносабатларини тартибга солишнинг тармоқ тизими мавжуд эмаслиги;

- соҳада яратувчиларнинг муаллифлик ҳуқуқларини ҳимоя қилиш механизмларининг мавжуд эмаслиги;

- тартиб ва қонун қоидаларни бузган спортчиларга санкциялар/таъқиқлаш тизимлари мавжуд эмаслиги.

- допинг-назоратларини ташкил этиш тартиби мавжуд эмаслиги;

- спортчиларнинг ҳуқуқлари ва мажбуриятлари мавжуд эмаслиги;

- мусобақаларни ташкилотчилари, инвесторлар ва хомийлар билан муносабатларни ташкил этиш;

- шартнома муносабатлар тизими такомиллаштирилмаганлиги, улар жумласида, ўйинчи ва жамоа ўртасидаги муносабатлар, ўйинчилар жамоаси ва киберспортни ташкилотчилари ўртасидаги муносабатлар, шу жумладан, ўйинчиларнинг тарсфери муносабатлари ва улар ўртасидаги молиявий муносабатлар барча мамлакатлар учун умумий шакли мавжуд эмаслиги;

- ўйинчилар жамоалари дунёнинг турли мамлакатларидан жамланган жамоалар ҳам бўлиши мумкин, ушбу жиҳатдан жамоа тузилган мамлакатда

бошқа мамлакатларнинг қонунчилигини тузиладиган шартномаларда инобатга олиниши;

- муҳим муаммолардан бири бу, спортда вояга етмаганларнинг иштироки ва улар аксарият мамлакатларда турличадир, масалан Германия қонунчилиги АҚШ қонунчилигидан фарқ қилади ва ҳ.к.з<sup>126</sup>.

Мазкур параграфда хулоса қиладиган бўлсак, киберспорт истиқболда ривожланишига эҳтиёж сезилаётган спорт турларидан бири. Шу боис, ушбу спорт турини ўз вақтида ва тўлиқлигича молиялаштириб бориш давр талаби ҳисобланади.

### **§ 3.3. Жисмоний тарбия ва спорт муассасаларини молиявий муносабатларини ривожлантириш йўллари**

Маълумки, давлат томонидан “Ўзбекистон Республикасида жисмоний тарбия ва спортни 2025 йилгача ривожлантириш Концепцияси”<sup>127</sup> (кейинги ўринларда – Концепция) қабул қилинган.

Мазкур Концепция 4та боб ва бта параграфлардан иборат бўлиб унда тизимнинг асосий мақсадлари, ривожланиш йўналишлари ҳамда кутилаётган натижалари баён этилган. Шу билан бирга, соҳани истиқболда янада ривожланишига тўсқинлик қилаётган қатор муаммолар ҳамда камчиликлар келтирилган, хусусан, соҳанинг бошқарув тизимида, миллий терма жамоалар тайёрлаш соҳасида, мутахассис кадрларни тайёрлаш соҳаси ва бошқ.

Юқоридаги маълумотларга таянган ҳолда, фикримизча, соҳада ДХШ ҳамда рақамлаштириш жараёнларининг янада ривожлантирилиши Концепцияда молиялаштириш тизимида кўрсатилган аксарият муаммоларни бартараф этиш имкониятини беради. Айниқса, Концепциянинг “ДХШ асосида жисмоний тарбия ва спортни янада ривожлантириш” деб номланган

---

<sup>126</sup> Демченко М.В., Шведова А.Д. Правовое регулирование киберспорта в России и за рубежом // Инноватика и экспертиза: научные труды. 2019. №2 (27). С. 91.

<sup>127</sup> <https://lex.uz/docs/4711327> Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 24 январдаги ПФ-5924-сонли “Ўзбекистон Республикасида жисмоний тарбия ва спортни янада такомиллаштириш ва оммалаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги фармони.

5.9-бандида белгиланган устувор вазифалар соҳада ДХШни тизимли ривожлантириш имкониятини янада оширади.

Таҳлиллар шуни кўрсатмоқдаки, айнан жисмоний тарбия ва спорт соҳасида ДХШ механизмларининг юқори самарадорлиги кузатилган. Жаҳон амалиётида, жисмоний тарбия ва спорт соҳасида ДХШ механизмлари фақат спорт иншоотларини қуриш ёки моддий техник базасини яратиш билан чекланиб қолинмаган, аксинча, ДХШ муносабатлари медецина, кўриқлаш, алоқа ва ахборот таъминоти хизматлари, ҳамда ҳудудий ва халқаро миқёсда турли даражадаги спорт мусобақа тадбирларини ташкил этиш ва ўтказишларда ҳам мавжуд.

ДХШнинг шаклланиш ва ривожланишининг жаҳон амалиётидан маълумки, ДХШ муносабатларини шакллантиришда бевосита мамлакатнинг амалиёти ва ривожланиш ҳолатига асосланган бўлиши талаб этилади. Акс ҳолда мазкур ислоҳотлар салбий оқибатларга олиб келиши мумкин. Ўз навбатида, иқтисодиёти ривожланган мамлакатларда спорт соҳасида ДХШ муносабатларининг ташкил этилиши ва ривожланиши таҳлиliga кўра, ДХШ фаолияти фақат иншоотларни қуриш ёки таъмирлаш билан чекланиб қолмаган, аксинча, унинг кўплаб бошқа йўналишларда янада кенг ёйилганлиги кузатилган, улар жумласидан:

- спорт соҳасида мутахассисларни тайёрлаш, хусусан, профессионал спорт мутахассисларини. Бунда, таълим ва спорт соҳаси уйғунлигидаги лойиҳалар қўлланилади;

- замонавий техника ва технологиялардан фойдаланиш (турли хилдаги компьютер дастурлари);

- тадбирларни ташкил этиш, бошқариш ҳамда ОАВлар билан ишлаш;

- транспорт, меҳмонхона объектлари, умумий овқатланиш ва бошқалар фаолиятига ҳам жалб қилиш.

Таҳлилларга кўра, соҳани ривожлантиришга қаратилган ДХШ муносабатлари асосан спорт иншоотларига таълуқли бўлган масалалар билан чекланиб қолган. Яъни, бугунги кунда хорижий мамлакатлар амалиётида

кенг қўлланилаётган ДХШга турли соҳа вакилларининг (ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш) жалб қилиниши мазкур соҳанинг янада ривожланишига хизмат қилади. Ушбу жиҳатдан, мамлакатда ДХШни ташкил этиш ва ривожлантиришнинг қуйидаги моделларидан фойдаланиш мақсадга мувофиқ, хусусан, хусусий секторга давлат тассаруфидаги спорт ташкилотларини таъмирлашга топширилиши ҳамда инвесторлар томонидан амалга оширилган молиявий харажатларни қоплайдиган муддатларга спорт иншоотлари инфратузулмасига хизмат кўрсатиш ва фойдаланиш ҳуқуқини бериш ва бошқалар.

Юқорида таклиф этилган моделларнинг биронтасидан фойдаланишдан қатъий назар ДХШ муносабатларини шакллантиришда фаолият жараёнида юзага келадиган рискларни инобатга олиш ва улар асосида мажбуриятларни тенг тақсимлаш масаласи муҳим ҳисобланади.

Рақамлаштириш жараёнлари барча соҳа ва тармоқларга таъсир кўрсатгани сингари жисмоний тарбия ва спорт соҳасига ҳам фаол кириб бормоқдаки рақамли технологиялар бугунги кунда нафақат спорт фаолияти билан боғлиқ бўлган барча жараёнларда қўлланилмоқда, балки, рақамли технологиялар асосида бугунги кунда спортнинг янги тури пайдо бўлган ва бу киберспортдир.

Киберспорт дунёнинг кўплаб мамлакатларида расмий тан олинган спорт тури бўлиб спортнинг бошқа турлари иқтисодиётнинг ривожланишига ижобий таъсир кўрсатгани сингари иқтисодиётнинг кўплаб тармоқларини ривожлантиришга бевосита ижобий таъсир кўрсатиши кўплаб олимларнинг илмий тадқиқотларида ўз ифодасини топган. Ушбу жиҳатдан, миллий иқтисодиёт учун қуйидаги самарадорликларни белгилаш мумкин:

- рақамлаштириш бўйича амалга оширилаётган ислохотларнинг жадаллашишига таъсир кўрсатиши;
- қўшимча янги ишчи ўринларнинг кўпайиши ва айниқса, унда ёшларни қамров даражаси ортишига эришилади;

- турли хилдаги ишлаб чиқарувчи ҳамда хизмат кўрсатувчи корхоналарнинг сони кўпайиши;

- чакана савдо тармоқлари ҳамда реклама фаолиятининг ривожланиши ва бошқаларни келтириш мумкин.

Киберспорт фаолиятининг молиявий оқимлари бошқа спорт турлари сингари ўхшаш бўлиб бевосита тижорат фаолиятига асосланади ва ундаги барча иштирокчилар ўзаро манфаатли келишувлар асосидаги фаолиятлари натижасида даромадларга эга бўладилар.

Киберспортда асосий даромад манбаи бу яратилган ўйинлар ва уларнинг брендлаштирилиши ҳисобланади, яъни, ўйинларни яратувчи ва муаллифлик ҳуқуқига эга бўлган ёки жисмоний шахс, юридик шахслар ҳисобланади. Чунки, айнан мазкур компьютер ўйини асосида турли хилдаги мусобақалар ташкил этилади, ўтказилади, спорт жамоалари тузилади ва бошқа шунга таълуқли бўлган жараёнлар кетма-кетлиги амалга оширилади.

Мамлакатда жисмоний тарбия ва спортни 2025 йилгача ривожлантириш Концепциясига асосланган ҳолда жисмоний тарбия ва спорт муассасаларини молиявий муносабатларини оширишда ДХШ механизмлари ва киберспортни ривожлантириш бўйича қуйидаги хулосалар шакллантирилди, хусусан:

1. Мамлакатда жисмоний тарбия ва спортни 2025 йилгача ривожлантириш Концепцияси Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармони билан қабул қилинганлиги соҳанинг миллий иқтисодиётда устувор тармоқларидан бирилигини билдиради. Аммо, Концепцияда келтирилган, соҳанинг истиқболда янада ривожланишига тўсқинлик қилаётган муаммолар тўплами қаторида молиялаштириш тизимидаги камчиликларни, ДХШ ҳамда рақамлаштиришнинг янада ривожлантирилиши ҳисобига тизимдаги аксарият муаммоларни бартараф этиш имкониятини беради. Зеро, таҳлил натижаларига кўра, ДХШнинг айнан жисмоний тарбия ва спорт соҳасида жорий қилиниши натижасида юқори самарадорликлар кузатилган. Шу билан бирга, жаҳон амалиёти таҳлиliga кўра, ДХШ механизмлари фақат спорт иншоотларини қуриш ёки моддий техник базани мустаҳкамлаш билан

чекланиб қолинмаган, аксинча, ДХШ муносабатлари медецина, қўриқлаш, алоқа ва ахборот таъминоти хизматлари, ҳамда ҳудудий ва халқаро миқёсдаги спорт мусобақа тадбирларини ташкил этиш ва ўтказишларда қўлланиб келинмоқда.

ДХШ муносабатларини шакллантиришда юқори самарадорликларга эришишнинг муҳим тамойилларидан бири бу – фаолият жараёнида юзага келадиган рискларни инобатга олиш ва улар асосида мажбуриятларни тенг тақсимлаш ҳисобланади.

2. Мамлакатимизда рақамли иқтисодиётни шакллантириш борасида бошланган таркибий ислохотларнинг юқори самарадорлигини таъминлашда, бугунги кунда рақамли технологиялар асосида яратилган спортнинг янги тури – киберспортни янада ривожлантиришга эътибор қаратилиши мақсадга мувофиқдир.

Киберспорт дунёнинг кўплаб мамлакатларида расмий тан олинган спорт тури бўлиб бошқа спорт турлари иқтисодиётнинг ривожланишига ижобий таъсир кўрсатгани сингари, спортнинг ушбу тури ҳам иқтисодиётнинг кўплаб тармоқларини ривожлантиришга ва энг асосийси, мамлакатнинг барқарор ривожланишига бевосита ижобий таъсир кўрсатиши илмий асослаб берилган ва улар куйидагиларда ўз ифодасини топган: қўшимча янги ишчи ўринларнинг кўпайиши ва айниқса, унда ёшларни қамров даражаси ортишига эришилади; соҳага таълуқли бўлган турли хилдаги ишлаб чиқарувчи ҳамда хизмат кўрсатувчи корхоналарнинг сони кўпайиши; чакана савдо тармоқлари ҳамда реклама фаолиятининг ривожланиши ва бошқалар.

### **3 боб бўйича хулоса**

Жисмоний тарбия ва спорт муассасаларида самарали молиявий муносабатларни жорий этиш муаммоларини ўрганишда спорт муассасаларини ДХШ механизмларини янада такомиллаштириш ҳамда жисмоний тарбия ва спортнинг янги йўналиши – киберспортнинг молиявий механизмларини такомиллаштириш орқали янада ривожлантириш

муаммолари тадқиқ этилган. Тадқиқотлар натижасида, соҳада ДХШ муносабатларини ҳамда киберспортни ривожлантиришнинг молиявий муносабатларини такомиллаштириш бўйича қуйидаги хулоса ва таклифлар шакллантирилди:

1. ДХШ муносабатларининг иқтисодий моҳиятини очиқ беришга бағишланган кўплаб илмий изланишлар амалга оширилган бўлишига қарамасдан, унинг айнан молиявий муносабатлари масалалари тўлиқ ўрганилмаган муаммолардан бири ҳисобланади.

Ушбу муносабатда, амалга оширилган тадқиқотлар ҳамда илғор хорижий мамлакатларнинг тажрибаси таҳлиллари асосида хулоса қилиш мумкинки, ДХШнинг бевосита жисмоний тарбия ва спорт соҳасида амалга оширилиши натижасида иқтисодий самарадорликларидан бири бу, истиқболда янги соҳа ва тармоқларнинг пайдо бўлишига асос солиниши ва бунинг натижасида янги ишчи ўринларнинг яратилишида ҳамда давлат бюджетига солиқ манбаалари ва тушумларининг кўпайишида намоён бўлади.

Иқтисодиёти ривожланган мамлакатларда ДХШ муносабатлари соҳада нафақат спорт иншоотларини қуриш ёки таъмирлашда жорий қилинган, балки, таълим тизимида ҳам мавжуд.

Ушбу муносабатда “Давлат-хусусий шериклик тўғрисида”ги Қонунда ДХШ объекти сифатида белгиланган – лойиҳалаштириш, қурилиш, барпо этиш, етказиб бериш, молиялаштириш, таъмирлаш, модернизациялаштириш, фойдаланиш ва хизмат кўрсатилиши асосида белиглаш зарурки, ДХШ муносабатлари фақат қурилиш соҳаси билан чекланиб қолмоқда. Аксинча бошқа соҳаларни янада фаоллаштириш чора-тадбирларини белгилаш мақсадга мувофиқдир.

2. Бугунги кунда дунёнинг кўплаб мамлакатларида расмий тан олинган киберспорт иқтисодиётнинг тармоқларини ривожлантиришга бевосита ижобий таъсир кўрсатиши илмий асослаб берилган ва мустақил соҳа сифатида ривожланган ва кенг қамровли бозорига эга бўлган истиқболли йўналишлардан бири бўлиб, иқтисодий самарадорликлари сифатида, ишлаб чиқарувчи ва



хизмат кўрсатувчи янги компанияларнинг ташкил этилиши; иш ўринларнинг яратилиши ва бунда аксарият холларда ёшларнинг иш билан таъминланиши масаласига кўмак бўлиши; хорижий ёки ички инвестицияларнинг жалб қилиниши, яъни, дунё бўйича ушбу спортнинг тобора ривожланиши тенденцияларини инобатга олган холда Ўзбекистон ҳам ўз ўрнига эга бўлиши натижасида хорижий инвесторларнинг эътибори ортиши; солиқ тўлаш ва бошқа тушумларнинг кўпайиши ва бошқаларни келтириш мумкин.

Киберспорт фаолиятининг ривожланиши бўйича амалга оширилган таҳлилларга кўра, унинг молиявий оқимлари бошқа спорт турлари сингари ўхшаш бўлиб бевосита тижорат фаолиятига асосланади. Ундаги барча иштирокчилар маълум миқдорда даромадга эга бўладилар.

Демакки, киберспорт фаолиятини ташкил этиш ва ривожлантиришнинг молиявий оқимлари барча оммалашган (футбол, хоккей, теннис ва х.к.з) бошқа кўплаб спорт турлари сингари мустақил равишда тижорат фаолиятини ташкил этиш имкониятлари етарлича ва уни ривожлантириш учун бевосита давлатнинг кўмаги ривожланишнинг устувор вазифаларини белгилаш ҳамда норматив-ҳуқуқий асосларини яратишда аҳамиятли бўлади.

Сўнгги йилларда Ўзбекистонда ҳам спортнинг мазкур турига давлат миқёсида алоҳида эътибор берилиши норматив ҳуқуқий асосларини яратиш ҳамда зарурий чора-тадбирларни амалга ошириш билан алоҳида аҳамият касб этмоқда. Мазкур чора-тадбирларнинг пировард мақсади, электрон спорт жамоатчилигини ривожлантириш, ёш истеъдодларни ушбу спорт турига фаол жалб қилиш ва бунинг асосида Ўзбекистонни халқаро мусобақаларда дунёга танитишдир.

Киберспортни ривожлантиришга қаратилган халқаро норматив ҳужжатлар таҳлилига кўра, мазкур спорт ханузгача халқаро даражадаги қонунчилик нуқтаи назаридан тартибга солинмаган, демакки, мусобақалар жараёнидаги тартиб қоидаларни бузувчиларга нисбатан жазо қўллаш имконияти мавжуд эмас. Ушбу жиҳатдан, киберспорт бўйича халқаро даражада Халқаро Конвенция ишлаб чиқилиши мақсадга мувофиқдир.

Мазкур ҳужжатнинг қабул қилиниши киберспорт қонунчилиги фаолиятининг асоси сифатида муҳим аҳамият касб этади. Чунки, халқаро даражада мазкур ҳужжатнинг қабул қилинишининг долзарблиги шундан иборатки, киберспорт кўплаб давлатларнинг спортчиларини бирлаштиради ва агарда ҳар бир давлат ўзининг қонунини қабул қиладиган бўлса, бу мамлакатлар ўртасида кўплаб келишмовчиликларга сабаб бўлиши мумкин. Мазкур ҳужжатнинг қабул қилинишида ҳуқуқий жиҳатларидан ташқари киберспортнинг, спортчилар ва жамоаларнинг фаолияти самарадорлик кўрсаткичларини, иштирокчиларнинг самарадорлик фаолияти методологияси, мусобақаларнинг турлари ва шакллари акс эттириши мумкин.

## Хулосалар

Диссертация ишида мақсадга эришиш учун режалаштирилган вазифаларни ўрганиш, таҳлил ва тадқиқ этиш натижасида қатор хулосалар чиқаришга мувофақ бўлинди, жумладан:

**биринчидан**, мамлакатда спорт муассасаларини ташкил этиш ва ривожлантириш, аҳолининг руҳан ва жисмонан соғлом бўлиши соғлиқни сақлаш соҳасига сарфланаётган молиявий маблағларни иқтисод қилиш билан бирга, иқтисодиётда ишсизлик даражасини ҳам қисқартириш имкониятини беради;

**иккинчидан**, миллий иқтисодиётни ривожлантиришда жисмоний тарбия ва спортнинг барча имониятларини сафарбар қилиш зарур. Пировардида, бир томондан аҳолининг муайян қисми спорт соҳасида бандлигини таъминласа, иккинчи томондан маҳаллий ва республика бюджетини турли солиқ тўловлари ва йиғимлар билан тўлдириш орқали мамлакатда солиқ юқини пасайтиришга хизмат қилади;

**учинчидан**, жисмоний тарбия ва спорт соҳасини янада ривожлантириш учун инновацион ёндашувларни шакллантириш, хорижий мамлакатларнинг тажрибаларини чуқур ўрганиш ва амалиётга тадбиқ этиш зарур. Бу борада, соҳанинг ривожланиш манбаи ва асосини ташкил этувчи – молиявий муносабатларини ташкил этишда энг мақбул ва самарали механизмнинг яратилиши мақсадга мувофиқ;

**тўртинчидан**, иқтисодиётнинг барча соҳалари ва тармоқларида олий маълумотли мутахассисларнинг улуши қанчалик юқори бўлса, шунчалик мазкур йўналиш барқарор ривожланишнинг муҳим асосларидан бири ҳисобланиши асослаб берилди. Шундан келиб, чиқиб, жисмони тарбия ва спорт соҳасида олий маълумотли аҳоли қатламини изчил кўпайтириш мақсадга мувофиқ;

**бешинчидан**, хорижий мамлакатлар тажрибаси таҳлили шуни кўрсатдики, спортчиларни Олимпия спорт турлари бўйича тайёрлаш тизимига салмоқли инвестициялар киритилади ва уларнинг асосий қисмини

миллий спорт бюджети ташкил этмоқда ва спорт федерациялари ўртасида молиявий маблағларни тақсимлашда “миллий спорт турлари бўйича кучли спорт миллатини шакллантириш” тамойили асосида иш ташкил этилмоқда;

**олтинчидан,** дунёда спортнинг асосий даромад манбааларига мусобақаларга сотиладиган билетлардан тушумлар, теле ва радио узатувларини амалга ошириш учун ҳуқуқларнинг сотилиши келтирилган. Ушбу жиҳатдан, хорижий мамлакатларда айнан ушбу йўналишдаги тажрибаларнинг ўрганилиши мақсадга мувофиқ;

**еттинчидан,** бугунги кунда спорт халқаро ташкилотлар, мутахассислар ва олимлар томонидан, иқтисодиётни ривожлантиришнинг самарали воситаларидан бири сифатида тан олинганлиги муҳим аҳамият касб этади. Зеро, олимлар, жисмоний тарбия ва спорт инсон капитали ҳисобланган инсонларнинг саломатлиги ва меҳнат унумдорлигининг ортишига қилинган инвестициялар сифатида асослашади;

**саккизинчидан,** киберспорт фаолиятининг ривожланиши бўйича амалга оширилган таҳлилларга кўра, унинг молиявий оқимлари бошқа спорт турлари сингари ўхшаш бўлиб бевосита тижорат фаолиятига асосланади. Ундаги барча иштирокчилар маълум миқдорда даромадга эга бўладилар.

Шу боис, киберспорт фаолиятини ташкил этиш ва ривожлантиришнинг молиявий оқимлари барча оммалашган (футбол, хоккей, теннис ва х.к.з) бошқа кўплаб спорт турлари сингари мустақил равишда тижорат фаолиятини ташкил этиш имконияти мавжуд. Уни ривожлантиришда давлатнинг бевосита аралашуви асосан норматив-ҳуқуқий асосларни яратиш, солиқ механизмлари талабга мос равишда ишлаб чиқиш мақсадга мувофиқ;

**тўққизинчидан,** киберспортда асосий даромад манбаи бу яратилган ўйинлар ва уларнинг брендлаштирилиши ҳисобланади. Яъни, ўйинларни яратувчи ва муаллифлик ҳуқуқига эга бўлган ёки жисмоний шахс ёки юридик шахслар ҳисобланади. Чунки, айнан мазкур компьютер ўйини асосида турли хилдаги мусобақалар ташкил этилади, ўтказилади, спорт жамоалари тузилади ва бошқа шунга таълуқли бўлган жараёнлар кетма-кетлиги амалга

оширилишини эътиборга олиб, истиқболда республика миқёсида махсус бир бўлим ташкил этиш лозим;

*ўнинчидан*, мамлакатимизда киберспорт фаолияти ханузгача халқаро даражадаги қонунчилик нуқтаи назаридан тартибга солилмаган ва бунинг натижасида тартиб қоидаларни бузувчиларни жазо қўллаш имконияти мавжуд эмас. Шу боис, киберспорт бўйича халқаро даражада “Компьютер спорти мақоми тўғрисида” Халқаро Конвенция ишлаб чиқилиши мақсадга мувофиқдир. Мазкур ҳужжатнинг қабул қилиниши киберспорт қонунчилиги фаолиятининг асоси сифатида муҳим аҳамият касб этади. Чунки, халқаро даражада мазкур ҳужжатнинг қабул қилинишининг долзарблиги шундан иборатки, киберспорт кўплаб давлатларнинг спортчиларини бирлаштиради ва агарда ҳар бир давлат ўзининг қонунини қабул қиладиган бўлса, бу мамлакатлар ўртасида кўплаб келишмовчиликларга сабаб бўлиши мумкин. Мазкур ҳужжатнинг қабул қилинишида ҳуқуқий жиҳатларидан ташқари киберспортнинг, спортчилар ва жамоаларнинг фаолияти самарадорлик кўрсаткичларини, иштирокчиларнинг самарадорлик фаолияти методологияси, мусобақаларнинг турлари ва шакллари акс эттириши мумкин.

## **Фойдаланилган адабиётлар рўйхати**

### **I. Ўзбекистон Республикаси норматив-ҳуқуқий ҳужжатлари**

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “2017 йилда Ўзбекистон Республикаси Жисмоний тарбия ва спорт давлат кўмитаси ҳузуридаги Болалар спортни ривожлантириш жамғармасининг бюджети ва болалар спорт объектлари ҳамда сузиш ҳавзаларини қуриш, реконструкция қилиш ва капитал таъмирлаш бўйича манзилли дастурни тасдиқлаш тўғрисида” 2017 йил 6 майдаги ПҚ-2961-сонли Қарори;

2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Жисмоний тарбия ва оммавий спортни янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 2017 йил 3 июндаги ПҚ-3031-сонли Қарори;

3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикаси Жисмоний тарбия ва спорт вазирлигини ташкил этиш тўғрисида”ги 2018 йил 5 мартдаги ПҚ-3583-сонли Қарори;

4. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Жисмоний тарбия ва спорт соҳасида давлат бошқаруви тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 2018 йил 5 мартдаги ПФ-5368-сонли Фармони;

5. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Жисмоний тарбия ва спорт объектларини қуриш, реконструкция қилиш, капитал таъмирлаш ва жиҳозлаш ишларини молиялаштириш тартибини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 2019 йил 26 августдаги ПФ-5787-сонли Фармони.

### **II. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёев асарлари**

6. Мирзиёев Ш.М. Эркин ва фаравон, демократик Ўзбекистон давлатини биргаликда барпо этамиз. Ўзбекистон Республикаси Президенти лавозимига киришиш тантанали маросимига бағишланган Олий Мажлис палаталарининг кўшма мажлисидаги нутқ / Ш.М.Мирзиёев. – Т.: Ўзбекистон, 2017. 56 б.

7. Мирзиёев Ш.М. Танқидий таҳлил, қатъий тартиб-интизом ва шахсий жавобгарлик – ҳар бир раҳбар фаолиятининг кундалик қонидаси бўлиши керак. Мамлакатимизни 2016 йилда ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг асосий яқунлари ва 2017 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг кенгайтирилган маъруза. 2017 йил 14 январь / Ш.М.Мирзиёев. – Т.: Ўзбекистон, 2017. 104 б.

8. Мирзиёев Ш.М. Қонун устуворлиги ва инсон манфаатларини таъминлаш – юрт тараққиёти ва халқ фаровонлигининг гарови. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганининг 24 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги маъруза. 2016 йил 7 декабрь / Ш.М.Мирзиёев. – Т.: Ўзбекистон, 2017. 48 б.

9. Мирзиёев Ш.М. Буюк келажакимизни мард ва олижаноб халқимиз билан бирга қураимиз. – Т.: Ўзбекистон, 2017. 488 б.

10. Мирзиёев Ш.М. Миллий тараққиёт йўлимизни қатъият билан давом эттириб, янги босқичга кўтарамиз. – Т.: Ўзбекистон, 2017. 592 б.

11. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси 2020 йил 24 январь. Халқ сўзи газетаси 25 январь 2020 йил.

### **III. Асосий адабиётлар**

12. Алексеев С.В. Спортивный менеджмент. Регулирование организаций и проведение физкультурных и спортивных мероприятий: учебник для студентов вузов, обучающихся по направлениям «Менеджмент организации», «Юриспруденция», «Физическая культура и спорт» / С.В. Алексеев; под ред. П.В. Крашенникова. – М.: ЮНИТИ-ДАНА: Закон и право, 2015. – 687 с.

13. Алтухов С.В., Агеев В.И. Эффективность финансирования спортивных мероприятий и реинжиниринг бизнес-процессов спортивного наследия (на примере Олимпийских игр в Сочи) // Вестник Российского

экономического университета имени Г.В. Плеханова, 2014. №11 (77). С.120-135.

14. Алтухов С.В. Государственное управление и рыночное саморегулирование экономики профессионального спорта в Российской Федерации // Автореферат ... кандидата экономических наук. Москва: Институт макроэкономических и социальных исследований. 24 с.

15. Ачиллов А.М. “Болалар спортини ривожлантириш жамфармасининг жисмоний тарбия ва соғломлаштириш фаолиятини ташкил қилиш технологияси” / Педаг. фанлар. номз. илм. дараж.. диссертац. Т.: 2008. Б.7.

16. Башминов А.В. Зарубежный опыт муниципальной поддержки организаций профессионального спорта // *Ars Administrandi* (Искусство управления). 2017. Том 9. №4. С.629-642. DOI: 10.17072/2218-9173-2017-4-629-642.

17. Бурдые П. Программа для социологии спорта // Начала. М.1994. С.261-262.

18. Богданова Д.Ш. Профессиональный спорт в современном обществе: культурфилософский анализ: автореф. Дис. ... канд. филос. наук. Тверь. 2012.

19. Болозин А.А. Массовый спорт и его значение для современной Российской молодежи // ГУМАНИТАРИЙ ЮГА РОССИИ. 2018. Том.7. №2. С.54-60.

20. Быховская И.М. Спорт: культурологические векторы анализа феномена // Культурологический журнал 2011/1 (3) <http://www.cr-journal.ru>

21. Вапнярская О.И., Золотов М.И. Зарубежный опыт управления массовым спортом // Менеджмент в России и за рубежом. 2006. № 3.

22. Верещагина А.В., Самыгин С.И. Проблемы формирования здоровья российской молодежи в контексте обеспечения национальной безопасности: социологический дискурс // Национальное здоровье. 2015. № 1. С. 53-61.

23. Веблен Т. Теория праздного класса. М., 1984. С.57.

24. Гуттман А. Капитализм, протестантизм и современный спорт // Логос, 2013. - №5. С.2-42.



25. Гонашвили А. «Методологические основы социологии спорта» // Монография. Санкт-Петербург. 2017. С.52.
26. Демченко М.В., Шведова А.Д. Правовое регулирование киберспорта в России и за рубежом // Инноватика и экспертиза: научные труды. 2019. №2 (27). С.91.
27. До Кеон Ву (Do Keon Woo). Управление физической культурой в странах Дальневосточной Азии. автореф. дис. ... канд пед.наук. СПб. 2000. 36 с.
28. Жолдак В.И., Коротаева Н.В. Социология физической культуры и спорта. Учебное пособие. Малаховка. 1994.
29. Зайцева И. Спорт глазами экономиста: современное состояние предмета / Вопросы экономики. 2015. С.100-120.
30. Зусман Е., Корнеев М. ГЧП в спорте: зарубежный опыт и перспективы развития в России // Спорт и право. 2011. №1.
31. Зуев В.Н., Попова И.М. Европейский подход к управлению в сфере спорта: ценности, нормы и интересы // Вестник международных организаций. Т.13. №1. 2018. С.51-65.
32. Кабашкин В.А. Государственно-частное партнерство: международный опыт и российские перспективы. М.: ООО «МИЦ», 2010. С.117.
33. Кузнецова П.К. Массовый спорт в современной России: социальные факторы воспроизводства и развития: автореф. Канд....социол.наук. Санкт-Петербург. 2013. С.15-17.
34. Кулешов С.М. Финансово-экономические механизмы поддержки массового спорта: отечественный и зарубежный опыт // Transport business in Russia. №2. 2017. С.14-16.
35. Косинцев А.П., Обожина Д.А. Государственно-частное партнерство как эффективная форма привлечения инвестиций в сферу физической культуры и спорта / Вестник УрФУ. Серия экономика и управление. №3. 2013. С.84-94.

36. Косогорцев В.И., Моисеева О.А. Реализация моделей государственно-частного партнерства в ведомственных спортивных организациях / Социологические аспекты управления и экономика. С.127-131.
37. Ларина О.И. Государственно-частное партнерство в сфере физической культуры и спорта / Управление. №4. 2018. С.21-28.
38. Леднев В.А. Развитие индустрии спорта в России. Куда идет отечественная спортивная индустрия? // Вестник Российского Международного Олимпийского Университета, 2011. №1. С.56.
39. Леднев В.А. Конкуренция в спорте: новые тренды и закономерности развития // Современная конкуренция, 2012. №6 (36). С.83-87.
40. Маликов Т.С., Хайдаров Н.Х. “Молия: умумдавлат молияси”. Ўқув кўлланма. 2009. Б.556.
41. Матвеев Л.П. Спорт для всех и спорт не для всех. М.2000. С.122.
- Мельник Т.Е. Государственно-частное партнерство в области физической культуры и спорта / Журнал российского права. №12. 2016. С.133-141.
42. Мичуда Ю.П. Особенности финансирования массового спорта в Европе в начале XXI века / Ю.П. Мичуда, В.Н. Жуляев. М., 2009. С.86.
43. Остроухов С.А. Предпринимательство в спорте или как формируется конкурентоспособность спортивных организаций [Текст] / С.А. Остроухов, Л.Н. Орлова // Российское предпринимательство, 2017. Том 18. № 3. С. 405-416.
44. Омахоуни М. Физическая культура – визуальная культура: пер. с англ. М. 2010. С.296.
45. Павленко Ю. Международный опыт финансирования национальных спортивных федераций по результатам их деятельности // Наука в Олимпийском спорте. №4. 2017. С.72-84.
46. Пасюков П.Н. Физическая культура и спорт как фактор сохранения национальной культуры сахалинских корейцев // Историко-культурное и

спортивно-прикладное развитие национальных видов спорта в России: опыт регионов: материалы всерос. науч.-практич. конф. Якутск. 2009. С.205-215.

47. Попондопулов В.Ф., Шевелева Н.А. Публично-частное партнерство в России и за рубежом: правовые аспекты. М. 2015. С.2-3.

48. Платонов В.Н. Система подготовки спортсменов в олимпийском спорте. Общая теория и ее практические приложения. Киев. Олимп. литература. 2004. С.808.

49. Платонов В.Н. Подготовка национальных команд к Олимпийским играм: история и современность / В.Н. Платонов, Ю.А. Павленко, В.В. Томашевский. – К.: Изд. Дом Д. Бураго. 2012. С.252.

50. Репкин С.Б. Организационно-экономическая модель спорта в Китае / С. Б. Репкин // Вестн. Белорус. гос. эконом. ун-та. 2015. № 1. С.119-125.

51. Репкин С.Б. Институциональные основы функционирования рыночной модели в спорте Республики Беларусь // Экономика и Финансы. 2017. №11. С.13-19.

52. Рожков Р. Киберспорт высших достижений [Электронный ресурс]: URL: <https://www.kommersant.ru/doc/4095951>.

53. Сагалеев А.С., Дуринов А.Е., Хамаганов Б.П. Азиатская модель управления физической культурой и спортом // Вестник Бурятского Государственного университета. №13. 2011. С.130-134.

54. Сальникова И.М. Метафора «Политика – это спорт» как способ концептуализации сведений о политической действительности: на материале британского и американского медиадискурса: автореф. Дис. .. канд. филол. Наук. Воронеж. 2013. С.18-21.

55. Сухов С.В. Развитие предпринимательской деятельности в российской индустрии спорта // Диссертация кандидата экономических наук по специальности 08.00.05, Москва: МФПА, 2008. С.157.

56. Суслов Ф.П. О тенденциях выступления российских спортсменов на играх Олимпиад в неофициальном командном зачете // Теория и практика физической культуры. 2009. №12. С.56-59.

57. Слободянюк Н.В. Особенности финансирования индустрии спорта в США // Вестник РЭУ. 2013. №3. С.53-61.

58. Соколов А.С. Основные направления деятельности местных органов власти в развитии физической культуры и спорта в зарубежных странах и в России / Автореф. на соиск. Учен. Степени канд. педагог. Наук. М. 1998. С.26.

59. Танибердиев А.А. Олий таълим муассасаларида жисмоний тарбия дарслари учун кластер модулини ишлаб чиқиш / педагогик фанлари бўйича фалсафа доктори диссертацияси. Чирчиқ. 2019. Б.43.

60. Темиров М.Х. “Ўзбекистон Республикасида давлат молия тизимини ислоҳ қилишнинг истиқболли йўналишлари” / иқтисод. фанлари бўйича фалсафа доктори илмий даражасини олиш учун диссертация. Т.2019. Б.159.

61. Тюриков Р.А. Управление массовыми спортивными практиками: сравнительный анализ отечественного и зарубежного опыта // Дисс. на соиск... канд. соц. наук. Москва. 2017. С.209.

62. Чернобровкина Е.Б. Особенности финансирования физической культуры и спорта в России и за рубежом // Вестник университета имени О.Е.Кутафина (МГЮА). №7. 2019. С.63-70. DOI: 10.17803/2311-5998.2019.59.7.063-070

63. Шакиржонова К.Т., Абдумаликов У.Р., Шакиржанов Т.А. муаллифлигидаги “Жисмоний тарбия ва спортдаги узлуксиз таълимни ташкил қилиш” ўқув услубий кўлланма. Т.: 2012. Б.118.

64. Шеров А.У. “Ўзбекистонда бюджет сиёсати йўналишларини такомиллаштириш” / иқтисод. фанлари бўйича фалсафа доктори илмий даражасини олиш учун диссертация. Т.2020. Б.137.

#### **IV. Хорижий тилдаги адабиётлар**

65. Andreff W. Some Comparative Economics of the Organization of Sports: Competition and Regulation in North American vs. European Professional Team

Sports Leagues // The European Journal of Comparative Economics. 2011. Vol. 8. No.1. P.3-27.

66. Bernard A. B., Busse M. R. Who wins the Olympic Games: Economic resources and medal totals // Review of Economics and Statistics. 2004. Vol. 86, No 1. P. 413-417.

67. Chadwick S. China's financial muscle makes its mark on the global sport industry / S.Chadwick // The conversation. 2015. January 28.

68. Iglin A. Olympism History // European Journal Of Natural History. 2016. №6.

69. About ISSA // International Sociology for Sport Association URL:<http://www.issa.otago.ac.nz/about.html>.

70. Ingold D, Novy-Williams E. Money for Medals: Inside the Performance-Driven Funding of U.S. Olympic Teams. Bloomberg. 2016 Aug 5.

71. Downward P., Dawson A., Dejonghe T. The Economics of Sport. Elsevier, Oxford. 2009. P.38.

72. European Commission (2016) European Model of Sport, Discussion Paper for the Working Group. [http://ec.europa.eu/sport/library/documents/b1/doc424\\_en.pdf](http://ec.europa.eu/sport/library/documents/b1/doc424_en.pdf).

73. Houlihan B, Zheng J. The Olympics and Elite Sport Policy: Where Will It All End? The International Journal of the History of Sport. 2013;30:338-355.

74. Goldman Sachs: к 2022 году рынок киберспорта вырастет почти в три раза [Электронный ресурс]: URL: <https://www.cybersport.ru/other/news/goldman-sachs-k-2022-godu-rynok-kibersporta-vyrastet-pochti-v-tri-raza>.

75. Goranova D. The impact of public funding on Olympic performance and mass participation in Great Britain / D. Goranova // Unpublished PhD Thesis. – Coventry: Coventry University, 2014. – 119 p.

76. Smolianov P., Zakus D., Gallo J. Sport Development in the United States: High Performance and Mass Participation. Routledge. 2014. 270 p.

77. Lee S.P., Cornwell T.B., & Babiak K. (2013). Developing an instrument to measure the social impact of sport: Social capital, collective identities, health literacy, well-being and human capital //Journal of Sport Management. Vol. 27, No 1. P. 24-42.

78. Sam M. Targeted investments in elite sport funding: Wiser, more innovative and strategic? / M.Sam // Managing Leisure. 2012. N17. P. 207-220.

PriceWaterHouseCoopers «Перспективы развития мировой индустрии спорта на период до 2013 года». – URL: [http://proreport.ru/reports\\_detail/2188/chapter3/](http://proreport.ru/reports_detail/2188/chapter3/)  
<https://president.uz/uz/lists/view/4057>

79. Xiaoqian H. An analysis of Chinese olympic and elite sport policy discourse in the post-Beijing 2008 Olympic Games era / H. Xiaoqian. – Loughborough University Institutional Repository, 2015. 442 p.

80. United States Olympic Committee: annual report. – Colorado Springs: USOC, 2015. 17 p.

## **V. Ўзбекистон Республикаси статистик бюллетенлари**

81. Основные показатели развития физической культуры и спорта в 2015 году / Статистический бюллетень. Т.2016. С.3-119.

82. 2016 йилда жисмоний тарбия ва спорт ривожланишининг асосий кўрсаткичлари / Статистик бюллетень. Т.2017. Б.3-149.

83. 2017 йилда жисмоний тарбия ва спорт ривожланишининг асосий кўрсаткичлари / Статистик бюллетень. Т.2018. Б.2-150.

84. 2018 йилда жисмоний тарбия ва спорт ривожланишининг асосий кўрсаткичлари / Статистик бюллетень. Т.2019. Б.6-153.

85. 2019 йилда жисмоний тарбия ва спорт ривожланишининг асосий кўрсаткичлари / Статистик бюллетень. Т.2020. Б.5-141.

## **VI. Интернет ресурслар**

86. <https://president.uz/lists/view/3315>

87. <http://senat.uz/uz/senators/statute/7>

88. <https://lex.uz/docs/63106>
89. <http://uza.uz/oz/politics/zbekiston-respublikasi-prezidenti-shavkat-mirziyevning-oliy-25-01-2020>
90. <https://www.gazeta.uz/ru/2020/12/10/cybergames/>
91. <https://logincasino.com/article/bistorrastushii-i-neuregulirovannii-yridicheskie-aspekti-kibersporta73795.html>
92. <https://intalent.pro/article/kak-ustroen-rynok-kibersporta-v-rossii-i-sng.html>
93. <https://www.researchandmarkets.com/reports/4897215/esports-market-growth-trends-and-forecast#rela4-5134740>
94. <https://intalent.pro/article/kak-ustroen-rynok-kibersporta-v-rossii-i-sng.html>
95. <https://www.vedomosti.ru/business/articles/2017/08/14/729183-kibersport-olimpiiskim>
96. <https://www.gazeta.uz/ru/2020/07/20/cybersport/>
97. <https://www.cossa.ru/news/241807/>
98. [https://ec.europa.eu/eurostat/statistics-explained/index.php?title=Employment\\_in\\_sport#Context](https://ec.europa.eu/eurostat/statistics-explained/index.php?title=Employment_in_sport#Context)
99. [https://ec.europa.eu/eurostat/statistics-explained/index.php/International\\_trade\\_in\\_sporting\\_goods#The\\_value\\_of\\_extra-EU\\_trade\\_in\\_sporting\\_goods\\_in\\_2018](https://ec.europa.eu/eurostat/statistics-explained/index.php/International_trade_in_sporting_goods#The_value_of_extra-EU_trade_in_sporting_goods_in_2018)
100. [https://ec.europa.eu/eurostat/statistics-explained/index.php?title=Employment\\_in\\_sport#Context](https://ec.europa.eu/eurostat/statistics-explained/index.php?title=Employment_in_sport#Context)
101. [https://ec.europa.eu/eurostat/statisticsexplained/index.php/International\\_trade\\_in\\_sporting\\_goods#The\\_value\\_of\\_extra-EU\\_trade\\_in\\_sporting\\_goods\\_in\\_2018](https://ec.europa.eu/eurostat/statisticsexplained/index.php/International_trade_in_sporting_goods#The_value_of_extra-EU_trade_in_sporting_goods_in_2018)
102. [https://ec.europa.eu/eurostat/statistics-explained/index.php/International\\_trade\\_in\\_sporting\\_goods#The\\_value\\_of\\_extra-EU\\_trade\\_in\\_sporting\\_goods\\_in\\_2018](https://ec.europa.eu/eurostat/statistics-explained/index.php/International_trade_in_sporting_goods#The_value_of_extra-EU_trade_in_sporting_goods_in_2018)

## МУНДАРИЖА

	<b>КИРИШ.....</b>	<b>3</b>
<b>1 БОБ</b>	<b>ЖИСМОНИЙ ТАРБИЯ ВА СПОРТ МУАССАСАЛАРИНИНГ ИЖТИМОЙ-ИҚТИСОДИЙ МОҲИАТИ ВА МОЛИЯЛАШТИРИШНИНГ ИЛМИЙ-НАЗАРИЙ ЖИҲАТЛАРИ.....</b>	<b>11</b>
1.1	Жисмоний тарбия ва спорт муассасаларининг мамлакат ижтимоий-иқтисодий ҳаётида тутган ўрни.....	11
1.2	Жисмоний тарбия ва спорт муассасаларида молиявий муносабатларни ташкил этишнинг ўзига хос хусусиятлари.....	15
1.3.	Жисмоний тарбия ва спорт муассасаларида молиявий муносабатларни ташкил этишнинг хорижий тажрибалари.....	26
	1 боб бўйича хулоса.....	42
<b>2 БОБ</b>	<b>ЖИСМОНИЙ ТАРБИЯ ВА СПОРТ МУАССАСАЛАРИДА МОЛИЯВИЙ МУНОСАБАТЛАРНИНГ ҲОЛАТИ ТАҲЛИЛИ.....</b>	<b>44</b>
2.1	Миллий иқтисодиётнинг ривожланишида жисмоний тарбия ва спортнинг роли.....	44
2.2	Жисмоний тарбия ва спортнинг ривожланиш ҳолати таҳлили.....	50
2.3	Ўзбекистонда жисмоний тарбия ва спортни ривожлантиришнинг янги имкониятлари.....	64
	2 боб бўйича хулоса.....	72
<b>3 БОБ</b>	<b>ЖИСМОНИЙ ТАРБИЯ ВА СПОРТ МУАССАСАЛАРИДА САМАРАЛИ МОЛИЯВИЙ МУНОСАБАТЛАРНИ ЖОРИЙ ЭТИШ ЙЎЛЛАРИ.....</b>	<b>76</b>
3.1	Спорт муассасаларини давлат-хусусий шерикчилиги асосида молиялаштиришни ривожлантириш.....	76
3.2	Жисмоний тарбия ва спорт муассасаларида киберспортни молиялаштиришни такомиллаштириш.....	84
3.3	Жисмоний тарбия ва спорт муассасаларини молиявий муносабатларини ошириш йўллари.....	94
	3 боб бўйича хулоса.....	98
	<b>ХУЛОСА.....</b>	<b>102</b>
	<b>Фойдаланилган адабиётлар рўйхати.....</b>	<b>105</b>



**ҲАЛИМОВ ФУРҚАТ ЭМИНЖОНОВИЧ**

**ЖИСМОНИЙ ТАРБИЯ ВА СПОРТ МУАССАСАЛАРИДА МОЛИЯВИЙ  
МУНОСАБАТЛАРНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ**

**МОНОГРАФИЯ**

Наш лиц. АИ № 276, 15.06.2015  
Босишга рухсат этилди: 05.05.2023 йил  
Бичими 60x84 <sup>1/16</sup>. «Times New Roman»  
гарнитурда рақамли босма усулда чоп этилди.  
Шартли босма табоғи 7,2. Адади 100 . Буюртма № 06-12  
Тел: (99) 832 99 79; (99) 817 44 54  
“LESSON PRESS” МЧЖ нашриёти,  
100071, Тошкент, Комолон кўчаси, 13.  
«IMPRESS MEDIA» МЧЖ босмахонасида чоп этилди.  
Тошкент шаҳри, Кушбеги кўчаси, 6-уй.

ISBN: 978-9943-9548-0-9



9 789943 954809